R 496
2004 /4

Guliston

2004/4

NAVOIY

Navoiy viloyati — mehmonimiz

САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА МАСКАН

Бугун халқимиз улуғ айём арафасида турибди. Ҳадемай, юртимиз мустақиллигининг 13 йиллиги байрами зўр қувонч, шодлик ва тантана билан нишонланади.

Шундай улуғ кунларда ўтмишга, тўғрироғи, босиб ўтилган йўлга бир қур назар ташлаб, амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, баъзи кўнгил тўлмаган юмушларни сарҳисоб қилиб олиш фойдадан холи бўлмайди.

Биз ҳам ушбу мақоламизда Навоий вилоятининг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлари, бу ерда юз берган хайрли ўзгаришлар, янгиликлар, вилоят аҳлининг бугунги ўй ва шароитлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Шу ўринда таъкидлаш керакки, вилоятда истиқлол йилларида шу қадар улкан ишлар амалга оширилдики, уларнинг барчасини биргина мақолада тилга олиб ўтиш имконсиздирдир. Энг муҳими, истиқлол шарофати билан Навоий вилояти ҳам тобора ривожланиб, республикамиз иқтисодиётининг қудратли устунларидан бирига айланиб бормоқда.

Навоий вилояти бир тарафи Қарнаб тоғи этакларидан бошланиб, иккинчи тарафи адоқсиз Қизилқум чўлларига ёйилиб кетган, гўзал-боғ-роғлару, экинзорлар, бепоён чўллару сувсиз даштлар ястаниб ётган улкан худуддан иборат. Президентимиз ушбу масканга "Саховатли замин" дея баҳо берган эдилар. Дарҳақиқат, ушбу таъриф замирида улкан маъно мужассам. Чунки бугунги кунда Навоий вилояти ўзининг беқиёс иқтисодий салоҳияти билан мустақил мамлакатимизда муҳим ўрин тутади. Бир томони тоғ, бир томони боғ, бир томони саҳро бўлган бу маскан кўпчилик эътироф этган мўъжизали диёрдир. Бу ерда саноат, зироатчилик, чорвадорликнинг ҳам ривожи баравж.

Навоий вилоятининг иқтисодий салоҳияти жуда катта. Вилоятда 799 та саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бу ердаги "Навоийазот", "Қизилқумцемент", "Электркимё" сингари йирик корхоналар республикамиз тараққиётига муносиб улуш қўшмоқда. Навоий конметаллургия комбинати мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан бири бўлиб, у бутун дунёга таниқлидир. Бу корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўплаб хорижий мамлакатларга экспорт қилинади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида вилоят ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Айни пайтда республикамизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 42 фоизи, маъданли ўғитларнинг 35 фоизи, рангли металларнинг 42 фоизи Навоий вилояти зиммасига тўғри келмоқда. "Нуротамармар", "Газғонмармар", "Бентонит", "Агама", "Зарафшон-Ньюмонт", "Амантайтоу-Гаифмиде" каби қўшма корхоналар йирик ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, уларда тайёрланган маҳсулотлар халқаро миқёсда ҳам нуфузли ўринга эга.

Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларидаги саноатнинг ривожланиши вилоятнинг ҳар томонлама тараққиётида муҳим ўрин тутади. Бу шаҳарлардаги кенг кўламли ишлар юксак илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий ва демократик потенциал билан асосланади.

Вилоятда ер ости ва ер усти ҳамда бошқа бойликларнинг улкан ва ноёб заҳиралари мавжуд. Кварц конлари, гранит, мармар, фосфорид, шунингдек, катта миқдордаги қимматбаҳо ноёб металлар, олтин, кумуш, уран, вольфрам, бетонит қуми ва бошқа кўплаб табиий бойликларнинг улкан заҳираларини туҳфа этади бу кўҳна замин. Аслида, чўл деганда тасаввуримизда бефайз саҳро жонланади. Чиндан ҳам дунёнинг турли чеккаларида жойлашган машҳур саҳроларда асосан ана шундай ҳолат ҳукмрон. Қизилқум ҳақида гап кетганда, бу таъриф ўринсиздир. Таъбир жоиз бўлса, Қизилқум — олтин хумча, яъни бебаҳо хазиналар макони. Унинг бағрида битмас-туганмас ноёб ха-

Guliston

ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий, безакли, оммавий журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Бобур АЛИМОВ,
Нилуфар АЛИХОНОВА,
Маҳмуд БЎРОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Бахтиёр ГАНЖАМУРОД,
Неъматилла ИБРОҲИМОВ,
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Абдусаид КЎЧИМОВ,
Отаназар МАТЁҚУБОВ,
Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Абдулла ОРИПОВ,
Шуҳрат РИЗАЕВ,
Ўктамхон ХОЛДОРОВА
(масъул котиб),
Рустам ШОҒУЛОМОВ,
Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Жуманазар ҲУСАНОВ.

Бўлим муҳаррирлари:
Комил ЖОНТОЕВ,
Манзура ШАМС,
Даврон РАЖАБ.

Саҳифалаш ва дизайн:
Беҳзод ИЛЁСОВ,
Шаҳло ҲОШИМОВА.

Мусаҳҳиҳ
Ёрбек ИСКАНДАР.

Фотомухбир
Дмитрий КУРЬЯКОВ.

Навбатчи муҳаррир
Ўктамхон ХОЛДОРОВА.

Ушбу сонда:

КЕЛАЖАК ОЛЛИДА МАСЪУЛМИЗ 7

Котитехр ва Шофаркот 10

Мэнзурэ Афинэсэ 14

Чингиз АЙТМАТОВ
Болалигим 19

ЧЎЛДАГИ ГИГАНТ КОРХОНА 36

Ифор 40

Табиат мактаби 43

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС 44

ДАРЁЖОН СЕНИНГ ҲАМ ОНАНГ БОРМИДИ 46

Босишга 12.08.2004 да топширилди. Қоғози 60x84 1/8, Ҳажми 6 босма табоқ.
Буюртма №225 , Нусхаси 1005.
Таҳририят манзили: 700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй.
Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57
Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам билан рўйхатга олинган.

зиналар яширин. Мурунтов, Даввжизган, Кўк-патас, Омонтойган каби олтин конлари, Нурота тоғ тизмаларидаги мармар конлари ва Қизилқумдаги фосфорит кони бунинг исботидир. Очиқроқ айтганда, Қизилқум заминида Менделеев жадвалидаги деярли барча унсурлар учрайди.

Шу ўринда, у ерда қазиб олинаётган ўзбек олтини сифат жиҳатидан дунёда энг юқори ўринларда туришини эслашнинг ўзи кифоя. Ҳозирги пайтда ушбу воҳадан қазиб олинаётган олтин бутун дунё бўйича тилла сифатини белгилаш мезони этиб танланганлиги кўнгилларни фахрга тўлдиради.

Мустақиллик йилларида Навоий вилоятида чўл бағридаги табиий бойликлардан унумли фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида, бу ерда қисқа муддатларда янги-янги улкан саноат корхоналари қад ростлади.

Бундан ташқари вилоят туманларида ҳам қатор саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 197,5 миллиард сўмни ёки 109,8 фоизни, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми 198 миллиард сўмни ёки 106,4 фоизни ташкил этади.

Кези келганда, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда вилоятда хорижий сармоядорлар иштирокида янги-янги қўшма корхоналар ташкил этиш масаласига катта эътибор берилаяпти.

Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан бу борада ишлаб чиқилган дастурга кўра 2005 йилга қадар яна 18 та ана шундай корхоналар барпо этиш режалаштирилган. Эътиборли жиҳати, уларнинг асосий қисми вилоят туманлари худудида ташкил этилади. Бундан кўзланган асосий мақсад — жойларда ҳам саноатни кенг тараққий эттиришдан иборат.



Ўз навбатида вилоятда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, қурилиш, транспорт, маиший хизмат, илм-фан, тиббиёт, маданият соҳаларини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам катта ишлар қилинаётир. Яқин ўтмишда вилоятда аҳолининг табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланиши кўрсаткичи ниҳоятда паст даражада эди. Истиқлол йилларида эса бу ишга жиддий эътибор қаратилди. Ҳозирги вақтга келиб, вилоят аҳолининг салкам 80 фоизи табиий газ, 65 фоиздан ортиғи тоза ичимлик сувидан бахраманд бўлмоқда. Ушбу тадбирлар келгусида ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

Навоий вилоятида халқ хўжалигининг барча соҳалари изчил ривожланишида "Навоий-Учқудуқ-Султон

Увайс-Нукус" янги темир йўлининг ишга туширилиши муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат иқтисодининг қон томири бўлган ягона темир йўл тизими қарор топди. Бунинг натижасида, йўловчиларнинг олиси яқин бўлди ва ўнлаб темир йўл бекатлари, темир йўлчилар қўрғонлари барпо этилди.

Вилоятда фан ва маориф ҳамда ўқитиш тизимларини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Навоийда иккита олий ўқув юрти мавжуд. Навоий давлат педагогика ва Навоий давлат кончилик институтларида олти мингдан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 апрелдаги "Кон-металлургия саноати учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил қилишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармони Навоий давлат кончилик институтининг фаолиятини ривожлантиришга жуда катта имкониятлар очиб берди.

Шунингдек, кон-металлургия саноатини ривожлантиришни илмий тадқиқ қилиш ҳамда жаҳон фан-техникасининг энг янги ютуқлари негизида илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш кўзда тутилади.

Республикамизнинг умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш жараёни ҳаммаси бўлиб етти тилда олиб бориладиган бўлса, шундан олти тилда ўқитиш Навоий вилоятига тўғри келади. Вилоятдаги 377 та умумий ўрта таълим мактабларида турли миллат фарзандлари ўз она тилларида таълим олишади.

Вилоятда касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар қурилиши бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ҳавбаҳор туманида 750 ўринли "Истиқлол", Қизилтепа туманида "Янгиқишлоқ", Нурота туманида 750 ўринли касб-ҳунар коллежлари ва Навоий шаҳрида 900 ўринли маданият коллежлари қурилиб ишга туширилган.

Бугун вилоятда 26 та коллеж, 2 та академик лицей, 1 та касб-ҳунар мактаби фаолият юритмоқда.

Навоийда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг соғлом бўлишида спортнинг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда кўплаб спорт иншоотлари, теннис кортлари, спорт-соғломлаштириш майдонлари, сузиш ҳавзалари, стадионлар жаҳон андозаларига мослаб янгидан қурилди. Вилоятдаги "Сўғдиёна", "Хилин" спорт саройлари, "Дельфин" сузиш ҳавзаси ва бошқа кўплаб спорт иншоотлари бугун ёшлар ихтиёрида.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — пахта, ғалла, пилла, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш яхши йўлга қўйилган. Айниқса, мустақиллик йилларида Маликчўл ва Ўртачўл воҳалари ўзлаштирилиб, боғ-роғлар ва экинзор майдонларга айлантирилди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган 4800 га яқин фермер хўжаликларининг ишга ва мулкка янгича муносабатда бўлаётганлиги вилоятда қишлоқ хўжалигининг ҳам ривожланишида муҳим омил бўлаётир.

Бепоён Қизилқум чўли нафақат бебаҳо табиий бойликлар макони, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бўлмиш қорақўлчилик ривожланган жой сифатида ҳам машҳурдир. Унинг бағрида бугун юзлаб чўпонлар фидокорона меҳнат қилишиб, чорвачилик соҳаси ривожига ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқдалар. Таъкидлаганимиздек, улкан салоҳиятга эга ушбу замин юртимиз ҳаётининг барча соҳаларида ҳам ўзининг муҳим ва муқим ўрнини эгаллаб улгурган.

Бир сўз билан айтганда, муҳтарам зот — ҳазрат Навоий номи билан аталувчи ушбу вилоятда ҳам истиқлол ўз мўъжизасини кўрсатган. Вилоят кундан-кунга равнақ топмоқда. Юрт тинч, эл фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бу, аввало, навоийлик заҳматкашларнинг фидоий меҳнатлари самарасидир.

Чинпўлат ҚАНОАТОВ,
иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича вилоят ҳокими ўринбосари

КЕЛАЖАК ОЛДИДА МАСЪУЛМИЗ

2004 йилнинг юртимизда "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши муносабати билан аҳоли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, қўллаб-қувватлаш мақсадида Навоий вилоят "Маҳалла" жамғармаси томонидан муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бунда асосан аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг меҳр ва мурувват йўналиши бўйича фаолиятини кучайтириш, масъулиятини ошириш, оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни шу рухда тарбиялаш каби йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча қонунлар руҳи ва ғояси мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришда асосий масалалардан бири — фуқаролар сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини демократик асосларда шакллантиришдир. Шу мақсадда туман ва шаҳарларда жамғарма ташаббуси билан вилоят ички ишлар ҳамда адлия бошқармалари, кекса ва ногиронлар, чекка қишлоқлардаги беморларга тиббий-ижтимоий патронаж хизмати кўрсатиш мақсадида махсус

тайёргарликдан ўтган тиббий хамшираллар жалб қилиниб, ибратли ишлар олиб борилаяпти. Бу тадбирлар учун сарфланадиган ҳаражатлар вилоят "Қизил ярим ой" жамияти, "Соғлом авлод учун" ва "Маҳалла" жамғармалари маблағлари ҳисобидан қопланмоқда.

Наврўз байрами муносабати билан 13-14 март кунлари ўтказилган Умумхалқ хайрия ҳашарида вилоят ҳудудида 572300 нафар фуқаро иштирок этиб, унда 72400 гектар майдон ободонлаштирилди. 126383 туп дарахт кўчатлари экилди. Маҳаллалардаги эҳтиёжманд оилаларга 3776 минг сўм миқдорида мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Ушбу хайрия тадбири натижасида "Маҳалла" жамғармаси ҳисоб рақамига 143 миллион сўм маблағ туширилди.

Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш масалаларини кенг ёритиш бўйича вилоят оммавий ахборот воситалари орқали алоҳида рукн очилган. Шу соҳада ишлайдиган махсус ижодий гуруҳ томонидан 11 та туркум эшиттириш тайёрланди.

Йил давомида аҳоли ўртасида Оила Кодекси, оила психологияси, оила иқтисоди, соғлом оила каби масалаларни ўз ичига олган мавзуларда давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар ўтказиш мавжуд режа асосида олиб бориляпти.

Вилоят ҳудудидаги 267 та МФИ, 16 та овул фуқаролар йиғинларида тарбияси оғир болалар билан ишловчи жамоатчилик Кенгашлари тузилган. Маҳалла педагог-тарбиячилари, посбонлари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича доимий комиссиялар ўртасида ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузар, тарбияси оғир вояга етмаган болаларга жамоатчи мураббийлар бириктирилган. Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Навбаҳор, Хатирчи, Навоий туманлари ўзини-ўзи бошқариш органларида бу йўналишда кўплаб давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги асосида 18 та тўгарак ташкил қилинган. Уларда 1310 нафар бола мунтазам иштирок этаяпти.

Жорий йил давомида маҳаллаларда 34 та спорт майдончаси қуриш ва таъмирлаш режага киритилган. Навоий шаҳрида "Спутник", "Тинчлик", Кармана туманида "Сардоба", Конимех туманида "Бирлик", Зарафшон шаҳрида "Шахтер", МФИ ҳудудидаги спорт майдончалари ҳомийлар томонидан таъмирлаб берилди.

2004 йилда вилоят "Маҳалла" жамғармаси ёш авлодни жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишига шароит яратиш, уларни мунтазам спорт билан шуғулланишларини таъминлаш, айниқса, ёзги дам олиш кунларида бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун бир неча спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилмоқда.

Вилоят бўйича маҳаллаларда спорт билан шуғулланувчи ёшлар сони 59154, спорт билан шуғулланаётган оилалар сони 5373 нафарни ташкил этиб, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар "Маҳалла" жамғармалари ҳисобидан маблағ ажратилмоқда. Йил давомида дастур доирасида "Саховатли тадбиркор", "Маҳалламизнинг мурувватли кишилари", "Энг яхши маҳалла", "Энг намунали оила", "Энг намунали милиция таянч пункти", "Намунали профилактика инспектори ва педагог-тарбиячи" кўрик-танловларини ташкил этиш ва ўтказиш режалаштирилган. Ушбу тадбирни туман ва шаҳарларда намунали ўтказиш мақсадида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хуллас, Навоий вилояти "Маҳалла" жамғармаси ҳам вилоятда, юртимизда амалга оширилаётган эзгу юмушлардан четда қолмаяпти.

Дўстмурод ХОЛИҚУЛОВ,
Навоий вилояти "Маҳалла" жамғармаси раиси

ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Маълумки, Навоий вилояти чорвачилик соҳаси бўйича мамлакатимизда етакчи ўринлардан бирида туради.

Вилоятда қоракўлчиликка ихтисослашган Нурота, Конимех, Томди, Учқудуқ каби туманлардан ташқари Қизилтепа туманидаги "Мирзачўл", Навбаҳор туманидаги "Сармиш", Кармана туманидаги "Кармана" ширкат хўжаликлари ҳам бевосита чорвачилик маҳсулотлари етиштиради.

Кейинги пайтларда вилоятда тивит-жун берадиган ангор зотли эчкичилик ҳам ривожланиб бормоқда. Бунга мисол тариқасида Хатирчи туманидаги "Олтинсой" ширкат хўжалигини кўрсатиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида вилоятдаги 84 та ширкат, 2 та қўйчилик, бўрдоқичилик, 3 та паррандачилик хўжаликлари, 3 та паррандачилик фабрикаси, чорвачилик билан шуғулланувчи 446 фермер хўжалиги ҳам фаол иштирок этмоқда.

Вилоятимизда яйлов ерлар жуда кўп. Бу ерларда турли доривор гиёҳларни истеъмол қилган чорва гўшти ҳам мазали, ҳам шифобахш хусусиятга эга. Вилоятда яна қорамол, қўй, йилқидан ташқари Қизилқум барханларида республиканинг ҳеч ерида учрамайдиган туячилик соҳаси ҳам яхши ривожланган. Бугунга келиб, бу ерларда беш мингга яқин туя боқилаяпти.

Конимехдаги "Маданият" ширка хўжалиги йилқичиликка, Хатирчида ги "Олтинсой" ширкат хўжалиги эч кичиликка, Кармана туманидаг Равшан фермер хўжалиги, "Дўстлик агрофирмаси наслчилик хўжаликларига айланти рилди.

Ўтган йиллар мобайнида олим ва мутахассис ларнинг меҳнати самараси ўлароқ Нурота тумани даги Нурота наслчилик ширкат хўжалигид қоракўлнинг "Зармалла", Конимехдаги "Абай наслчилик ширкат хўжалигида "Ўзбекистон кумуш сури" номли янги зотлари яратилди.

2004 йил қўзилатиш мавсумида вилоят бўйич ҳар 100 бош қўйдан 111 тадан қўзи олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида фер мер хўжаликларига, аҳоли молларига зоо ветеринария хизмати кўрсатувчи пунктлар ташки қилишда амалий ёрдам берилди.

Булардан ташқари чет эллик ҳамкорлар била жунни, терини қайта ишлайдиган технологияла олиб келинди. Натижада, вилоятнинг ўзида п ламбоп ранг-баранг иплар ҳамда сифатли чар маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Баҳриддин РЎЗИЕ
Навоий вилояти қишлоқ ва сув хўжали бошқармаси бошлиғини ўринбосар



ТУПРОҚДАН ЗАР УНДИРАЁТГАНЛАР

Хатирчи туманининг Акмал Икромов ширкат хўжалигига ҳеч йўлингиз тушганми? Ширкатнинг сўлим шийпонидаги катта ҳовуз, ўзини борлиққа кўз-кўзлаётган танноз фавворалар, мушк-анбар таратиб турган анвойи гуллардан тортиб, узоқларга бўйлаб турган улкан сарвқомат дарахтларгача кишини ўзига мафтун этмай қўймайди. Хатирчининг ўзига хос об-ҳавоси, майин эсиб турувчи шаббодаси бошқа ерлардан анча фарқ қилади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, ширкат хўжалигининг раҳбари Эркин Қаҳҳоров ишнинг кўзини биладиган раҳбар. У кишининг номини нафақат Тасмачи, Олтинобод қишлоқ аҳолиси, балки бутун вилоят аҳли ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Ширкат хўжалиги асосан узумчиликка ихтисослашган бўлиб, ўтган йили йиллик даромад 330 миллион, соф фойда эса 52 миллион сўмни ташкил этди. Умумий майдони 4100 гектар бўлган бу хўжаликнинг 1700 гектари суғорма, қолгани лалмикор ерлардир. 985 гектар ердаги узум, 270 гектар пахта, 280 гектар ғалла майдонларининг 84 фоизи кўтарма насослар ёрдамида суғорилади.

"Сен ерни боқсанг, ер сени боқади", — дейди халқимиз. Дарҳақиқат, ерга озгина меҳрингни бериб ишласанг, у сени ҳеч қачон марҳаматидан дариғ тутмайди. Раис бу нақлларни 1985 йиллар Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институтида ўқиб юрган чоғиёқ чуқур ҳис этганди.

Ширкат ҳудудида 18 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларда 1040 дан зиёд ерлик аҳоли меҳнат қилади. Ўтган йили узумчиликдан олинган 800 тонна майизнинг 400 тоннаси натура ҳолида деҳқонларга бўлиб берилди.

Ишбилармон раҳбар бу йил 18 километр жойдан қувур тортиб, яна 260 гектар янги ер очди. Бу билан қишлоқда ишсизлар сони қисқарди. Иш фаолиятини шу жамоадан бошлаган Эркин ака ер тилини яхши билади, ҳамқишлоқларининг ҳам "оғриқ ер"лари унга беш қўлдек аён. Шунинг учун ҳам 6500 нафар аҳолиси бор "Тасмачи" қишлоғи йўллари хўжалик ҳисобидан тўла асфалтлаштирилган. "Олтинобод" қишлоғидан икки чақирим нарига насос ўрнатилиб, ичимлик суви келтирилди. Тўрт чақирим масофага газ қувури тортилди. Булардан ташқари, шу қишлоқ аҳли учун икки минг ўринли стадион қуриб, ишга туширилди. Шу ҳудуддаги 17-мактабнинг 96 нафар ўқувчисига бепул дарсликлар олиб берилди.

"Меҳр ва мурувват йили"да ўз саховати билан ўнта кам таъминланган оила болаларига тўй қилиб берилди, 3 та ногирон болага эса аравача туҳфа этилди.

"Ишонч", Аҳмаджон, Наврўзбек фермер хўжаликлари ширкатда пешқадамлик қилиб, давлатга пахта, ғалла, узум топшириш режаларини ҳар йили ортиғи билан уддалаб келмоқдалар.

Уста деҳқон Эркин Қаҳҳоровнинг орзулари бисёр. "Хатирчи ширинлик", "ЎзГолландия Тўрақўрғон ширинликлари" қўшма корхонаси билан ҳамкорликда узумни қайта ишлайдиган цехларни ишга тушириш борасида шартномалар имзоланган. Хўжалик иқтисодиётини бир неча бор ошириши лозим бўлган ушбу қайта ишлаш корхонасини мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Юқорида айтганларимизнинг бари чин. Агар шубҳа қилсангиз, ширкат хўжалигига бир келиб-кетинг. Ана шунда ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Ҳар бир ривоят, афсона замирида ҳақиқат яшириндир. Ана шундай афсоналарнинг бири қадимий Конимех тарихига бориб боғланади. Эл орасида ушбу атаманинг келиб чиқиши ҳақида турли афсона, ривоятлар мавжуд.

Эътиборингизга олис ўтмиш билан бугунни боғлаб турган афсоналардан бирини ҳавола этмоқчимиз.

Конитеҳр ва Шофиркон

(афсона)



Қадим ўтган замонларда шаҳзода Шопур Турон султонининг қизи Меҳрибонуга ошиқ бўлиб қолибди. Эрон шоҳи ўғлининг аҳволини тушуниб, Туронга совчи юборади. Бироқ Турон султони қизи ёлғиз фарзанд эканини баҳона қилиб, совчиларга рад жавобини беради. Эрон шоҳи дарғазаб бўлиб, Туронга қўшин тортади. Ўғлининг кўнгилчанлигини билиб, Шаддод деган қонхўр саркардага қўшинни бошқаришни тайинлайди. Шаҳзода Шопур ўз муҳаббатига бу йўл билан эришишни, албатта, истамас эди. Кўзи қон, қўли қон Шаддоднинг ҳар қандай хунрезликдан ҳам қайтмаслигини англаган Шопур ниқоб кийиб, юриш қилаётган қўшин ичига кириб олади.

Қизиғи шундаки, эрон қўшинлари Турон маркази Сусамбилга (ҳозирги Нурота атрофида) Наврўз байрами куни кириб келадилар. Байрам қилаётган ҳалойиқни кўриб, Шопур ниқобини очиб, ўзини танитибди ва навкарларга жанг қилмасликни буюрибди.

Шаддод эса табийки жангни истарди — лашкарни урушга бошлайди. Аммо қўшин унга бўйсунишдан бош тортади. Шопурга қулоқ солади.

Шопурнинг онаси асли туронлик аслзодалардан эди. Шунинг учун ҳам шаҳзода ўз қондошларига зарар етказишни истамади. Лекин буни ошкор этмай, ўз ҳаракатларига бошқа сабаб кўрсатади: "Наврўз сайли куни қон тўкиш гуноҳ". Шопур "Эрон ва Турон биродар бўлмоғи керак. Умуман, барча халқлар биродар бўлмоғлари зарур" деган шиорни ўртага ташлайди. Турон султони ниқобли донишмандни яхши кўриб қолади ва Малик чўлида бўладиган улоқ-кўпкарига таклиф қилади. Босқинчилик ниятида келган лашкар байрамона кутиб олинади. Навкарларни итоат қилдира олмаган, ғазабланган Шаддод кўпкари вақтидаги ғала-ғовурдан фойдаланиб, Шопурни ўлдирмоқ ниятида камондан ўқ узади. Аммо Турон соқчиси ўз кўкрагини қалқон қилиб, уни ҳалокатдан қутқазиб, ўзи жон беради. Шаддоднинг бу мудҳиш қилмишини кўрган Шопур ёйдан ўқ йўллаб, уни қулатади. Ғала-ғовур вақтида чанг-тўзон кўтарилиб, малика Меҳрибонуни афсонавий қора кучлар саркардаси ўғирлаб кетади.

Шопур уларнинг изидан Нурота тоғлари томон боради. Бироқ Меҳрибонуни тополмайди. Шаҳзода қалбидаги муҳаббатни унута олмайди. Бу тоғ-тошларда ўсган ҳар бир гул-чечаклар севгилисини эслатади. Она юрти Турон даштларини кўриб, уларга сув чиқаришни режалаштиради. Икки мамлакат Эрон ва Турон қўшинлари қиличини қинига солиб, қўлга кетмон ва белкурак олади. Бир неча йиллик меҳнат натижасида, икки дарё пайдо бўлади.

Халқ бирини Шопур номи билан Шопурком, яъни Шопур дарёси *(ком — дарё)*, иккинчисини Комимеҳр — меҳр дарёси деб атади.

Икки севишган юрак шу тарзда мангу қовушибди. Ўша замонлардан бу дарёлар қўҳна муҳаббатдан дарак бериб, ёнма-ён оқади.

Уларнинг номлари эл аро ҳурмат билан тилга олинар экан. Фақат давр ўтиши билан ушбу муҳаббат қиссаси унутилибди, дарёлар номи бошқачароқ талаффуз қилинадиган бўлибди.

"Шопурком" — Шофиркон бўлиб кетибди. "Комимеҳр" эса Конимехга айланибди.

КОЛЛЕЖ НУФУЗИНИ ЯНАДА ОШИРАМИЗ

Мактабгача тарбия йўналишида фаолият олиб бораётган Навоий педагогика коллежи (собиқ пед билим юрти) бундан 22 йил муқаддам ташкил этилган бўлиб, ўша йили бор-йўғи 120 нафар ўқувчини қабул қилган бўлса, бугунга келиб, бу даргоҳда 1850 нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Ўтган давр ичида коллежга тажрибали ўқитувчилар жалб этилди, мутахассисликлар доираси кенгайтирилди. Айни пайтда, коллеж вилоятдаги касб-ҳунар даргоҳлари орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий, ўқув-тарбия ишлари кўлами билан алоҳида ажралиб туради.

Йил бошида Жиззах вилояти олимпия заҳиралари спорт мажмуасида миллий кураш бўйича ўтказилган мусобақада Навоий вилоятининг қизлар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллади. Ушбу жамоа Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Ўзбек кураши" спорт мусобақаларида 1-ўринни эгаллаб, "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғаси ва фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Терроризм, гиёҳвандликка қарши курашга бағишлаб ўтказилган "Ўзлигингни унутма" номли театрлаштирилган тадбир кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. "Турон" театр жамоаси билан ҳамкорликда уюштирилган бу томоша йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Яқинда бошланғич синфларда таълим-тарбия бўлими талабалари билан "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ушбу очиқ мулоқотда Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг судялари иштирок этиб, бугунги кунда инсоният ҳаётига жиддий хавф солиб турган террористик ва экстремистик ҳаракатлар, уларнинг зарарли оқибатлари ҳақида батафсил тушунтириш бердилар. Коллеж талабалари ҳам бу борада кенг, атрофлича фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

Ёшларимизнинг ҳаёти учун жиддий хавф бўлиб турган ОИТС касаллиги ва унинг олдини олиш борасида ҳам талабалар билан мунтазам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Вилоят наркология ва ОИТСга қарши кураш маркази билан ҳамкорликда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. "Гиёҳвандлик — иллат" мавзуида ўтказилган расмлар танлови ҳам кўпчилик эътирофига сазовор бўлди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан коллеж талабалари сафидаги кам таъминланган оила фарзандларининг ҳар бирига кийим-бош олиб берилди. Муҳтож талабаларга мунтазам равишда ҳар тарафлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўқув юртида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни янада ривожлантириш, янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги турдош коллежлар тажрибасини таълим-тарбия жараёнига кенг жорий этиш, ўқитувчи ва тарбиячилар малакасини ҳар томонлама ошириб бориш педагогик жамоамизнинг бош мақсадидир.

Олим СУВОНОВ,
Навоий педагогика коллежи директори

УРУҒЧИЛИК — ДЕҲҚОНЧИЛИК АСОСИ

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор соҳаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, ушбу тармоққа бўлган эътибор йил сайин ортиб бормоқда. Буни Қизилтепа туманидаги "Бухоро" ширкат хўжалиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу илғор хўжалик нафақат Навоий вилояти, балки республикамизда кўзга кўринган ширкатлардан биридир. Хўжалик раҳбари Владимир Шашурин билан суҳбатимиз асосан ғалла ва пахта уруғчилиги ҳақида бўлди.

— Мен ҳам барча деҳқонлар каби ерни жуда яхши кўраман, — дейди Владимир Шашурин — шунинг учун ҳам унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Алоҳида тажриба майдонимизда 12 йилдан бери асосан ғалла навлари устида изланишлар олиб борамиз. Бу йил ҳам 5 гектар ерда 51 хил ғалла навини синаб кўрдик.

Уруғларни асосан Андижон ғаллачилик илмий текшириш институтидан, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтидан ва Россия Федерациясидаги Олтой ғаллачилик илмий текшириш институтларидан оламиз.

— Синов тажрибалари ўтказишдан асосий мақсад нима?

— Биз асосан уруғларни танлаш билан шуғулланамиз. Шароитга қайси уруғ кўпроқ мос келади, қай бирининг ҳосилдорлиги яхши каби саволларга жавоб излаймиз. Хўжалигимизда тез-тез соҳага оид семинарлар ўтказилиб турилади. Ана шундай тадбирлардан бирида ўзимизда етиштирилган 37 хил буғдойдан алоҳида-алоҳида нон ёптириб, семинар иштирокчиларига тақдим этдик. 37 та идишда бошоқ, ун ва нонни кўргазма сифатида уларга намойиш қилдик.

Бу йил вилоятимизда маҳаллий шароитга мослаштирилган "Половчанка", "Крошка" навли уруғлар экилди. Келаси йили синовлардан яхши ўтган "Марс" навини экмоқчимиз. Чунки у ер танламайди, 60-70 центнердан ҳосил беради, касалликларга чидамли, унча-бунча шамолда ётиб қолмайди.

— Ғалланинг буғдойдан ташқари турлари билан ҳам шуғулланасизларми?

— Бозор иқтисоди шароитида ишни ҳамиша бир неча йўналишда олиб бормоқ керак. Шу маънода бу йил бир гектар тажриба майдонимизга пиво тайёрлашда ишлатиладиган солод олиш учун арпа экдик. Ушбу маҳаллий хом ашё келгусида яхши самара беришига аминман.

— Дарвоқе, хўжалигингизда ғалла билан бирга пахта ҳам экилади. Бу борада қандай изланишлар олиб бориляпти?

— Икки гектар майдонга 26 турдаги пахта нави экилди. Бу ишни, албатта, ўзимиз учун — деҳқонларимиз тажрибаларини янада орттириш учун, қолаверса, кези келганда еримизга қайси нав экилиши зарурлигини билишимиз учун қилмоқдамиз. Масалан, ўтган йили "Наманган-77" навини экиш тавсия этилганди. Лекин биз уни экмадик, сабаби — олдинроқ бу нав бизда синовдан ўтган ва ўзини оқламаган эди. Кези келганда, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, "Бухоро" пахта навининг сифати ҳозир анча бузилган. Буни унинг муаллифи ҳам тан олмоқда. Шу боис, кўпроқ ҳудудимизга мос навлар ҳақида бош қотирамиз.

Уруғчилик билан шуғулланадиган одам жаҳон тажрибасини яхши

Йўллар равон, манзиллар яқин

"Навоийавтойўл" йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилотига қарашли магистраль йўллардан фойдаланиш бошқармаси халқаро аҳамиятга эга бўлган М-37 "Самарқанд-Бухоро-Ашхобод" автомобил йўлининг Навоий вилоят ҳудудидан ўтувчи 65 километрлик тармоғига хизмат кўрсатади.

Бошқарма йўл қурилиши ва таъмирлаш ишларига ихтисослашган бўлиб, таркибида асфальт-бетон заводи, темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тош майдалаш цехлари мавжуд.

Вилоят ташкилотлари орасида алоҳида нуфузга эга ушбу корхона фаолиятининг асосий йўналиши автомобил йўлларида транспорт ва пиёдалар ҳаракат хавфсизлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлашга қаратилгандир.

2004 йилги йўл ишлари дастурига асосан вилоят ҳудудидаги автойўлларни таъмирлаш, сақлаш ва жиҳозлаш ишлари учун 572 миллион 945 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари режалаштирилган бўлиб, ҳозирги вақтда ушбу дастур асосида барча турдаги таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жорий йилда автомобил йўлининг 4,5 чақиримига қопламa ётқизиш ва 17 чақиримида қопламани таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

Соҳанинг тажрибали муҳандиси Бўрон Абдуллаев етакчилигидаги йўлсозлар, шунингдек, Шуҳрат Суюнов бошчилигидаги асфалт-

билиши ва энг маъқулларини синовдан ўтказиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш керак.

— Хориж мамлакатларидан тайёр уруғлик келтириш масаласига қандай қарайсиз?

— Мустақилликнинг илк йилларида не машаққатлар билан Исроилдан "Виегра-5", "Виегра-10" навли аъло сифатли пахта уруғини олиб келиб, экиб кўрдик. Ҳамма томонлама бизнинг шароитга мос, 42 фоизгача тола беради, 70 центнердан ҳосил олиш мумкин. Бу навни кўпайтириб, 10 гектар майдонга таваккал қилиб экдик. Ғўзанинг авжи жуда баланд бўлди. Тизза бўйи бўлганда баъзи ташкилот вакиллари келиб, мени сўроқ-саволга тутдилар. Шунча гектар ердаги барқ уриб ўсаётган ғўзаларни ҳайдаб ташладилар.

Орадан бир неча йил ўтгач, Президентимиз ўз маърузаларидан бирида деҳқонларга қарата: "Қизиқиш учун ҳам Исроилдан пахта навини олиб келиб, экиб кўрсаларинг ҳам бўларди, барака топгурлар", — дедилар. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди ўша дамда.

Мана, Америкада ҳам тезпишар навлар бор. Уларда пахта бир мартада териб олинади.

— Гапингизни бўлдим, навларимизни бошқа давлатлардан олиб келайлик, демоқчисиз, шекилли?

— Агар бизда яратилаётган навлардан бошқа давлатларда етиштирилаётган навлар устун бўлса, нега шундай қилмаслигимиз керак?

Яна бир масала: ўз тажрибамдан келиб чиқиб, шуни айтмоқчиманки, баҳорги буғдойни кўпайтириш чорасини кўриш керак. Буғдой пахта ичига экилганда, унинг яхши ҳосили қолиб кетади, тўлиқ ниҳол олиб бўлмайди. Ҳолбуки, бошқа давлатларда 60-65 кунда пишадиган навлар борлигини, гектарига атиги 12-17 кг уруғ экилиб, 50 центнердан ҳосил олинаётганини яхши биламан. Бизда эса гектарига 60-100 кг уруғ қадашга тўғри келади. Меҳнат ҳам икки баробар кўп бўлади.

— Владимир Яковлевич! Бироз лирик чекиниш қилсак-да, ўзингиз, оилангиз ҳақида гаплашсак. Сиз соф қизилтепаликлар лаҳжасида гапираяпсиз. Агар исм-шарифингизни бу ерга келишимдан олдин айтишмаганда, ҳеч иккиланмай бир ўзбек деҳқони билан суҳбатлашаяпман, деб ўйлаган бўлардим.

— Ота-онам асли Челябинскдан. Мен 1941 йилда шу ерда туғилганман. Ўзбек мактабида ўқидим. Худога шукр, шу юртда ўсдим, обрў-эътибор топдим. Хотиним, 4 та қизим бор, куёвларимдан бири ўзбек йигити.

Хўжалигимизда 1565 нафар маҳаллий аҳоли меҳнат қилади. Улар орасида ўзбек, тожик, қозоқ миллати вакиллари бор. Мен уларнинг ҳар бири билан ўз тилида сўзлашаман.

— Соҳа олимларига қандай тилак ва истакларингиз бор?

— Республикамизда гармселга чидамли навлар йўқ. Нега бундай навлар яратилмаяпти, деб улардан сўрасак, "Бизда бундай шамол йўқ",— дейишади. Гўё Бухоро, Навоийда бирор марта бўлмагандек тутишади ўзларини.

Мустақил юртимизда бугун яхши сифатли, ҳосилдор навларни пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам яратиш пайти келди. Олимларимиздан бир илтимосим: ерларимизга мос маҳаллий навлар устида жиддий бош қотириш зарур. Улар тез-тез деҳқонларимиз билан учрашиб, уларнинг фикрларини ҳам инобатга олсалар, айни муддао бўларди.

Ўктамхон ХОЛДОРОВА
суҳбатлашди

бетон заводи жамоаси, ушбу корхонанинг тажрибали оператори Равил Гагаев, механизатор Субҳон Раҳимов, моҳир автогрейдерчилар Комил Муҳиддинов, Ҳамидулла Ҳамдамов ва бошқаларни тармоқ вакиллари ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладилар.

Бошқарма жамоаси автомобил йўлларини жаҳон андозаларига мос даражага етказиш ниятида тинимсиз изланиб, билим ва тажрибаларини ошириб бормоқдалар. Натижада, вилоятдаги йўллар равон, йўловчилар манзили эса яқин бўлмоқда.

Рустам ҲОШИМОВ,
"Навоийавтойўл" йўл қурилиши ҳудудий шўба корхонаси бошлиғи ўринбосари

Манзура Афинада

Мустақиллик йилларида юртимизда бир қатор умидли ва иқтидорли спортчилар етишиб чиқди. Айниқса, теннис бўйича ўтказилган халқаро мусобақада Ирода Тўлаганова изидан бориб, муваффақият қозонаётган спортчиларимиз эришаётган ғалабалар қувончли бўлмоқда. Улар халқаро майдонларда мамлакатимиз байроғини музаффар ҳилпиратишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Хатирчилик Манзура Иноятова ҳам улар сафидан мустаҳкам ўрин олган. У 1985 йил Навоий вилоятининг Хатирчи туманида таваллуд топган. Отаси Жўрақул ака тумандаги 10-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида стол теннисидан сабоқ беради. Болаликдан ота таълимини олган Манзура 10 ёшидан мусобақаларга қатнаша бошлаган. Дастлабки совринли ўринларни ҳам айнан шу йилларда эгаллаган.

Манзура 1997 йили биринчи маротаба халқаро мусобақада иштирок этиш бахтига муяссар бўлди. Ҳиндистонда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати ёш спортчи учун улкан сабоқ вазифасини ўтади. Йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ва тинимсиз меҳнат туфайли теннисчи қиз тез орада ўз иқтидорини намоён эта бошлади. Орадан бир йил ўтгач, Москвада ўтказилган Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларида жамоадоши Саида Бурхонхўжаева билан учинчи ўринни қўлга киритди.

1999 йили Швецияда ўтказилган Жаҳон ўйинлари, Германияда бўлиб ўтган Европа очиқ кубоги баҳслари унинг учун омадли келди. Қаҳрамонимиз барча учрашувларни ғалаба билан якунлаб, шоҳсупанинг тўридан жой олди. Шу йили Ўзбекистон чемпионатида ҳам унга тенг келадигани топилмади. Шулар билан бир қаторда у Англия, Голландия каби мамлакатларда ўтказилган катталар турнирида ҳам иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Мана, бир неча йилдирки, Манзура мамлакатимизнинг умидли ёш спортчилари сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаб келаяпти.

Ўтган йил халқаро спорт устаси Манзура Иноятова учун алоҳида аҳамият касб этиши турган гап. У Душанбе шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашиб, ғолиб чиқди ва Афинада ўтказиладиган XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. У стол тенниси бўйича Олимпиада ўйинларида иштирок этаётган илк ўзбекистонлик саналади. Умид қиламизки, ёш ҳамюртимиз Афинада ҳам ўзбек спорти шуҳратини оламга танитишга муносиб ҳисса қўшади.

Тўй-тантана! Инсоннинг ҳаётида бир марта бўладиган ва бир умрлик ёрқин хотирага айланадиган унутилмас кундир. Ана шу ёруғ кунларга етишни барча бирдек орзу қилади. "Тўйлар муборак"ни эшитганда, бирор кимса йўққи, (у хоҳ кекса, хоҳ ёш бўлсин) юраги жўшмаган, кўнглидан ширин орзулар ўтмаган бўлсин.

Навоий шаҳрида ҳам тўй маросимларини ўтказишда замонавийликка, ёшлар ҳаётидаги ўчмас бу куннинг унутилмас бўлиб қолишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тўйлар ихчам, камчиқим бўлиб, шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ходимлари томонидан тузилган дастурлар асосида ўтказилмоқда.

"Маҳалла" жамғармаси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Оила" маркази билан биргаликда тўй маросимларини тартибли олиб боришни режалаштирганмиз.

Ёшларимиз ўртасида никоҳ тузиш, оила қуриш, аёлларни, болаларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича ФҲДЁ бўлими ходимлари ёшлар билан тез-тез давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб турибдилар.

1998 йили шу бўлим қошида "Оила" дорилфунуни фаолият юрита бошлагани ҳам диққатга молик бўлди. Бу ерда бўлажак келин-куёвлар билан уларни қизиқтирган мавзуларда кечалар, турли тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Шу йилнинг олти ойи мобайнида никоҳдан ўтган 301 жуфт йигит-қизнинг 174 жуфти машғулотларга қатнаб ҳаётий билимларини бойитдилар.

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида 41 та никоҳ бекор қилинди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22 фоиз камайган бўлса-да, барибир, 41 та оиланинг бузилиши ачинарли ҳол.

Мазкур ҳолатнинг талай объектив ва субъектив сабаблари бор. Аммо битта бўлса ҳам оиланинг барбод бўлишини ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Шуниси қувончлики, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ўтган йиллардаги ишларимизни кўриб чиқиб, шаҳар ФҲДЁ бўлими ишини намунали, деб топди ва бўлимда ўқув маркази ташкил қилишни таклиф этди. Бўлим вилоят, шаҳар, туман ФҲДЁ бўлимлари ходимларига, ёш мутахассисларга мураббийлик қилиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, уларнинг касб малакаларини оширишга яқиндан кўмак бераяпти.

Ўтган йилнинг охирида ФҲДЁ бўлими, шаҳар ҳокимлиги, тиббиёт муассасалари, маҳалла йиғинлари фаоллари билан биргаликда "Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш" тўғрисидаги Низоми ишлаб чиқилди ва бу борада амалий ишга киришилди. Бугунги кунда аҳоли ўртасида ушбу йўналиш бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Матлуба БУРХОНОВА,
Навоий шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси

Навоий вилоятидаги қутлуғ гўшалар



Жаҳонга юз тутаётган ва дунё тан олаётган Ўзбекистонимизнинг тарихий обидалари, муқаддас қадамжолари асрлар оша замонлар силсиласини, тарихий маданиятни, буюк аждодларнинг ўлмас руҳини эллардан элларга, диллардан дилларга олиб ўтмоқда, асраб-авайлаб, сайқал бериб, уларни кўз-кўз қилмоқда. Шоир таъбири билан айтганда: "Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи..."

Келинг, Ҳазрат Навоий номи билан аталган юртнинг қутлуғ гўшаларидан гапирайлик.

Бухоро ва Самарқанд оралиғидаги йўлларда ўзининг улкан саноат иншоотлари, жамоат, маъмурий бинолари, ҳайратланарли даражадаги уй-жой массивлари билан янада навқирон ва гўзал қиёфада намоён бўладиган ушбу шаҳарга 1958 йилнинг 3 сентябрида асос солинган. У географик ўрни жиҳатдан ғоят қулай жойлашгандир. Энг қадимий даврларда бу ерларда муҳим аҳамиятга молик савдо-сотиқ йўллари ўтган бўлиб, шулардан Буюк ипак йўли Хитойдан Ўрта ер денгизигача ва у ердан Европага қадар чўзилган. Иккинчиси эса Евроосиёни ғарб ва шимолий мамлакатлар, Ҳиндистон билан боғлаган.

Навоий вилоятининг узоқ ва яқин ерлари, унинг атрофи ўтган асрлар ва минг йилликлар қолдирган изларга тўликдир. Буларни тош асри овчилари қолдирган чизмалар, мудофаа қудратига эга бўлган улуғ Бухоро деворининг қадимий қолдиқлари — "Кампирак" истеҳкоми, харобага айланган бошқа кўпгина қалъалар мисолида кўриш мумкин. Навоий шаҳридан 45 чақирим узоқликда жойлашган Сармиш тоғ даралари тошларига ўйиб ишланган ажойиб сурат-чизгилар (петроглиф) ибтидоий жамоа тасвирлари муҳим аҳамиятга эга.



Шаҳарлар пайдо бўлиши билан ҳудуднинг кейинги ривожланиши учун Қизилқумнинг табиий газидан, камёб рангли металларидан, мармарларидан, фосфоритлар ва бошқа фойдали қазилма бойликларидан фойдаланиш эҳтиёжи туғилди.

КАРМАНА — КЎҲНА ТАРИХ ГУВОҲИ

Кўҳна тарих гувоҳи бўлмиш Кармана қадимда буюк олимлари, қалами тошни йиғлатолган шоирлари, босқинчи душманларга қарши курашда зўр матонати билан бутун оламга танилган диёрдир.

Қадимги Хитой сайёҳлари ва тарихчилари милодий иккинчи асрда Карманани "Кичик Ан", Бухорони эса "Катта Ан" деб атаганлар. У VII аср бошларида араблар бу ерларни босиб олганларидан сўнг бу гўзаллиги туфайли "Арманияга ўхшаш" экан, деб "Ка-Арманий" деб атаганлар.

Сомонийлар даврида Карманадаги Мир Сайид Баҳром мақбараси ҳам қурилган. У Ўрта Осиё архитектураси тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Ташқи кўринишидан кичик иншоотни эслатадиган бу мўъжаз мақбара ўн асрдан бери тарихнинг жонли гувоҳи бўлиб турибди.

Кармана яқинида қурилган Шаҳристондан ҳам милоддан аввалги VI асрга доир бўлган моддий ашёлар, айниқса, сопол идишлар, уй-рўзғор буюмлари, мис-кумуш тангалар топилган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг севимли набираларидан бири — риёзиёт, фалакиёт, мусиқашунослик ва тарих илмлари билимдони, давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг ҳам Кармана диёрида излари бор. Шоҳ ва мутафаккир тақдир тақозоси билан бир неча марта Карманада, унинг ажойиб гўшалари Работи Малик, Нурота, Даъбус қалъасида бўлган.

РАБОТИ МАЛИК

Қадимий Работи Малик карвонсаройи тахминан 1069-1079 йилларда Қорахонийлар сулоласига мансуб Бухоро ҳукмдори Малик Шамсулмулк даврида бунёд қилинади.

"Работи Малик" ва "Работи шоҳ" яъни "Шоҳ Работи" деб номланиши ҳам бежиз эмас. Унинг меъморий шакли ва безаклари жуда ҳашаматли бўлиб, улар карвонсаройдан кўра кўпроқ шоҳлар саройини эслатади.

Работи Маликнинг олд томони одамда кучли таассурот қолдиради. Марказдаги ўқда улкан равоқ бўлиб, унинг икки ёнидаги девор қанотлари зич устунчалар — "нова-нова"лар билан қопланган. Бурчакларида эса минорага ўхшаш гулдаста — бурж юксалиб турибди.

Бинонинг кираверишдаги девор саккиз қиррали юлдузнусха улкан ғиштин нақшгул ва қўш меҳроб ичидаги ярим хоч билан қопланган. Баланд аркнинг гирди куфий услубидаги ёзув билан ўралган.

Работи Маликдан 150 метр жануби-шарқда XI асрда қурилган, гумбаз билан ёпилган сардоба харобалари сақланган. У бугунги кунда янги сайқал, меҳрли бармоқлар сеҳри билан қайта жилоланмоқда.

Ёдгорлик Марказий Осиё ўрта аср меъморчилигининг дурдонаси сифатида эъзозлидир.



ДЕҲҒАРОН МАСЖИДИ

Тумандаги машҳур тарихий ёдгорликлардан яна бири Ҳазора қишлоғи яқинидаги Деҳғарон масжидидир. У Карманадан тахминан 40-45 км шимоли-ғарб томонда жойлашган.

Деҳғарон форсча сўз бўлиб, "қозон қуювчи", "қозон устаси" деган маънони билдиради. Демак, Деҳғарон Зардуштийлик даврида қурилган бўлиши керак. Зотан, бу ерда ўтга сиғинишнинг айрим белгилари ҳозирги вақтгача сақланиб қолганлигини эътиборга олсак, бу фикрда жон бордек. Деҳғарон масжиди XI асрда қурилган бўлиб, у ўзининг меъморий тузилиши билан улкан қимматга эга. Масжид асосан тўрт бурчак шаклидаги бинодан иборат бўлиб, у пахса ва ғиштдан тикланган. Бўйи ҳамда эни 17 метрдан иборат. Пастдан баландгача 20 пахса урилиб, ҳар пахса орасига бир қатор ғишт терилган. Масжиднинг Шимолий томонида қадимий қалъа деворлари қолдиғи бор. Томонлари 200 метрдан, баландлиги 7 метрлар чамаси бу жой ўртача қўрғонни эслатади.



Деҳғарон масжидидан 300-350 метр чамаси нарида Мавлоно Ориф мақбараси бор. Мавлоно Ориф ким? 1907 йили Бухорода форс тилида чоп этилган Саййид Муҳаммад Носирнинг "Туҳфат аззоирин" ("Зиёратчиларга совға") асарида Саййид Амир Кулол Мавлоно Орифни биринчи бўлиб тилга олган. Мавлоно Ориф аввал ўтган ҳалифалардан бўлиб, Саййид Амир Кулолнинг энг яқин шогирдларидан биридир. У Бухородан 9 тош нарида Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг бўйида, Ҳазора қасабаси (қишлоғи) Деҳғарон даҳасида туғилган. Ёшлигидан исломга бўлган буюк эътиқоди туфайли Қуръони каримни ёд олган. Етти йил мобайнида ҳазрат Амир Кулолдан шариат ва тариқат сабоқларини олган. Бир неча марта Маккаи Мадинага бориб келган.



Амир Кулолнинг айтишича, Мавлоно Ориф ва Баҳовуддин Нақшбандга тенг келадиган пир йўқ. Уларда валийлик сифати мужассам. Кўриниб турибдики, Мавлоно Ориф буюк шахс, етук пир ва дин пешвосидир. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд билан замондош эканлигини ҳисобга олсак, у киши XIV асрда яшаб ўтган бўлишлари мумкин.

МИР САИД БАҲРОМ

Мир Саид Баҳром мақбараси Кармана шаҳрининг марказига яқин, яҳудийлар маҳалласининг Шимолий чегарасига жойлашган. Мақбара X-XI асрга хос бўлиб, муқаддас ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Мақбара бир гумбазли, тўрт бурчак шаклда, ҳамма томони бир хил ўлчовдаги пишиқ ғиштдан тикланган. Бино бир неча бор таъмирланган. Унинг жанубий томонида битта эшик бор. Тепа қисмида кунгурадор, панжарали туйнук очилган. Бош қисми пишиқ ғиштдан қайта терилган, унга геометрик нақшлар билан куфий усулда битик ёзил-

ган.

Мақбара ўртасида Мир Саид Баҳромнинг қабри бор. Ёнида арабча сўзлар ёзилган иккита қабр тоши ҳам сақланиб қолган.

1965-1970 йилларда мақбара ёнида айвонли масжид бўлган, кейинчалик бузилиб кетган.

Ҳозир Мир Саид Баҳром мақбараси атрофи ободонлаштирилиб, унинг ёнида "Ёшлик" болалар истироҳат боғи ташкил этилган.

НУРОТА ЧАШМАСИ

Қадимий Нурота Турон заминнинг тарихий шаҳарлари силсиласига киради. Шарқу Ғарбни боғлаган Буюк Ипак йўлининг муҳим манзили ҳисобланган. Унинг гўзал чашмаси, қадимий сув иншооти — ер ости коризлари, Нурота қалъаси (Арк), катта гумбазли ва "Чил устун" ("Қирқ устун") масжидлари...

Қадимий Нур чашмаси асрлар мобайнида кишиларга оби-ҳаёт ва маънавият сарчашмаси бўлиб келади. У денгиз сатҳидан беш юз ўттиз метр баландликда — Оқтов тизма тоғларининг ғарб томонида жойлашган. Суви тоза, зилол, ҳидсиз, юмшоқ ва шифобахшдир. Таркибида хлор, сульфат, калий, магний, кальций, кремний, карбонат, натрий, олтин, кумуш ионлари каби ўн бешдан зиёд микроунсурлар бор. Ҳарорати ҳайратомуз: қишин-ёзин муқаррар +19,5^0 даражада сақланади. Миқдори: бир лаҳза мобайнида 250-270 литр сиғимида сув чиқаради.

Чашма манзараси боғоят гўзал. Тиниқ, топ-тоза сувда турли шаклдаги тошлар, қумлар марварид инжуларидек кўринади. Унда дурлар — балиқлар товланиб сузиб юришибди... Чашма атрофи зина тарзида бўлиб-бўлиб чиқилган, мармар тошлар билан безатилган.

Айни пайтда Чашма ҳовузи ўртасидан заррин нур таралиб чиқаётганга ўхшайди.

ТОШМАЧИТ ЁДГОРЛИГИ

Қизилтепа туманидаги Вангози қишлоғи марказида Тошмачит деб аталувчи тарихий меъморий ёдгорлик мавжуд. Бу ноёб мажмуа тарихи тўлиқ ўрганилмаган.

Ҳозирги аниқ манбаларга қараганда, Тошмачит XVI асрда, аниқроғи, 1583-1585 йилларда бунёд этилган. Бухоро ҳукмдори Абдуллахон даврида Сумитан (Чобакр) қишлоғида макон қурган жуйборий хўжалар катта бойлик ва имтиёзга эга бўлганлар. Хусусан, хўжа Саъд Жуйборий (1598 йилда вафот этган) Хўжагон тариқатининг пешвоси сифатида машҳур эди. Тошмачит ана шу шайх маблағи эвазига қурилган.



Тошмачитни тез ва соз таъмирлашда Навоий вилоят ва Қизилтепа туман ҳокимлиги ташаббускор бўлдилар. Тарихий мажмуа шундан сўнг гўзал ва рангин қиёфа касб этди. Тарихий хотира жонланди.

ҚОСИМ ШАЙХ ЁДГОРЛИК МАЖМУИ

Юртбошимиз Навоий вилояти меҳнаткашлари билан бўлган учрашувда "Биз ҳамиша улуғ аждодларимиз билан ифтихор қиламиз. Уларнинг хотираси ҳам она заминимизни шарафга буркаб турибди. Ана шундай мўътабар зотлардан бири, табаррук ҳоки Зарафшон тупроғида ётган сўфий аллома Низомиддин Қосим Шайх ҳазратларидир. XVI асрда яшаб ўтган, бутун умрини маърифат тарқатишга, уруш ва низоларнинг олдини олишга, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини камол топтиришга бағишлаган улуғ, айни вақтда камтарин бу зот ҳаёт чоғидаёқ халқнинг юксак иззат-икромига сазовор бўлган. Ана шундай табаррук инсонлар, азиз-авлиёлар ҳаёти биз учун ҳамиша ибрат бўлмоғи лозим", дея эътироф этган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам, Кармананинг бағрида қад ростлаб, унинг чиройига чирой қўшган қадду бастини кўрсатиб турган файзли гўша — мовий гумбазли маҳобатли масжид ва бир-бирига мутаносиб шаклда қурилган туташ бинолар ҳанузгача қадр-қийматини йўқотган эмас.

Қадимий ёдгорлик Қосим Шайх номлари билан аталади. Тарихий манбаларда ва эл назарида "Қосим Шайх", "Қосим Шайх Азизон", "Ҳазрати Қосим Шайх", "Шайх Азизон", "Қосим Шайх Карминаги" сингари номлари алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Мовароуннаҳрнинг XVI асрдаги сиёсий ҳаётида ўз обрў, мавқеига эга бўлган, Ҳожа Аҳмад Яссавий тариқатининг номдор давомчилари сифатида фаолият кўрсатиб, шуҳрат қозонган шахслардандир. Бунга тарихий манбалар аниқ гувоҳлик беради.

"Қосим Шайх Азизон вужуддан кечмоқ ва мавжудни дариғ тутмаслик назариётини чунонам мартабасига етказганлар" — деб "Музаккир ул аҳбоб" тазкирасида ёзилади.

Ҳазрати Қосим Шайх ҳижрий 986 — милодий 1578 йилда оламдан ўтади. Вафотлари ҳақида "Шарафномайи шоҳий"да шундай ёзилади: "Теварак атрофдан кишилар келиб, жаноза ўқидилар ва унинг жасадини ўзи қурган гумбазга дафн этдилар..."

Ёдгорлик XVI асрнинг саксонинчи йилларида бунёд этилади. Ўша кезларда мармар билан қопланган Қосим Шайх даҳмаси тикланади. Даҳманинг атрофи ҳовли тарзида деворлар билан ўралиб, алоҳида майдонни ташкил этади.

Қосим Шайх масжиди ўзига хос тузилишга эга гўзал меъморий обидадир. У катта гумбазли масжид ва ўнта туташ ҳужралар ҳамда айвондан иборат, бўйига қарийиб 37, энига эса 17 метр катталикдаги яхлит иншоот. Осмонга бўй чўзган мовий рангли гумбазнинг баландлиги 14 метр.

Маруса ҲОСИЛОВА

Болалигим

Чингиз АЙТМАТОВ

Ўша пайтлар сиёсатидан чўчиган колхозчилар истакларига қарши бориб бўлса-да, чўчқа боқишга мажбур эдилар. Маълумки чўчқа боқиш, мусулмон қирғизларга сира тўғри келмас, ҳаром саналарди. Албатта, маҳаллий раҳбарлар бундай чигал вазиятдан безарар чиқиш йўлларини излардилар. Улар ҳукумат режаларини бажариш йўлида маҳаллий аҳолининг диний эътиқодларига дахл қилмаслик учун чўчқа боқишни Толосда яшайдиган русларга топширишар эди.

Шу сабаб уруш йиллари шу атрофларда руслар чўчқа боқардилар. Чўчқабоқар рус оилалари биз яшайдиган Жийдада ҳам учрар эди. Бу икки оила Россиядан махсус кўчириб келинган эди. Улар чўчқаларни тегирмондан чиққан кепак билан боқардилар.

Кунлардан бир кун етилган чўчқаларни гўштга топшириш вақти келибди. У пайтлар чўчқалар Грозний қишлоғида гўштга топшириларди. Биз темир йўл станциясига яқин бўлганимиздан чўчқаларни Грознийга олиб бориш вазифаси зиммамизга юклатилган эди. Грозний қишлоғи Шакарга яқин жойлашганди. Раис шакарлик эканлигимни билгани учунми, чўчқаларни олиб боришни менга юклади. Грознийга борадиган йўлни беш қўлдай билганим учун ҳам тихирлик қилмасдан рози бўлдим. Менга бир отлиқ, яна бир кузатувчи қўшиб беришди. Мен қоғоз-ҳужжатларга жавобгар эдим. Онам керакли ҳужжатларни тайёрлаб берди.

Биз йўлга кундузи чиқдик. Чўчқаларни аравага ортаётганимизда улар ҳуриллаб, чийиллаб тоза томоша кўрсатди. Охири уларнинг оёқларини тушовлаб аравага юкладик-да, устига сомон ташлаб қўйдик. Отлар чўчқалар шовқинидан ҳуркиб, уларнинг бадбўйидан безоваланарди. Аввалари кўпинча катта довондан ўтишга қарор қилдик. Теварак-атрофимизда иккита довон бўлиб, бири Жамбул билан Толос ўртасидаги катта довон эди. Бу довондан Шакар, Грозний, Арчали ва Кўксойга боришарди.Толос аҳолиси мана шу икки йўл орқали бугунгача ҳам ташқи олам билан алоқа қилади. Аввалари кўпинча катта довондан ўтардик. Кўпчилик кичик довон йўлини билмасди. Бу йўл чатоқ бўлсада бир афзаллиги — қисқа эди. Шунинг учун ҳам мендан ёши улуғ икки киши тезроқ чўчқалардан қутулгиси келиб, кичик довондан ўтишни лозим топдилар. Мен бу йўлдан ҳеч ўтган эмасдим.

Мен ҳозир ҳам кичик довоннинг асфальт ётқизилган йўлидан машинада ўтаётиб, ўша пайтда чўчқани гўштга топширгани борганимни хотирлайман.

Биз бийдай далани босиб, кеч кирганда кичик довонга етиб келдик. Йўл тор бўлгани учун тоғдан ўтишда жуда қийналдик. Йўлнинг бир томонида сой оқарди. Ўша сойнинг бўйида шамол тегирмони бор экан. Тегирмон ва омборли кичкина кулба ҳамон кўз ўнгимда туради.

Атрофга қоронғи тушди. Биз тегирмонга етиб келдик, уй дарчаларидан ёруғ нур тушиб турарди. Қиш бўлгани учун жуда ҳам совуқ қотганимиз эсимда.

— Тегирмончиникида ётиб қоламиз-да, эртага тонгла йўлга чиқамиз, — деб маслаҳат қилди катталар.

Мен бу таклифдан қувондим. Ахир жуда совқотган эдим-да. Биз энди йўл ярмига етган эдик. Бироқ уйга яқинлашганимизда бирданига ичкари қоронғи бўлиб қолди. Катталардан бири менга:

— Бор, бориб эшикни қоқ! Бир кеча тунаб кетайлик, деб айт! — деб тегирмончининг уйига юборди.

Мен аравадан тушиб, пастаккина кулбага бориб, ёғоч эшикни аста тақиллатдим. "Тиқ" этган товуш эшитилмас эди. Фақатгина сув шариллайди. Мен балким тегирмонда буғдой тортиб, эшик тақиллашини эшитишмаётган бўлса керак, деб ўйладим. Кейин дарчани қаттиқ тақиллатдим. Бир маҳал ичкаридан:

— Ким у? — деган эркак овози келди. Сўнг:

— Нима керак сенга!? — деган аёлнинг ўктам товуши қўшилди.

— Биз йўловчилармиз. Атрофда бошқа тунайдиган жой йўқ. Уйингизга бир кечага қўйинглар, азонлаб кетамиз, — дедим ёлвориб.

— Кимсизлар?

Мен Жийдадан Грознийга кетаётганимизни айтдим. Уй ичкарисидагилар "чурқ" этмай қолди. Орадан бир чой қайнар вақт ўтди. Сўнг эшик ғийчиллаб очилди. Биз уйга кирдик. Уйдагилар уйғоқ экан. Биз кирган хонада икки нафар йигит ўтирарди. Тегирмончи арпа-буғдойдан тайёрланган бўзани ичиб, маишат қилиш учун жўраларини чақирган шекилли. Қиш пайтлари эркаклар жўра-жўра бўлиб, тўпланиб, бўза ичарди. Мезбонлар қўноқлар бир бола ва иккита кекса кишилар эканини кўриб тинчланишди.

Иккаласи ҳам бараварига менга қараб:

— Тўғрисини айт, бола! Қаёқдан келяпсизлар, қаёққа кетяпсизлар? — деб мени сўроққа тутишди.

Жавобим тайёр эди. Мен борини яширмай, ипидан-игнасигача айтиб тушунтирдим. Улар бизнинг чўчқани гўштга топширишга кетаётганимизни эшитиб, ижирғандилар.

— Нима-нима? Тўнғизни аравага ортгани уялмайсизларми? — деб, оғзига келган шалоқ сўзлар билан бизни ҳақоратлай кетишди. Менга ҳамроҳ кексалар жонҳолатда ўзларини оқлай бошладилар:

— Вой, бизга қолса келиб-келиб, чўчқа ташиймизми? Раис обор, дегандан кейин нима дейсиз?

Улар бир оз шаштидан тушдилар. Сўнг зўғум билан манзират қилдилар:

— Яхши! Бўзадан ичинглар! Бу ерга келганингларни, бизни кўрганларингни оғзиларингдан чиқарманглар! Агар бирон кимсага бу ерда биз билан бирга бўза ичганларингни гулласаларинг, яхши бўлмайди! Укдингларми?

Кўнглимда булар ким, деган шубҳа ғимирлаб қолди. Демак, булар тоғларда урушдан қочиб, яширинib юрган қочоқлар эканда. Улар оқшомда исиниб олиш ва бўза ичиш учун тегирмонга келишган бўлса керак. Демак, биз шундай зиёфат устидан чиқибмиз-да. Мен ўзимни лоҳас сеза бошладим. Бўза ичгани келганларнинг бирдан капалаги учди. Уйнинг хўжаси билан хотини бизга икки-уч коса бўзани дам олмасдан кетма-кет узатдилар-да, тезроқ жўнашимизни илтимос қилдилар.

Шундай қилиб, тегирмончиникида тунаш насиб этмади. Биз яна зим-зиё тунда йўлга тушдик. Атроф аввалгидан баттар совуқ, қоп-қоронғи. Бироқ боя ичиб олган бўзамиз таъсир қилиб, баданимиз қизиб бормоқда эди.

Биз йўлдан бурилиб, Грознийга борадиган изга тушдик. Бахтимизга ой ёруғ нур сочиб турар, теварак-атроф ойдин эди.. Бир маҳал атрофдан шитирлаган товуш эшитилди. Отлар шунади, типирчилаб, ҳуркиб бизни олиб қочишди. Аравадаги чўчқалар эса ҳудди кекирдагидан биров бўғаётгандай қаттиқ чинқира бошлади. Отлар ўлжа исини олган дайиртқичларнинг бизни таъқиб қилаётганлигини қаёқдан сезди экан? Отлар чорасизлигимизни билгандай, чор-атрофни тўлдирганларича ташвишли кишнаб, кан талвасасида югурардилар. Бўрилар чўчқалар чинқиригидан лаззат олгандай тобора яқинлашмоқда эди...

Бир пайт бўрилар аравага жуда яқин келиб қолди. Улар биз билан ёнма-ён югурмоқда эди. Отлар қўрқувдан баттар жонлари ҳалак бўлиб, олға интилмоқда эди. Биз бор овозимиз билан отларга далда бериб, қичқирар, сувлиқни торта олмасдан, от жиловини аранг тутиб бормоқда эдик. Мен ишқилиб арава ағдарилиб кетмаса, деган ҳавотирда эдим. Бир вақт қўлимга илинган таёқни олдим-да, аламимни чўчқалардан олдим — уларни бор кучим савалай кетдим. Чўчқаларни урганим сайин қичқириқ кучайгандан-кучайган, чор-атроф ундан баттар шовқин-суронга тўлган эди.

Бўрилар билан олишув, ажал билан ҳаёт ўртасидаги кураш анчага чўзилди. Тонг оқариб келмоқда. Худо биз бандаларига раҳм қилдими ёки ризқ-насибамиз узилмаган эканми, бўрилар ҳужумни бас қилди. Улар аста-секин ортда қолди, охири қоралари кўринмай қолди. Икки арава чўчқа билан эсон-омон қолдик...

Биз ғира-шира тонгда руслар яшайдиган Грозний қишлоғига кириб келдик. Кўчадан ўтаётганимизда қувончимизни баҳам

(Давоми. Боши ўтган сонда)

кўрадиган, ҳовуримизни босадиган бирор жон кўринмас эди. Биз катта жангдан ғалаба билан чиққан жангчилардек қувончимиз ичимизга сиғмас эди. Отлар араваларни аранг судраб борарди. Ҳалигина чинқириб асабга теккан тўнғизлар ҳам индамай қолган эди...

Мен эсам, "Аввало ана шу чўчқалардан бир амаллаб қутулиш керак. Тағин қариндошлардан биров-ярим кўриб қолса, мени чўчқа боқиб юрибди, деб бутун Шакарга овоза қилади", деган ташвишда эдим.

Биз чўчқаларни Грозниййда гўштга топширдик ва икки ҳамроҳим от-аравалар билан Жийдага қайтди.

Мен эса туғилган юртим Шакарга пиёда йўл олдим...

ОДАМ ЎЛДИРИШ ҚАСДИДА ...

1943 йил февралида бошимизга катта мусибат тушди. Биз ўша вақтлар Жийдада ярми нураган, қўлбола қилиб қурилган, эски клубда турардик. Ўзимизнинг молхонамиз бўлмаганлиги туфайли, раиснинг рухсати билан, қишда биргина сигиримизни колхоз молхонасига қўйган эдик. "Сукра" лақабли сигиримиз оиламизни боқарди. Мен бу сигирни ҳеч эсимдан чиқармайман. Урушдан олдин, ғунажинлигида уни қариндошларимиз бизга берган эди. Агар шу сигир бўлмаганида жўжабирдай тўрт боланинг оч қолиши аниқ эди.

Биз ёз келишини сабрсизлик билан кутардик. Насиб қилса, Сукра ёзда туғиши керак эди. Биз кун бўйи колхоз молхонаси ёнидан жилмас, ёлғиз умидимиз Сукрамизни сувдан, ўт-емдан ўкситмай боқар, қўшнилардан сарқит овқат ёки қотган нон сўрар, барини унга тиқиштирар эдик. Ёзда оғзимиз оққа тегади, янги оғиз еймиз, сут-қаймоққа роса тўямиз, деган ширин хаёл қилар эдик.

Қишнинг қаҳратон кунлари саҳарлаб туриб, колхоз молхонасидаги сигиримиздан хабар олиш учун борганим сира эсимдан чиқмайди. Мен ҳаммадан илгари молхонага келардим. Бу маҳал ҳатто молбоқарлар ҳам ширин ўйқуда бўлар эди.

Бир кун, одатдагидек, азонлаб молхонага келдим. Не кўз билан кўрайки, молимиз жойида йўқ. Ўрни бўм-бўш. Сигир боғланган арқон оёқ остида чувалашиб ётарди. Молхона эшиги бутун бўлмаса ҳам, куну тун қулфлоғлик турарди. Баъзан моллар ечилиб кетар, бироқ ташқарига чиқа олмас, қўтон ичида тураверишарди. Мен ҳам дастлаб, шундай хаёлга бордим. Сигир арқони ечилиб, бирон бурчакда тургандир, деб ўйладим. Шундай умидда молхонани бир неча марта текширдим, аммо сигирни топа олмадим. Жонҳолатда бир бурчакда уйилган сомон устида ухлаб ётган қоровул томон югурдим. У ҳам гарангсиб, сигирнинг қаерда эканини билмади.

— Балки... ечилиб, ташқарига чиқиб кетгандир, — деб тусмоллади қоровул.

Моллар ўтлайдиган жойларни югурганча қараб чиқдим. Битта сигирнинг ўзи саҳарлаб қандай қилиб қўтондан чиқиб кета олади?!

Кўнглим бошимизга катта кулфат тушганини сезди. Сигирнинг ўғирлангани аниқ эди. Мен онамга айтай, деб уйга югурдим. Ўша пайтлари дунё кўзимга қоронғи бўлди, энди сигирнинг ўғирланганига шубҳа йўқ эди. Қўни-қўшнилар эрталабдан нохуш хабарни эшитишиб, нима қиларини, нима деярини билмай, ғамгин ўтиришарди.

Ҳеч бир муболағасиз бу воқеа биз учун шундай мусибат эдики, худди кунимиз битгандай, умримиз поёнига етгандай туюларди. Энди жўжабирдай тўрт бола, касалманд она, эридан тул қолиб, бизни қора тутиб ўтирган Гулша холамизнинг ҳоли не кечади?

Эрлари фронтга кетган, қўшни аёллар бусиз ҳам кўнгиллари вайрон, бизга қўшилишиб, уввос солиб йиғлашар, Яратганга зорланиб, зор қақшаб ўғриларни бор овозда қарғашарди. Ўша машъум воқеани, аёлларнинг ўша пайтдаги қарғишларини эсласам, ҳозир ҳам асабларим таранглашади, ғазабдан ўзимни қўярга жой тополмайман. Мен оилада тўнғич ўғил бўлганлигим учун укаларимга ғамхўрлик қилиб, уларни ҳимоя қилиб, авайлаб-асраш бурчим эди. Шуларни ўйлаб, хаёлимга бир фикр келди: қандай бўлмасин, ўғрини топиш, уни ўлдириш керак...

Мен шу ўй билан тракторчи қўшнимиз Темирбекникига бордим. Темирбек иккаламиз бирга ишлардик. Бултур кузда шудгор пайтида ҳам унга ёрдамчи сувчи бўлганман. Овулда трактор ҳам, тракторчи ҳам ягона эди. Ўша пайтлар овул аҳли кўзга тўтиё қилган улов ҳам мана шу трактор эди-да. Трактор дала бошига чиқиши билан радиаторидаги сув қайнаб кетарди. Менинг вазифам радиаторга сув тўлдириб туриш эди. Ишим жуда оғир эди. Сувни узоқ жойлардан челакларда ташиб келардим. Бу вазифа Темирбек иккаламизга ишониб топширилганлиги ва шу билан оила боқаётганимиз учун ҳам бор кучимизни аямасдан ишлардик. Бунинг устига раҳбарлар овулнинг далаларига ишлов берадиган тракторнинг қаровсиз қолиб кетмаслиги учун ҳам уни фронтдан олиб қолишган эди.

Ҳа, мен ўша машъум тонгда қаҳр-ғазабим тўлиб-тошиб, ўзимни қўярга жой тополмай, нима қилишимни билмай, Темирбекнинг уйига равона бўлдим. Ундан милтиғини сўрамоқчи эдим... Талаб қилмоқчи эдим...

Мен Темирбекда ов милтиғи борлигини билардим. Баъзан, бошқа овул далаларини ҳайдаб юрганимизда ёнилғи тугаб қолиб, қўлимиз бўшарди. Шунда у милтиғини олиб келар ва биз бир-икки нарсаларни овлаб эрмак қилардик.

Темирбекникига борсам, у кўрпа-тўшак қилиб, бетоб ётибди. Бадани оташ бўлиб ёнар, аҳволи оғир эди. У ҳам сигирни ўғри урганини эшитган шекилли, менинг ниятимни билибоқ, дарров:

— Ол, олавер! — деди. — Ана, деворда осиғлиқ турибди. Ёнида ўқдони ҳам бор. Касал бўлиб, ётмаганимда, ўзим ўша лаънатини топиб, нақ мана шу қўлларим билан отиб ташлардим!

У тишларини ғичирлатди.

Мен Темирбекникидан елкамда милтиқ, юрагимда қасос ўти билан ёниб чиқдим. Бутун вужудимни қасос ва нафрат ҳислари эгаллаб олган эди. Мен қандай қилиб бўлса ҳам ўғриларни топиш, жойида аёвсиз жазолаш хаёли билан бир ўзим бошим оққан томонга йўл олдим.

Ўғрилар ҳали олислаб кетмагандир, деган умид менга далда берарди. Ахир ўзингиз ўйланг, сигир деган жонивор от сингари илдам юра олмайди-ку. Бундан ташқари, кундузи одамларнинг кўзига ташланмаслик учун балки бирон пана жойда кеч киришини пойлаб ётгандир, деган ўйда пана-пасқамларнинг барисини қидириб чиқдим. Бундай пайтларда одамни турли-туман ўй-хаёллар чулғаб олади. Миямга тағин сигирни бирон жойда сўйиб, кеч тушишини кутиб, пинакка кетишгандир, деган ўй ҳам келади. Айниқса, ўғрилар оиламизда эркак бўлмаганлиги учун, ортларидан излаб борадиган одам йўқ, деб ўйлаган бўлишлари мумкинлиги ғазабимни оширарди.

Мен қўлимда милтиқ, ўғрилар қаршисидан чақмоқдай отилиб тўсиб чиқаман-да, барини шарт-шурт отиб ташлайман, деб тобора олға интилмоқда эдим.

Паст-баланд дашту далалар, ўнқир-чўнқир дараларни битта қолдирмай қидириб чиқдим. Боши айланиб, савдойи бўлган саросар Мажнундек охири қаерга боришимни билмай, у ёқдан-бу ёққа бесамар югура бошладим. Ичимга жо бўлган ғазаб қаҳратон совуғини ҳам, кун изғиринини ҳам писанд этмасди. Мен олди-ортимга қарамай, қор кечиб, югуравердим.

Бир маҳал этигим чок-чокидан сўкилди. Қишнинг қисқа куни битди, кун оға бошлади. Кун бўйи биронта одам зотини топмадим. Бу оламда якка ўзим, бахтиқаро бошим ёлғиз қолгандай довдираб қолдим. Атроф сокин эди. Чор-тарафни тоғлар ва бийдай дала ўраб турарди. Яқин орада ўғридан ҳам, сигирдан ҳам дарак йўқ эди. Йўқ, йўқ... ўғрининг изи ҳам, дараги ҳам, ҳеч нарса йўқ эди.

Шунда менинг хаёлимга, ўғрилар сигирни олиб, бу тарафга келмасдан, Жамбул томонга йўл олишгандир, деган ўй келди. Улар ўша ерда сигирни сўйиб, гўштини сотишлари мумкин эди. Бу ўй ҳақиқатга яқин туюлди. Чиндан ҳам шундай бўлмасин, тағин. Мен обдон ўйлаб, шаҳар томон йўл олдим. Туни билан мижжа қоқмай, тўхтовсиз югурсамгина Жамбулга ета олишим мумкин эди. Бунга ҳам рози эдим.

Мен энди ғайрат қилишим керак эди. Таваккал қилиб тоғ этагидаги шаҳар йўлига тушиб олдим. Сўнг шаҳарда нима қилишимни ўйлай бошладим. Бозорни айланиб, ҳамма дўконларни тинтиб, янги сўйилган сигир терисини топаман. Мол терисини топа олмасам ҳам, ўғрининг кимлигини кўзидан дарҳол билиб оламан. Шунда, бирдан қассоб орқасидан чиқиб, уни отиб ташлайман...

Шундай хаёллар билан қўлимда милтиқни маҳкам ушлаганча, тўхтамасдан чопиб бормоқда эдим...

Катта йўлда югуриб кетаётиб, ўй-хаёллар мени шунчалик босганиданми, нақ рўпарамда келаётган, эшак минган қарияни ҳам пайқамай қолибман. Бошига эскигина телпак кийиб олган, ўзи ҳам камбағал-ғарибга ўхшарди. Ҳоксор кўринган бу чол оппоқ соқолини селкиллатганча, тўрт оёғи ерга тегар-тегмас, дикиллаб одимлаётган эшакда кетмоқда эди. Мўйсафид кўпдан бўён инсон қадами тегмаган кўҳна мозордан чиқиб келаётгандек эди. Иккаламизнинг йўлимиз бир бўлиб қолди. Газабнинг кучлилигидан чолга салом беришни ҳам унутибман. Нега бундай қилганимни ўйлаб ўтиришга фурсат ҳам йўқ эди. Чолдан ўзиб кетаётсам, у менга қараб:

— Тўхта, ўғлим! Нима, бировни ўлдиргани кетмаяпсанми, ишқилиб? — деб сўради.

— Ҳа, — дедим, унга парво ҳам қилмасдан, — тутиб олсам, нақ ўлдираман!

Чол билан юзма-юз туриб қолдим. Биз бир-биримизга тик боқдик. Ўшанда чолнинг чеҳрасидаги одамни ўзига тортадиган меҳр тафтини сездим. Қария бошини эгиб, менга салом берди.

— Шундайми, бўлмаса, шошмай тур! Аввал менинг сўзларимга қулоқ тут, болам. Нима учун одам ўлдиргинг келиб қолди? — деди мулойим оҳангда.

— Ана-мана туғаман деб турган сигиримизни ўғирлаб кетишди. Ўзи тўрт боламиз. Тўнғичи мен. Онам билан холам касалмандлар... — овозим титраб чиқди.

— Э, аттанг, аттанг! Чатоқ, жуда чатоқ бўпти. Бироқ гапимни эшит! Ўч олиш — ёмон. Қарғиш теккан ўғри бўлса ҳам, уни ўлдиришни хаёлингдан чиқариб ташла.

Мен индамадим. Бор овозим билан бақириб юборай деяпману, қарияни салобати босиб, ўзимни аранг тутиб турибман.

— Сени тушуниб турибман, ўғлим, — гапида давом этди чол, — кел, мен қариянинг гапини ҳам эшит! Одам ўлдирма! Буни хаёлингдан чиқариб ташла. Уйингга қайт! Каззоб-ўғрилар албатта жазоларини оладилар. Менинг гапларимга ишон. Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Айб иш қилган киши жазосиз қолмайди. Сен уйингга қайтиб кетсанг, ўғриларни ўлдиришни ўйламасанггина охири ниятингга етасан. Омад ўзи сени излаб топади. Тағин мени йўлдан қайтариш учун гапиряпти, деб ўйлама. Вақти келиб, менинг бу сўзларимни эслайсан. Ана шунда гапларимни тўғрилигини англаб етасан. Уйингга қайт, болам, садағанг кетай! Онангга ҳам менинг шу гапларимни айтиб бер. Мен ҳам йўлимдан қолмай. Сенга биров ёмонлик қилса ҳам, сен уни ўлдириш ҳақида сира ўйлама!

Мен чолнинг мана шу гапларини эшитгач, беихтиёр орқамга ўгирилдим. Қария эса боягидай эшагини лўкиллатиб кетмоқда эди.

"Қағ-қағ" этган қарға, "қув-қув" қилган қузғун йўқ, поёнсиз далада гангиб, туриб қолдим. Мен бояги умидларимдан айрилган эдим. Ноилож милтиғимни яна елкамга осдим. Энди унинг кераги ҳам йўқ эди.

Қуёш қизариб, шудгор қилинмаган, оппоқ қор кўрпасига бурканган далалар узра аста ботиб бормоқда эди. Аламимдан бор овозим билан ўкириб йиғладим. Ўпкам тўлиб, аъзойи баданим қалтирарди. Аччиқ кўз ёшларим бетимни ювар, ўзим мувозанатимни йўқотиб, гандираклаб бормоқда эдим. Этигим оёғимда шалоплаб судраларди. Кўз олдимда алангаланиб ёнаётган катта гулхан тургандай, гўёки ўша гулхан томон интилардим.

Елкамда эса ўғридан ўч оламан, отиб ташлайман, деб шайлаганим — зилдай оғир милтиқ салангланиб борарди...

ҚОРА ХАТЛАР

Шакаровул оқ қалпоқли Манас тоғлари этагида жойлашган. Отамнинг бари қариндошлари шу ерда туғилиб, шу ерда яшарди. Қариндош-уруғ эса, шукурки, сероб эди. Улар билан кўп яхши-ёмон кунларни бирга бахам кўрдик. Қариндош-уруғларимиз кўмаги билан Яратган бизга раво кўрган кунни кўриб, ризқ-насибамизни тотдик. Уруш йилларида улардан узоқлашмадик. Мен Шакар мактабида таҳсил олдим. Биз отамнинг туғишган опаси Қоракиз аммамнинг уйида яшардик.

1942-43 йил қиши уруш авжга чиққан даврга тўғри келди. Бу даврнинг азобу машаққатларини мен билан тенгдош болалар ҳам кўп тортдилар. Овулда ишга яроқли эркакларнинг бари урушда эди. Дўстали поччам ҳам фронтга кетгани билан жангга кирмай, меҳнат колониясида ишлади. Қўлидан иш келадиган эркакларнинг бари урушга сафарбар этилган, баъзилари қурол-яроғ ишлаб чиқариш заводида ёки бирон-бир корхонада ишлар, жуда бўлмаганда аскарларга окоп қазишарди. Баъзиларини эса тош, тупроқ ташиш учун Магнитогорск шаҳрига жўнатишган эди. Айтишларича, фронт орти меҳнат баталонида ишлаётганларнинг аҳволи жуда ёмон — егуликнинг тайини, ётоқнинг мазаси йўқ экан.

Гапни чўзмасдан, менинг қандай килиб колхозга солиқчи-финагент қилиб тайинлашгани ҳақида сўзлаб берай... Мен солиқчи бўлишдан аввал олти ойча колхозда хатчи-котиб бўлиб ишлаган эдим. Бу кунлар ҳаётда мустақил яшашга киришган кезларимда орттирган илк тажрибаларим амалда қўлланаётган вақтлар эди. Хўш, мени қандай қилиб колхозга хатчи-котиб қилиб олишди?

У пайтлар колхоз раиси асли касби чўпон бўлган Турдибоев Қобилбек эди. Ҳозир у киши оламдан ўтиб кетган.

Ўша вақтлар унинг ёши олтмишлардан ошган эди. Жуда меҳнаткаш, қўли гул Қобилбек акани тўсатдан, қўй боқиб юрган жойидан колхоз идорасига чақиртириб, раис қилиб қўйишган эди. У отасининг исмидан биринчи тўртта ҳарфини "ТУРД" деб ёза олар эди, холос. Табиийки, имзоси ҳам мана шу билган тўртта ҳарфи эди. Шунинг учун ҳам унга рус тилини биладиган, хат-саводи чиққан ёрдамчи керак эди.

Мен эсам болалик пайтимдан Фрунзеда, Москвада ўқиганман, хат-саводим чиққан, рус тилини яхши билардим. Бу хислатларим билан ўша давр ўлчамларига кўра хийла билимлилар сафига кирардим.

Қобилбек ака ҳеч ким билан маслаҳатлашиб ҳам ўтирмай, мени чақиртирган. Мени уйдан олиб кетишганми ёки мактабдан — униси ҳозир ёдимда йўқ. Лекин мени отга мингаштириб олган чопар:

— Сени раис чақиряпти, — деганича Қобилбек аканинг хузурига олиб боргани эсимда.

Раис менга бошдан-оёқ назар соларкан, синагандай сўради:

— Хў-ўш, айт-чи, неча ёшдасан?

Мен ўшанда ўн тўрт ёшда эдим, бироқ:

— Ўн беш ёшдаман, — деб жавоб бердим.

— Баракалла, ўн беш ёшимда мен бир қўра қўй боққанман. Саводинг борми?

— Ҳа, саводим бор.

— Бўпти! Колхозга саводи чиққан, одобли, виждонли одам керак. Бунга... сендан бошқа ҳеч ким йўқ. Ўзинг биласан, ҳамма фронтда. Колхозда бўлса ишга яроқсиз, қари-қартанглар билан бола-бақра қолган холос. Сенинг борлигинг кўп соз бўлди-да. Ўқишни ташлаб, овулга котиб бўласан. Маъқулми?

У пайтлар бундай таклифларга дарров жавоб берилмасди. Таклиф айтилиши билан рози бўлмасдан, пича тортишиб, сўнг иккиланиб: "Жавобини эртага айтсам майлими?!" — дейиларди. Катталар, хусусан, Қобилбек акалар доимо тўғри гапирадилар, шу сабабли биз, уларнинг айтганлари ҳақ, деган рухда вояга етган эдик.

— Яхши, аввал ҳаракат қилиб кўрай. Балки ишлаб кетарман, — дедим таклифга жавобан.

Уйга келишим биланоқ Қоракиз аммам сўроққа тутди:

— Хўш, болам, улар нима дейишди?

— Овулга котиб бўласан, дейишувди, мен рози бўлдим.

— Яхши бўпти, унда дарров ишни бошла! — деди аммам. Аммамнинг қиёфасидан, мен билан жуда фахрланган сезилиб турарди.

Аммамнинг туғишган укаси, яъни менинг отам қатағон йилларида отилган, сиёсатнинг бегуноҳ қурбони бўлган эди. Шунинг учун бизни "халқ душманининг оиласи", деб гуноҳкор санайдиганлар ҳам бўларди. Шундай қалтис вазиятда ўн тўрт яшар ўспиринниинг колхоз масъул хизматларидан бирига тайинланишидан фахрланмай бўладими, ахир?! Бизнинг ўша пайтдаги турмушимиз, шарт-шароит ҳам шуни тақозо этарди...

Бу вазифа ҳаётимни тамомила бошқа ўзанга солиб юборди. Котиблик менинг етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган, бунга тайёргарлигим ҳам, тажрибам ҳам йўқ эди. На илож, тақдирдан қочиб, қутулиб бўлмайди. Ҳам аччиқ, ҳам қаттиқ турмуш билан рўбарў келдим. Котиб турли статистик маълумотларни жамлаши, қайд қилиб, ҳисобот, баённома, актлар тузиши керак экан. Ҳисоб-китоб, чорвачилик, дала ишларининг ҳаммасини овул кенгаши бошқарарди. Идоранинг энг масъулиятли вазифаларини ҳам, одамлар талабларини ҳам ёлғиз ўзим бажаришим-

га тўғри келарди. Кейинчалик, зиммамга солиқ йиғиш ҳам юклаб қўйилди...

Августнинг охири, сентябрнинг бошиларида колхоз солиқ йиғувчиси аскарликка олиниб, фронтга кетди. У киши урушдан қайтмади — урушнинг яна бир қурбони...

Сўнг овулимизга бир ярадор аскар келди. У ҳасса таяниб юрарди. Уни колхозга котиб қилиб олишди. Мен унга котибликни топширишим билан, зиммамга солиқ йиғиш вазифаси юкланди.

Мен айтаётган солиқ, ўша даврда энг оғир — уруш солиғи эди. Мана шу халқдан йиғилган ўлпон мамлакат ҳаражатлари учун асқотарди. Ҳар бир оила қандай бўлмасин, буни тўлаши шарт эди. Ҳатто бева-бечораю ғариблар ўзларинг аянчли аҳволини рўкач қилиб ҳам солиқдан қутула олмасди. Солиқ миқдори юқоридан расман белгиланган эди. Менинг вазифам ана шуни йиғиб, раисга топширишдан иборат эди. Мен ҳужжатларни тайёрлар, солиқни олгач, тўловчига икки нусхада тилхат берардим.

Янги ишга анчагача кўника олмай юрдим. Ҳамиша кириб-чиқиб юрадиган уйларга бориб, "пул беринглар", деб турсанг...

Мамлакатнинг молиявий аҳволи тобора оғирлашиб, пулнинг қадри тушган пайтлар эди. Қоғоз пуллар чўнтагимга сиғмай ҳар тарафга учар, сочилар, сарсон қиларди. Бир пуд жўхорининг нархи 3000 рубл бўла туриб, колхозчининг маоши 50 рублни ташкил қиларди.

Эл топганини, қўлига тушган бор нарсани бозорга олиб чиқишга, ҳаттоки оғзидаги оқлиғини, рўзғорини тебратиб турган сўнгги молини ҳам сотишга мажбур эди. Шулардан тушган арзимаган акчаларни менга олиб келишарди.

Энди ўйласам, у пайтлар халқ анча сабр-бардошли бўлган экан. Ҳа, ҳозир ҳеч ким бундай қийинчиликларга чидай олмайди. У пайтлар бундай ишлар оддий бир ҳолат саналарди...

Солиқчилик хизмати менга катта турмуш сабоғини берди. Хизмат вазифам ҳар бир оиладаги қийинчиликларни, одамларнинг сабр-бардошини ўз кўзим билан кўриб, барига гувоҳ бўлишимга сабаб бўлди. Мен ана шу матонатли кишилар билан бақамти яшадим. Улар солиқ учун тўлаётган пул менга бошқача таъсир қилар эди. Йўқ, мен бу нарсанинг пул эканлигини, моддий бойлик хисобланишини ўйламасдим. Мен фақат бу пулнинг пешона тери, чин кўнгил, эзгу ният билан топилганини ҳис қилиб, қабул қилардим. Мен тонгданоқ солиқ ташвиши билан юравериб, уйга келганимда ярим тун бўлиб қоларди.

Қорақиз аммам мени жуда яхши кўрарди. Ўша пайтлар Шакар билан Арчалида етти юзга яқин хонадон истиқомат қиларди. Ҳозир улар сони икки мингдан ошган бўлса керак. Шунинг учун ҳам менда халта-халта пул, пул ҳужжатлари йиғилиб қолар эди. Мен пулларни санаб, тахлаб, рўйхат қилиб, бутлаб, ўрнига қўйишим керак эди. Бу юмушларни бажарганимдан сўнг йиғилган пулларни кечиктирмасдан, тийин-тийинигача қайтадан санаб, ҳаммасини банкка олиб бориб топширардим. Банк район марказида жойлашган эди. Банкка фақат пул эмас, балки ҳужжатларни ҳам топширардим. У ердагилар менга солиқни топширганлигим ҳақида тилхат-квитанция беришарди.

Районда молия бўлими бўлар эди. Мен вазифам юзасидан тўғридан-тўғри ўша ерга бўйсунардим. Биз бир нечта шипшийдам хонадан иборат пасқам уйда ишлардик. Машина бўлмаганлиги учун хизматчилар овулдан овулга отда қатнардилар. Уруш йиллари колхоз отлари жуда ориқлаб, қирчанғи бўлиб қолган эди. Айбсиз жониворлар ҳам қисматнинг шундай оғир зарбасига дуч келган, қорни ем-ҳашакка сира ёлчимасди.

Шу тариқа касбим ҳадисини олдим, ҳатто бу ишга кўникиб ҳам кетдим. Мен пул ва унинг ҳужжатларни оқшомда санаб, тахлар ва эртанги йўлга тайёрлаб қўярдим. Яна саҳарда туриб, йўлга чиқардим. Мен бўғзигача пул тўла хуржунларни эгарга осганча жўнардим. Пешингача район марказига етиб улгурай, деб шошардим. Агарда шундай қилмасам, ишларимни жойжойига қўйиб, қайтгунимча кеч бўлиб қоларди. Баъзан уйга ета олмай, йўлда тунаб қолган пайтларим ҳам бўлган. Энг муҳими, пулларни ўз вақтида банкка топшириш эди.

Мен бир куни одатдагидек йўлга чиқдим. Қорақиз аммам мени кузатиб, халтамга яримта кулча солиб қўйди. Қишнинг қисқа куни. Ҳаво унчалик совуқ эмасди. Эгнимга узун ҳарбий шинел кийиб олганман. Шинел менга жудаям узунлик қиларди, енгининг узунлигидан қўлларим кўринмасди. Оёғимда этик, бошимда тери телпак. Икки ёнда оғзи бўғилган, пул тиқилган икки хуржун...

Юрадиган йўлимни яхши билардим. Тагимда от бўлгач, беихтиёр катта йўлдан юрмай, эски йўл билан боришни маъқул кўрдим. Мен Грознийдан Кировкага кетмоқда эдим. У пайтларда биз яшайдиган ерларнинг барига русча ном берилган эди. Банк эса Кировкада жойлашган.

Шакар овулидан йўлга чиққаним учун аввал тоғ бўйлаб юрдим, сўнг ясси водийга тушиб олдим. Қуёш кўтарилиб, кун чошгоҳ бўлиб қолган эди. Теварак-атрофда кўрқинчли ҳеч нарса йўқ эди. Мен отни ўз ҳолига қўйиб, бамайлихотир, бир маромда бормоқда эдим.

Ҳозир шундай катта миқдордаги пулни отга ортиб, яккаёлғиз йўлга чиқиш жуда ҳавфли ҳисобланади, чунки пул доим ҳам ўта ҳушёрликни талаб қилади. Бугун шундай миқдордаги пуллар махсус ўқ ўтмас машиналарда ташилади. Яна турли хавфсизлик чоралари, олдиндан ўғри-қароқчиларга қарши ҳар хил тадбирлар кўрилади. Бироқ менга ўхшаган ҳали бурнини артишни ҳам эплолмайдиган болакайга икки хуржун давлат пулини бериб қўйиб, уни қирчанғи отга мингазиб, район марказига жўнатаётган катталар ўша вақтлар бирон ёмонлик бўлиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтиришмас эди. Ҳа, ўша пайтлар одамларнинг ниятлари нечоғли беғубор, кўнгиллари нечоғли покиза эди! Ҳозир ана шу пул туфайли одамлар бир-бирларининг жонларига қасд қилишмоқда, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар қони тўкилмоқда. У пайтлар ҳеч ким бу тўғрида ўйламасди ...

Шундай қилиб, мен ҳамиша ўзим юрадиган илонизи сўқмоқдан катта йўлга чиқиб олдим. Ўзимча бир куйни хиргойи қилиб кетмоқда эдим. Қўққисдан рўпарамдан бир одам чиқиб қолса бўладими?! У қаёқдан пайдо бўлди экан, ахир, ҳеч нарса сезилмади-ку — қаёқдан чиқди-я? Эҳтимол, изимдан пойлаб келаётгандир, мен аңқов бўлсам, уни сезмагандирман. Унинг турқ-таровати ҳам ғалати эди: эгнига чок-чокидан сўкилган эски, жулдур чопон илган, бошида телпак, оёғида чориқ. Унинг чакаклари ичига тортган — худди оч арвоҳга ўхшарди. Бу нусха ё урушдан қочган, ё турмадан чиққан. Мен унга борган сари яқинлашиб келмоқда эдим. Энди ўзимни уни пайқамаганга солиб, аста ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлдим. Агар у қўққисдан:

— Хой бола, хуржунингдаги нима? Қорним оч, бирор егулик топиладими? — деб қичқирмаганида, шундай қилар ҳам эдим.

Бироқ... жойимда қотиб қолдим. Вужудимда титроқ турди. Ўзимни бироз босиб олиб, балки унинг ҳақиқатан ҳам қорни очдир, чиндан ҳам хуржунда ейишга бирор егулик бордир, деб ўйлаётгандир, деган фикрга келдим. Назаримда, кўкда чақмоқ чаққандай бўлди. Хуржундаги нималигини айтсаммикин?

— Хой, нега нафасинг чиқмайди? Хуржунингдаги нима деяпман сенга? Картошками ё жухорими? Гапир! Нонинг борми?! — деди у овози борича бақириб.

Мен яна чурқ этмадим. Ахир унга нима дейин? Йўқ, ҳеч нарса демайман! Хуржунларда пулдан бошқа нарса бўлса, тўғрисини айтиб, кетаверардим. Ахир, хуржундаги картошка ё жухори эмаслиги шундоқ билиниб турибди-ку. Йўқ, унга ҳеч нарсани айта олмайман...

Бу ҳол бир томондан, кулгили, иккинчи томондан эса қўрқинчли эди...

Нима бўлса, бўлди — таваккал, дедиму тизгинни маҳкам ушлаб, отни қичадим-да, унинг ёнидан чоптириб ўтиб кетдим. Унинг ғазаби қайнаб, бутун дала сукунатини бузиб, аюҳаннос солди:

— Нима деганимни эшитмадингми ҳали?! Тўхта, деяпман! Хуржунни ташла!

Атрофда зоғ йўқ. Бундай жойда у оғзига келганини қайтармайди, ёш ўспиринни мазах қилиб, истаганча қўрқита оладида. Мен отга устма-уст қамчи урдим. У изимдан қувди. Мен отни чоптирар, у эса томоғи бўғилгунча бор кучи билан бақирмоқда эди: Ахири, у бақиришдан наф йўқлигини сезиб, менга тош ота бошлади. Агар ўшанда касали тутиб қолмаганида, воқеа қандай якун топарди, билмайман. У тош ота-ота, ҳарс-ҳарс қилди-да, бирдан "гуп" этиб ерга қулади. Бир оз тин олиб, энди ёлворишга ўтди:

— Қарағим, ахир менинг оч эканлигимни кўриб турибсан-ку! Бир мусофир йўловчи бўлсам...

Мен ҳамон жим эдим. Мени мушкул аҳволга солган, қийнаёт-

ган нарса ҳам, албатта, пул тўла хуржунлар эди. Унга бирор сўз дея олмай, аросатда қолдим. Мусофирнинг яна аччиғи чиқди — бор овози билан бўралаб сўкиниб- қарғаб, яна тош ота бошлади. Ундан узоқлашганим сайин силласи қуриб, ҳолдан тойди.

Энди етолмаслигига имони комил бўлиб, яна қарғана кетди:

— Ҳозирдан шундай тошмеҳр бўлсанг, катта бўлганингда сендан қандай одам чиқаркин, яшшамагур! Мара-а-з, мараз!

У мени бақириб сўкар, қарғарди. Мен эса ёш ҳурмати унга нега бундай қилаётганимни тушунтириб беришим керак эди...

Орадан бир оз вақт ўтгач, остимдаги от югуриш у ёқда турсин, ҳатто юра олмай ҳам қолди. Мен отдан тушиб, эгар-жабдуқни бўшатдим. Ўша вақтлар колхознинг ҳамма отлари ҳам шундай ориқ, тиррақи, камқувват бўларди. Чунки уларнинг оғзи ем уёқда турсин, ҳатто тузни ҳам онда-сонда кўрарди. Шунга қарамасдан, эл ана шу отлар билан тирикчилик қиларди... Отга пича дам бердим-да, яна йўлга тушдим...

Воқеа шундай якун топди.

Мана, ўша воқеанинг юз берганига ярим асрдан ортиқ вақт ўтса ҳам, ҳамон юрагимни ўша оч одам қиёфаси, унинг ялиниб-ёлвориши яралаб келади...

Ўшанда банкка пулни топширгач, келган йўлим билан қайтишдан қўрқиб, қўшни овулдаги танишимизникида тунаб қолдим. Уларга йўлда бўлган воқеани айтиб бера олмадим. Қайтишда кечаги одам яна учрашидан жуда қўрқдим. Бироқ айни вақтда негадир, у билан яна кўришгим келарди. Чунки энди эгарга осган хуржун бўш —ўша одамга егулик бериб, кечаги қилғилигим сабабини айтишим, хуржунларни кўрсатишим мумкин. Мен унга элнинг не машаққатда, тер тўкиб топган пулларини мана шу хуржунларга солиб, банкка олиб кетаётганлигимни гапириб беришни истардим. Бу пулларнинг бир тийинини ҳам сарфлашга ҳаққим йўқ эканини тушунтирмоқчи эдим.

Лекин ростдан ҳам у билан учрашиб қолсам, нима қилардим? Жамбул бозорида қўққисдан рўпарамдан чиқиб қолса, нима бўларди? Ана шундай хаёллар юрагимни эзгандан- эзарди.

Бу воқеа ҳам ўспиринлик давримдан умр бўйи эсдан чиқмас хотира бўлиб қолди. Ўша бийдай далада бир инсонга меҳр кўрсата олмаганим учун қаттиқ қайғурдим, сўнг зиммамдаги масъулиятни ўйлаб, балки тўғри қилгандирман, дея ўзимга-ўзим тасалли бердим...

Биз бошқа учрашмадик.

Кейинчалик, Бишкекда Қишлоқ хўжалик институтида ўқиб юрган чоғларимда, ўша одам менга тўсатдан учраб қолса-я, деб хаёл қилардим. Агар Худо ёрлақаб, ана шундай учрашув юз бериб қолса борми, ундан кечирим сўраган бўлардим. Чунки айнан ўша одам менинг адабиёт оламига киришим, қалам тебратишимга сабабчи бўлган эди.

Бошимдан ўтган оғир кунларни қоғозда акс эттириш, бошқаларга айтиб бериш, ўртоқлашиш истаги менинг адабиёт аталмиш сирли оламга киришимга сабаб бўлди. Мана шу ажиб оламда битган асарларимда ўша олис болалигимда йўлиққан ўткинчи ҳақидаги фикрларимни баён этганман-ку, деган ўй менга бир оз тасалли берарди, холос...

Колхоз котиби ва солиқ йиғувчиси бўлиб ишлаганим келгуси ҳаётим учун жуда катта тажриба мактаби бўлди. Шундай мўл ҳаётий материаллар тўпландики, ўша болалигимда кўрган-кечирганларим таассуротлари дастлабки қиссаларимни битишимга туртки бўлди. "Жамила", "Юзма-юз", "Сомон йўли", "Эрта келган турналар", "Алвидо, Гулсари" каби асарларим ана ўша йиллари бошдан кечирганларим таъсирида дунё юзини кўрди. Мазкур асарларнинг бари болалигим хотираларидир...

Уруш воқеалари инсон қалбини бениҳоя тилка-пора қилган, даҳшатга солган эди. Мен мурғак болалик давримда кишини сескантирадиган даҳшатли ҳодисалар, инсон чидамига бўй бермас чексиз азоб-уқубатлар, юрак-юракларни вайрон этгувчи қайғу-аламлар, надоматлар авжини кўришимга тўғри келди.

Орадан анча йиллар ўтди, биз Қобилбек ака билан кўришдик, ўша пайтлар Шакарда ўтказган кунларимизни бир бошдан хотирладик. Қобилбек ака узоқ умр кўрди, невара-чеварали бўлди. Бу одам менга фақат раис эмас, балки ота сифатида муносабатда бўлди. У мени ҳаётда кўп нарсаларга ўргатди. Қобилбек ака жуда тажрибали, оққўнгил ва оқил одам эди.

Ўша пайтлар тенгдошларим сингари, менинг ҳам бўйим унча ўсмай қолган — ёшим ўн тўрт-ўн бешларда бўлишига қарамай пачоқроқ эдим. Мен ўн олти-ўн етти ёшга киргач, секин-аста бўйим чўзила бошлади. Қисқаси, мен кечикиб вояга етдим. Шу сабаб ҳам мен отга чапдаст мина олмасдим. Бунинг учун аввал узангига осилиб, бир оёғимни қўяр, сўнг от ёлидан тортиб, чап оёғимга таяниб, зўрға эгарга миниб олардим. Хуллас, отга миниш мен учун кони азоб эди. Бошқа ҳеч кимда бўлмаган, ўхшаши йўқ узун шинелим ҳалвиллаб, отга минишга ҳалақит берар эди. Шунинг учун ҳам мен бировлар олдида от минишдан иймапардим. Отни бирор-бир чуқур жойга олиб борар, сўнг ўзим тепадан унинг устига сакрардим. Нимадир бўлиб, Қобилбек ака бу аҳволни сезиб қолди. У энди индамай ёнимга келиб, бақувват қўллари билан мени кўтариб, эгарга ўтқазиб қўядиган бўлди:

— Қани, яхши, ўтир-чи! Бўлдими, энди ишингга бор! — дер эди.

Биз орадан неча-неча йиллар ўтиб, учрашганимизда шуларни ҳам эсладик...

Ўша машъум уруш йилларида мазмун-моҳияти номидай **ҚОРА** хатни эгаларига топшириш менинг зиммамда эди. Бу вазифани ҳам менга Қобилбек ака буюрган. Менга бу юмуш жуда оғирлик қилар, уйларга қорахат олиб боришдан безиллаб турардим...

Овулимизга эса ҳафтасига кам деганда иккитадан қорахат келарди. Ўшанда бизга ҳафтасига икки марта почта келарди. Фронтдан хатлар келарди, мен одамларга хат тарқатганимда уларнинг суюнганлари...

Уруш ўз домига неча-неча одамларни тортиб кетди. Кўпчилик дом-дараксиз, ном-нишонсиз йўқолди...

Раис қорахатларни катта аҳамиятга молик ҳужжат ҳисоблар, шу туфайли ҳам саводли бирон кимса — расмий вакил хатни эгаларига махсус топшириб келиши, одамларга ўқиб бериши зарур, дер эди. Қобилбек ака шу важдан бу вазифани менга ишониб топширган эди. Мабодо, кимгадир ўшандай хат келгудай бўлса, аввал овул оқсоқолларига бориб вазиятни тушунтирар эдик. Сўнгра улар қурбон бўлган аскар яқинларини тўплар, маслаҳат қилиб, мен билан бирга марҳумнинг уйига йўл олишар эди. Мен қорахатни ўқиб берар эдим. Бу хонадонга қўни-қўшни, қариндош-уруғлар йиғилар, дод-фарёд, йиғи-сиғи авжига чиқар эди. Буларнинг барига гувоҳ бўлиш мен учун азоб эди...

Хотин-халаж бараварига йиғлаб бўзлар, қўшоқ қўшар, эркаклар эса "жигарим"лаб ўкиришар — фарёдлар кўкка ўрларди. Мен ана шу уввос солиб йиғлаган азадорлар орасида нима қилишни билмай, без бўлиб тураман. Ичимда ўзимга-ўзим: "Нима учун қорахатни фақат мен тарқатаман? Нима учун эл кўзига шумхабар элтувчи бўлиб мен кўринаман? Яна қорахатни ўқиб берганим етмагандай, шундай қайғу-азоблар гувоҳи ҳам бўламан, нега?" деб савол берар, бу ҳол менга алам қилар эди.

Овулдагилар мени яхши билишарди. Улар менга яхши муомала қилишар, қорахат — шум хабарни етказиш менинг вазифам эканлигини яхши тушунишарди. Бироқ... Мен кимникигадир яқинлашарканман, аёллар аввал шубҳа ва ваҳм аралаш тикилишар, сўнг чидай олмасдан, узоқданоқ:

— Бизникига кирма! Йўқол! Кет! — деб бақиришарди гўё барча бахтсизликка мен айбдордай.

Менинг қўлимдан нима ҳам келарди. Вазифам шундай бўлса... Улардан топганим эса:

— Шумқадам! Ёмон кунни бошлаб юрасан! Ҳе, ғурбат...

Шундай қилиб, замона зайли билан зиммамга юкланган вазифалар — котиблик ва солиқ йиғиш ёшлигимдан елкаларимни масъулият залвори билан босган, мушкул дақиқаларда шусиз ҳам машаққатли турмушни янада қийинлаштирадиган ниҳоятда уқубатли қисмат эди...

МЕНИНГ ЖАЖЖИ ҚУЁНЧАМ

Бу воқеа олдинроқ ҳикоя қилганим — ёлғиз кетаётганимда ғалати одамга дуч келиб, қўрқаним ўша йўлда рўй берган эди.

Ўша воқеадан сўнг орадан бир неча кун ўтди. Мен бошимдан кечирганимни ҳамқишлоқларга айтиб ҳам бўлдим. Банкдаги касбдошларим, қариндошлар ҳамда Қорақиз аммам балодан қандай омон қолганимдан хабардор эдилар. Улар менга ёнингда қурол олиб юр, деб маслаҳат беришди. Мен қандай ҳам қуролланардим? Пичоқ биланми?

(давоми 26-бетда)

NAVOIY

Sport — kelajak poyd





VOPI

Sahifani Komil Jontoyev va Dmitriy Kuryakov tayyorladilar

(боши 19-23-бетларда)

Бир темирчи қариндошимиз пичоқ ясаб берди. Мен томоша қилиб турдим: уста оддийгина бир темирни олди-да, уни қип-қизил чўғ бўлиб ёнаётган кўмирга тутди. Мен гўё мана шу ханжарнинг бир каромати бордай, у билан дунёдаги бор даҳшату ваҳимани енгиб ташлайдигандай устага қарашдим. Уста темирни ўтда бир неча марта toблади, болға билан дам у ёғи, дам бу ёғига уриб, аввал ханжарни ясади, сўнг сопини. Ханжарнинг ўзидан ҳам сопи оғир эди. Шундай қилиб, ушлаш, олиб юришнинг ўзи азоб бўлган ханжар битди. Уни камаримга учини пастга қаратиб тақсам, ерга тушиб кетар, тепага қаратиб тақсам, тирсагимга ботарди. Ғалати, ханжар мени душмандан ҳимоя қилиш ўрнига, қайтага танамга санчиладигандай хавф солар эди.

Қорақиз аммам ханжарнинг ноқулайлигини дарров фаҳмлади-да, уни тақишимга кўнмади. Бироқ мен ноқулай бўлса-да, уни ҳеч ёнимдан қўймасам, дердим. Кечаю кундуз ханжаримдан ажралгим келмас, унда бир синоат яширindай, халқ ичида юриб солиқ йиққанимда ҳам худди одамлар уни кўрадигандай, камаримга ярқиратиб осиб олгим келарди. Одамлар менинг баҳайбат ханжаримни кўриб: "Э, бу бола пешона теримиз билан топган пулларимизни яхши қўриқлаётган экан-ку", дейишларидан умидланардим. Мана шу хаёлдан ҳаволаниб, ханжарни пул солинадиган хуржунга солдим. Ҳозир, мабодо, менга душман даф қилгудай бўлса, ханжарни қандай олиб, ўзимни қандай ҳимоялашимни ўйламаганимни эслаб, кулгим қистайди. Дастлаб, хуржун оғзини очиб, ундан кейингина қуролим — ханжарни олишим керак эди-да. Шундай бўлса-да, ханжар доимий йўлдошимга айланди.

Ўткинчи воқеасидан сўнг, раҳбарлар солиқни қўшни овул почтасига топширса ҳам бўлади, деган фикрга келишган шекилли, ҳайтовур, фақат Грозныйга қатнай бошладим. Грозний унчалик ҳам узоқ эмасди. Олдинроқ айтганимдай, у пайтлар Грозныйда аксарият руслар истиқомат қиларди. Почтада эса фақат рус аёллар ишларди...

Ёз эди. Бир куни одатдагидек пулларни хуржунга босиб, почта томон равона бўлдим.

Мен ўрганиб қолган йўналишим — темир йўл бўйлаб, Маймоқ томон кетмоқда эдим. Ёзнинг ҳузурбахш табиати, саррин-соф дала ҳавоси танни яйратар, ихтиёрини ўзига бериб қўйганимдан, от бир маромда йўрғалаб бормоқда эди.

Тўсатдан қулоғимга гўдак йиғиси чалингандай бўлди. Янги туғилган чақалоқнинг "инга"сига ўхшаш овоз вужудимни сесcкантириб юборди. Мен ҳайратдан оғзимни очганимча, атрофга аланглaдим. Бийдай далада бирон одам зоти бўлмаса, гўдак овози қаердан эшитиляпти экан?

Яна теварагимга аланглаб, диққат билан қулоқ тутдим. Гўдак товуши серўт майсазордан келаётганга ўхшади. Мундоқ қарасам, ўша томонга ёлғизоёқ сўқмоқ кетган экан. Мен дарҳол отдан сакраб тушдим-да, шу ёққа югурдим. Қўлимга қаттиқ сиқиб олганим қамчин билан ўтларни икки ёнга суриб, йўл очдим. Шундай бoравериб, бир даҳшатли ҳодиса устидан чиқдим. Не кўз билан кўрайки, рўпарамда йўғон илон жажжигина қуён боласини бўғаётибди-да. Айтишларича, илонлар олдин ўлжаларини ғиппа бўғиб, сўнг жиғилдонига уракан. Жонивор қуёнча жонҳолатда чийиллар, чор тарафга ўзини отар, манфур қотилидан қутулишга уринарди.

Мен ўйлаб ҳам ўтирмай, қамчим билан илонни савалай кетдим. Илон зарбадан қочиб, қуённи қўйиб юборди ва вишиллаганча судралиб қалин ўтлар орасига кириб кетди. Қуёнча бўлса зир титрар, қўрққанидан бир қадам боса олмас — аҳволи жуда чатоқ эди. Бечорага раҳмим келди. Беихтиёр уни авайлабгина қўлимга олдим, бағримга босиб, момиққина жунларини силадим.

Йўл бўйи қуён боласини эҳтиётлаб келарканман, бу воқеани уйдагиларга гапириб беришни кўнглимга тугдим. Ҳақиқатан ҳам, ақл бовар қилмас воқеа юз берди-да. Ахир илон қуённи ютиб юборишига сал қолди-я. Мен уни ана шундай ажал домидан қутқариб қолдим.

Мен қуённинг чақалоқ сингари аянчли йиғлаганига ҳайрону лол бўлганимча, Грозныйга қандай етиб келганимни ҳам билмай қолдим.

Почтага келиб, одатдагидек орқа тарафдаги хонага ўтдим. Бу ерда солиқ пуллар яна қайта саналарди. Почтачи иккаламиз ўтириб олиб, ишга киришдик. Почтачи аёл, ҳар доимгидек, мен санаб берган пул дасталарини шошилмай қабул қилиб олмоқда эди. У бир маҳал тўсатдан қичқириб юборса бўладими. Аёлни қалтироқ босиб, санаётган пуллари атрофга сомондай сочилди. Мен ҳам чўчиб кетдим. Тезда ўрнимдан ирғиб турдим. Турдим-у аёлнинг нега қичқириб юборганини тушундим: ерда қуёнчам турарди. У қўйнимдан қандай тушиб олганини сезмай ҳам қолибман. Ўйлашимча, қуён аёлнинг оёғига тегиб кетган бўлса керак. Пуллар ер билан битта бўлди. Мен дарҳол қуённи ушлаб, яна қўйнимга солдим, пулларни йиғиштириб келиб, қайтадан санай бошладим. Бироқ аёл ҳадеганда титроғини босолмас, тинимсиз вайсарди:

— Бу нима қилиқ? Ярамас! Шу мишиқига пулни ишониб топширишганига ҳайронман! Бу бўлса, бирор ишни дўндириб қўядигандай қуён олиб юрганига ўласанми!

Мен қуённи олиб, Қорақиз аммамникига келдим. Қуён бизга жуда ўрганиб қолди. Лекин бир куни уни йўқотиб қўйдик.

Ишдан келсам, аммам мени ғалати қарши олди, ачинганча деди:

— Қуёнинг қочиб кетди. Уни ит еб қўйдими дейман.

— Нима бўлди? — дедим мен, саросимада.

— Бир маҳал қўшниларнинг итлари ҳура кетди. Итлар бир жониворни қуваётган экан. Қарасам, у сенинг қуёнинг. Анави томорқа томонга ўтиб кетишди. Югурдим, аммо етолмадим. Қуёнинг қочиб кетдими, ё итлар еб қўйдими, билмадим, — деди аммам йиғламсираб, худди айбдордек.

Мен шу заҳоти кўчага отилдим. Ичим ачишиб, уй теварагини, чор-атроф — бор бурчак-тешикларнида синчиклаб қарадим, аммо... тополмадим. Мен жуда қайғурдим, жуда куюндим.

Кейин ҳам қуёнчамни бот-бот эсладим. Ўғлим Элдор ҳали кичиклигида унга бошимдан ўтган воқеаларни эртак қилиб айтиб берардим. Ўғлим, айниқса, қуён тўғрисидаги ҳикоямни берилиб тинглар эди. Эртакни қайта-қайта эшитгиси келар, мени ҳам яна такрор айтишдан чарчамасдим. Айниқса, унга почтачи аёлнинг қўрқиб бақиргани, санаётган қоғоз пулларнинг сомондай сочилгани ёқарди. У бундан роҳатланиб, қийқириб куларди...

САЙДАЛИ! МЕНИНГ БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

Сайдали Бекмамбетов — менинг болаликдаги дўстим. У очиққўнгил, шоиртабиат йигит эди. Мен Шакарга келганимда, у шу ердаги мактаб директори эди. Ўшанда Сайдали ўн олти ёшда эди.

Уруш йиллари хат-саводли эркакларнинг бари фронтга кетиб, овулда қолган хотин-халаж, қари-қартангларнинг ҳам аксарияти саводсиз эди. Ўша даврда ёшларнинг билим бериш борасида тутган ўринларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Сайдали Шакарга қўшни Арчалидаги мактабда директор бўлиб ишлаб қолди. Арчали Шакарга нисбатан кичикроқ овул саналарди. Арчали мактабида бошланғич синфларгина бор эди, холос.

Кунлардан бир кун Сайдали мендан шу мактабда дарс беришни илтимос қилди. Биз болаликдан бирга ўсган, бирга улғайганмиз —соз эдик.

— Ўрисчани яхши биласан. Бўлмағур важларни қўй. Бўлди, мактабимизда ўрис тилидан дарс берасан! — деди.

У айтгандек бўлди. Сайдали мени пастқам, бир нечта синфдангина иборат мактабига эргаштириб борди. Мен болалар гала қушларга ўхшаб тизилиб ўтирган синфга дарс бергани кирдим. Ҳали бирон дарс ўтишга тайёр эмасдим, жуда бўлмаганда, қўлимда дарс ўтиш учун режа, дастур деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Ёки бўлмаса, ўқув қўлланмасими, китобми бўлганида-ку... Афсуски, ҳеч вақо йўқ. Сайдали мени муаллим бўласан деб, ҳе йўқ-бе йўқ, ўқувчилар орасига киргизиб юборган эди.

— Нега оёқ тирайсан-а? Айтяпман-ку, дарс берасану кетасан. Тамом вассалом. Болаларга ўрис тилини ўқитасан, хўпми? Ўқитганинг учун мояна ҳам оласан, ҳа, — деди у умид билан.

Бизда ҳозир ҳам ўқитувчилар маоши оз. Энди ўша пайтлар ўқитувчисининг маошини тасаввур қилинг. Гап пулда ҳам эмас эди. Фақат... Сайдали иккимизнинг зиммамизга улкан масъулият юклатилганди.

Мен Арчали мактабида кўп вақт дарс берганим йўқ. Арчали-

га пиёда борардим. Ҳар куни беш чақиримча йўл босиш керак. Бунинг устига, у ерда тунайдиган жойнинг ўзи муаммо эди. Қолаверса, йўлда Куркуров дарёсини ҳам кечиб ўтиш зарур. Балки шунинг учундир, менинг бу мактабдаги муаллимлик фаолиятим узоқ чўзилмади.

Лекин Сайдали бутун ҳаётини мактабга бағишлади. У узоқ йиллар ўша мактабда директор бўлиб ишлади. Мактаб йил сайин ўзгариб, ўзгача чирой касб эта борди.

Мен яқинда Сайдали билан учрашдим. Бишкекка келган экан. Етмишдан ошиб, кексайиб, чол бўлиб қолибди. Иккаламиз ўтириб, бошдан ўтган кунларни бирма-бир эслашдик. Гап гапга уланиб, у менинг ёдимдан кўтарилиб кетган бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

Бир куни одатдагидек, Арчали мактабига икковимиз бирга чиққан эканмиз. Ўшанда биз Куркуров дарёсини кечиб ўтардик. Сув яхдай, нақ одамнинг баданини тешиб кетай дерди. Сувга тушган оёқлар совуқ қотиб, эт жунжикарди. Биз шу азобни биттамиз кўрайлик, деган ниятда бир-бундан буён биримизни галма-гал опичлаб ўтишга келишдик. Бир куни мен Сайдалини, эртасига у мени сувдан опичлаб ўтадиган бўлди.

Ҳаттоки бир куни навбатни адаштириб юборибмиз. Ё мен уни, ё у мени сувдан олиб ўтиши керак эди. Бироқ иккаламизнинг ҳам муздай сувга тушгимиз келмай, айтишиб қолдик. Сўнг Куркуров соҳилида ҳозир навбат меники эмас, деб ёқалашиб, кейин роса муштлашган эканмиз.

Негадир, мен бу воқеани унутиб эканман, қаранг-а, Сайдали эса эсларкан.

Мен "Биринчи ўқитувчи" номли қиссамни ана шу Арчалида қисқа муддатли ўқитувчилик даврим таассуротлари остида ёзганман. Бироқ мен қиссани бошқа давр, бошқа вазиятни назарда тутиб ёзган эдим. Шундай бўлса-да, мен уруш пайтида кўнглимда кечган туйғуларимдан, уларни бироз ўзгартирган ҳолда фойдаланганман.

Мен Арчали мактабида 1943 йилнинг қишида сабоқ бердим. "Биринчи ўқитувчи"да эса анча илгариги давр — 20-йиллар воқеалари акс эттирилади. Бу ҳам бошқа бир давр, бошқа бир жамият фожиаси эди. Бироқ менга бир мишиқи боланинг муаллим бўлганида кўнглидан кечган ҳиссиётлари яхши маълум. Чунки Арчалида ўқитувчилик қилган пайтларим тўплаган тажрибаларим бунга мисол бўла олади.

ЧОРҒИН МУЛЛА

Қорақиз аммам овулдагиларни яхши танирди. У ҳамиша Чорғин муллани овулимизда энг улуғ ва билимли одам деб айтарди. Шакар жомеъ масжиди баланд тепаликда жойлашган эди. Овулдагилар уни "Оқ уй" дердилар. Жомеъ инқилобдан аввал қурилган бўлиб, гумбазсимон шаклда эди. Жума кунлари намоз ўқиш учун масжидга овулдаги бари эркаклар йиғилишарди.

Чорғин мулланинг ҳовлиси теварак-атрофи гўзал боғ эди. Мулланинг уйи эса овул масжиди тепалиги остида эди. Боғчасидаги арикда сув шилдираб оқади. Шакарнинг ям-яшил далалари ана шу ариқдан сув ичар эди. Мулланинг экинзори ҳийла кенг, боғининг мевалари болдай ширин эди.

Жиянларим Жапарбек, Бойисбек билан ана шу боғдан ҳали хом-хатала олмаларни роса ўғирлаганмиз. Бир неча марта сиримиз фош бўлиб, уй эгалари томонидан "жиноят устида" қўлга олинишимизга бир бахя қолган.

Эл ичида Чорғин мулла тўғрисида турли-туман гап-сўзлар юрарди. Бундай гапларни колхозда котиб ва солиқ йиғувчи бўлиб юрган пайтларим мен ҳам эшитганман.

Овулдаги эркаклар баъзан саҳарлаб туриб, бўза ичгани бўзачининг уйи томон 'жўнар эдилар. Бўзачининг уйини эса ҳамма биларди. Бўзага азонда бориш керак. Нега? Сабаби — бўза тайёрлаш учун тариқни узоқ қайнатиш керак. Баъзан тариқ ўрнига арпа ёки буғдой уни кепаклари ҳам аралаштириладди. Бўза — спиртли ичимлик. Уни ачитиш учун буғдой ёки арпани ундириб, бир кун аввал тариқ бўтқасини ана шу ундирилган майсага аралаштириб қўйилади. Эртасига ачиб, қайнаб чиққан аралашма бўз халтага қуйилади-да, қўл билан сузилади. Сузғичдан ўтган суюқликка бўза дейилади. Одамлар шу суюқликни ичади. Халтада қолган тариқ чиқиндиси тўппа дейилади, у молга берилади. Бўза пишириш майда, ташвиши кўп юмуш бўлгани учун кўпчилик бирга тайёрлайди. Бўза жамоат бўлиб пиширилгани билан барибир сермашаққат иш ҳисобланади, бақувватларгина бу ишга бардош бера олган.

Шундай бўза ҳумори тутган эркаклар барвақт туришиб, қалин қорни ғарч-ғурч қилиб, бўзачиникига борадилар. Бўза сузилаётганда ўн-ўн беш нафар эркак йиғилиб, ичишга тайёрланади. Сўнг, янги сузилган ичимлик бир оз илитилиб, кутиб турганларга косаларда тарқатилади. Бекорчи шинаванда бўзахўрлар эса, уни оз-оздан роҳатланиб ҳўплаб, навбатма-навбат, бамайлихотир гаплашиб, майдалаб ичиб ўтиришаверади. Шу тариқа одамлар бўза сузиш билан алаҳсиб кундалик турмуш ташвишларини унутар, ғам-ғуссаларидан пича бўлса ҳам фориғ бўлишади.

Ҳаммадан ҳам ичига бўза кириб, танаси қизиган кишилар бир-бирларига турли воқеаларни, хаёлда йўқ чўпчакларни айтганларича, ўзларининг сеҳрли оламга ғарқ бўлишади.

Шундай ўтиришлардан бирида кимдир ҳаммага маълум бир воқеани ҳикоя қила бошлади. Ҳамма жим бўлиб, ҳикояга қулоқ тутди. У ҳадеб қандай қилиб эшак бўлиб қолганини ҳикоя қилаверадиган мўмин-қобил одам эди. Маълум бўлишича, уни Чорғин мулла эшакка айлантирган экан...

Унинг гапига қараганда, Чорғин мулланинг сеҳрли кучи бор эмиш. Воқеани лоф қилиб, лоф қилганда ҳам қопқилиб, қўшибчатиб, ўзи тўқиган чўпчакни худди чиндай қилиб айтиб берган бу одам, бу гал шундай ҳикоя қилди:

— Чорғин мулла даласини йилига уч марта ҳайдатар, уч марта беда сепиб, уч марта ҳосил оларди. Мулла бир куни, уйимга келиб, "Эртага менга беда ўришга қарашвор", деб илтимос қилди. "Бўпти", дедим мен қувониб. "Унда бошқа одам чақирмайман. Сенга ишондим, ўримга саҳарлаб кел. Иккита чархланган чалғим бор. Агар яхши ўрсанг, бир кунлик егулигингни бераман", —деди у қайтаркан. Эртаси куни келишганимиздек, эрта тонгда мулланинг уйига бориб турдим. У мени кўриб, хурсанд бўлганидан: "Яшавор-э! Келганинг соз бўлди-да, қўлингни бер-чи, шоввоз! О-о, жа бақувват экансан-ку! Қани, энди чалғини олиб ишни бошла", — деди.

Ишни бошлаб юбордик. Ичимда, Чорғин муллага ёрдам беряпман-а, деб қувониб, фахрланаман. Лекин... ўзларингиз биласизлар, бир оз дангасалик бор... бизда. Бир озгина беда ўриб, кейин ялпайиб ётиб, дам оламан. Мен икки кун беда ўрдим, бироқ ўримни тугата олмадим. Учинчи кун эса доимгидан ҳам имиллаб ишладим — камгина ўриб, кўпдам олавердим.

Чорғин мулла қилган ишимга разм солди, "Ё тавба, бу ёққа қара! Манави ерни чала ўрибсан-ку. Шуям ўриш бўлди-ю. Чала!" — деб норози бўлиб вайсай кетди. Мулланинг бу сўзларидан ғазабим қўзиди. Бир куни сояда ётсам, мулла беда қанча ўрилганини кўрай деб, яна келиб қолди. Мен ётган жойимдан қўзғалмадим ҳам — қандай ётган бўлсам, шундай ётавердим. Чорғин мулла менга яқинлашди: "Манноп, нега бекка ўхшаб талтайиб ётиб олдинг? Ишласанг, ишла! Бу ерга нега келдинг ўзи? Тур ўрнингдан, одамни беҳурмат қилмай!" — деб бақира кетди. Менинг чапараста жаҳлим чиқди. Муллага: "Оғзингга қараб гапир! Ахир мен сенинг ишингни қиляпман-а! Менга нима учун бундай деяпсан? Тағин мулла эмиш?!" — деб бақирдим. Мулланинг эса баттар ғазаби қайнади: "Сен ҳозир эшак бўласан! Эшакка айлан!" — деди. Чорғин мулла шундай дея гапини тугатар-тугатмас, қўлини бир силтаган эди, мен мундоқ ўзимга қарасам, тавбангдан худо, шалпанг қулоқ, тўрт оёқли эшак бўлиб қолибман. Шунда мен муллага ялина кетдим: "Жон мулла ака! Бир марта кечира қол! Мени эшакка айлантирма!" — деяётиб бирданига тилим айланмай қолса денг. Чорғин мулла устимга минди, бошимга бир туширди-да, қозиққа боғлаб қўйди. Ўшанда мен эшак бўлиб, эгамни кутиб турардим.

Ҳозир эшакка айланган ўша одам бўза ичиб ўтириб, буларни ўзи айтиб бермоқда эди. У билан бирга бўза ичиб ўтирганлар:

— Бечора-я! Мулланинг таёғи жа-а қаттиқмикин? Бошинг ёрилмадими ишқилиб? Қулоқларинг ўшандан узунлигича қолган бўлса керак, — деб шарақлаб кулишди, ҳазил-чин аралаш масҳара қилди.

Шу тариқа, бўзахўр жўралар ичларидан ҳикоя тўқир, ўхшаса-ўхшамаса берилиб гапиришар, қишнинг шусиз ҳам қисқа кунини бирпасда кеч қилишарди. Яна қизиғи шунда эдики, улар ўзлари тўқиган гапларга ўзлари чиппа-чин ишонар, ёлғонлиги-

га шубҳаланмасдан, қайтанга жон қулоқ билан тинглашарди.

Мен орқада уларнинг ҳикояларини тинглаб ўтирардим. Менга ўхшаган яна икки-уч бола гап пойлар эди. Қолганлар қариялар эди.

Энди қандай гап бўлар экан, ҳалиги эшакка айланиб қолган одамнинг тақдири нима бўларкин, деб турсак, ҳалиги киши, яна ҳикоясида давом этди:

— Мен чиндан ҳам эшакка айландим-қолдим. Шундай бўлсада, энди нима қиламан экан, деб бошим қотарди. Уйга кетишим керак-ку, ахир. Бироқ бу аҳволда қандай бораман? Кеч кириб, мени эшаклар қўрасига киритиб қўйишди. Эртаси эрта билан Чорғин мулла ёнимга келди. Шошмасдан устимга тўқимини, бошимга юган солди-да устимга миниб олди. Биз бозорга йўл олдик. Тўрт оёқлаб пилдираб, бозор томон лўкиллаб кетяпман. Сўнг уйимиз ёнидан ўтдик. Тўхтамай ўтиб кетяпмиз денг. Бир маҳал уйдан хотиним чиқиб қолди ва муллага: "Мулла ака, мулла ака! Хўжайинни қаерда?! Кеча кетганича дараги йўқ!". Мулла унга: "Мен қаёқдан билай! Йўқ бўлса, қара, қидир!" - деди-да, мени лўкиллатиб, ундан нари кетди. Қани, мендан бир сас чиқса-чи. Бошимни эгиб, қулоқларимни шалпайтириб, лўкиллаганча кетавердим. Чорғин мулла юриб бораётганимга қарамай, таёғини нуқиб, ҳалалайди. Гарданим ачишиб, оғриётганига қарамай, ноилож пилдиллаб борардим. Биз каби бошқалар ҳам отда, эшакда, пиёда бозор йўлига тушган. Мен ҳам улардан ортда қолмаслик учун жадаллашдим. Имиллаш — уят. Мулла акаям тинч турмайди, қўлидаги таёғи билан мени дам-бадам уради. Мен эса янада тезлашаман. От, эшакда бораётганлар бир-бирлари билан саломлашиб, ўзларича гурунг қилиб боришади. Мен уларнинг гапларини эшитиб турсам ҳам, жавоб бера олмайман. Ахир, тил-жағдан қолганман. Шундай қилиб, бозорга ҳам етиб келдик. Чорғин мулла устимдан тушиб, мени бошқа эшаклар қаторига, битта қозиққа боғлаб қўйди. Эшаклар мени тишлаб, тепа бошлади. Мен ҳам бўш келмай, улар билан бор кучим билан тепишдим. Мен муллани қора кечгача қозиқда боғлоғлиқ сарғайиб кутдим. Бозордан қайтишда ҳам Чорғин мулла устимга минди. Учинчи кун деганда, Чорғин муллага инсоф кирди, менга раҳм қилди. Мени дарвозадан чиқарди, таёғи билан бошимга уриб: "Йўқол! Даф бўл, кўзимга кўринма, галварс! Сендақа жиннини бошқа кўрмай!" — деди. Мен яна одамга айланаётганимни ҳис қилардим. Қўл-оёғим, қорним, бошим — бари ўз ҳолига қайтди. Мен орқа-олдимга қарамай, уйим томон жон-жаҳдим билан шаталоқ отдим. Уйга аранг, кечқурун етиб келдим. Менинг эшикдан ҳаллослаб кириб келганимни кўрган хотиним: "Вой қаердан келяпсиз?! Қаерда эдингиз?! Қариндошларнинг изламаган жойлари қолмади-я! Ё ўлик, ё тиригингизни билмадик-а! Сўрамаган эшигимиз, қарамаган тешигимиз қолмади!" — дея вайсади. Мен бўлсам: "Хотин, мен эшакка айланиб қолган эдим..." — дея олдим холос. "Нима-нима?! Шундай десам, қутуламан деяпсанми?! Буни қаранглар-а, эшакка айланиб қолганмиш..." — деб хотинимнинг баттар чакаги очилди. Ғазабдан мени ўқлов билан савалай кетди. Ўшанда оға-инилар ўртага тушиб, ажратиб қолмаганларида, ҳозир мана бундай — сиз билан бўза ичиб ўтирмаган бўлардим. Улар: "Бу эшакка қандай айланиб қолади? Эшак эмас, мияси айниб, жинни бўлиб қолган — бори шу", — деб калака қилишди. Қисқаси, менинг эшакка айланганимга ҳеч ким ишонмади...

Ниҳоят, у эртагини якунлади. Ҳамма унга ҳам ҳайрон, ҳам ачиниб қарар, гапларини эшитиб, маза қилиб куларди.

"Эҳ, мулла Чорғин! Қандай ажойиб инсон эди-я! Ажойиб мулла эди", деб танглайларини тақиллатишарди-да, роҳат билан бўзадан симириб, яна суҳбатларини давом эттиришарди.

ТАЛАБА БИЛАН ЭШАК

Уруш тугаган пайтлар — 1945-1946 йилларда мен Покровка деган жойдаги рус мактабида ўқий бошладим. Биз ўшанда Покровкадан ҳийла олисроқ, катта сувнинг нариги томонидаги овул — Жийдада турардик. Бу овулда мактаб йўқ эди. Шунинг учун мен ҳар куни Толос дарёсини кечиб ўтиб, мактабга қатнардим. Қишда дарё суви камаяр, ёз келиб, кунлар исий бошлагач, тоғлардаги қорлару музлар эрир ва сув кўпаяди. Мактабга укам Илгиз икковимиз қатнардик. Иккаламиз ҳам оёғимизга этик киярдик. Кейинроқ, аскарларнинг эски ботинкасини сотиб олдик.

Бир куни мактабга кетаётиб, катта сув бўйига келганда тортишиб қолдик. Мен этигимизни аяб, сувни яланг оёқ кечиб ўтишни таклиф қилдим. Аввалари, Илгиз ҳам бунга бир неча марта рози бўлган эди.

Бироқ ўша куни, билмадим, ҳаво жуда совуқмиди, эсимда йўқ. Илгиз совуққа чидай олмади — дарёни этиги билан кечиб ўта бошлади. Мен унга:

— Менга қара, жон укам! Этигингни еч! Нега этик билан сувга тушдинг!? — дедим.

— Совуқ-ку!

— Нима?

Шу тариқа иккаламиз ҳам қизишиб, айтишиб, ёқалаша кетдик. Атрофда ҳеч ким йўқ. Бир-биримизни аямай урардик. Бир маҳал, у менинг этигимни дарёнинг нариги томонидаги ўтлар орасига отиб юборди.

Ҳозир Илгиз билан кўришганимизда ўша воқеани кулиб эслаймиз. Ҳа, этикни асраймиз, деб туғишган ака-укалар ана шундай уришганмиз. Бугун бу воқеа ҳозирги одамларга жуда кулгили туюлиши мумкин... Биз учун эса...

Мен ўшанда саккизинчи синфни битирган эдим. Шунинг учун ҳам энди ўз келажагим тўғрисида ўйлашим керак эди. Турмушимиз жуда ночор, даромадимиз ҳам ҳаминқадар эди. Шу аҳволда биз Покровкадан уй олиб, кўчиб бора олмасдик. Шундай бўлгач, албатта, мактабга Толос сувини кечиб борамиз-да. Айниқса, қишда бундай қатнаш қийин. Опам шуларни назарда тутиб, ноилож менга:

— Шаҳарга бориб ўқийқол, — деди.

Шундай қилиб, мен Жамбулга келдим. Биз у ернинг бозорига кўп қатнар, бозор-ўчар қилиб турардик-да. Ўша пайтлар бу шаҳар биз учун асосий савдо маркази ҳисобланарди. Мен мактабда яхши ўқиганлигим учун бу ерга келиб, зоотехника ва ветеринария ихтисоси бўйича ветеринария техникумига ўқишга кирдим. У пайт ветеринария ходимларини одамлар "мол дўхтир" дерди. Бундай мутахассислар овулларда йўқ эди ҳисоб. Мен касал молларни даволаш учун эмас, балки умуман чорвадорликка жавоб берадиган камёб ҳисобланмиш мутахассис бўлишга тайёрланаётган эдим. Техникумда эса асосан чорванинг ўсиш суръати, уларнинг емиши, ҳар хил чорва касалликлари тўғрисида билим олардик.

Умуман, мен ёмон ўқимасдим. Бироқ яшаш шароитимиз оғир эди. Мен техникум ётоқхонасида турардим. Шаҳарга бир хафталик егулик ғамлаб келиш учун Жамбулдан Маймоқ темир йўл бекатига боришим, ундан Жийдага пиёда кетишим керак эди. Ёки бўлмаса, Шакарга — аммамникига борар эдим.

Техникумдаги ўқитувчиларимиз жуда олижаноб кишилар эди. Уларнинг аксарияти Москва, Ленинграддан (ҳозирги Санкт-Петербург) Ўрта Осиёга сургун қилинган эски рус зиёлилари эдилар. Кейинчалик уларнинг кўпчилиги яна ўз юртига қайтиб кетди, ёши ўтиб, кексайиб қолган баъзилари эса шу ерга кўникканиданми, бутунлай Жамбулда қолиб кетган эди. Мен ҳозиргача ўқитувчимиз фронтовик Тигрий Николаевични унута олмайман. Яна Иван Григорьевич деган устозимиз ҳам бўларди. У йилқи боқиш, от совутишнинг ҳадисини олган, уста чавандоз бўлиб, бизга йилқи боқишга оид кўп нарсаларни ўргатган эди. Мен бу дарсда қиёмат-қирғин урушдан куни кечагина чиққанимиз, аранг кўл учида кун кечираётганимизни, рўзғор қийинчиликларини бир зум бўлса-да, эсдан чиқарардим.

Мен ўша вақтлар ҳам дарс ўқир, ҳам оёғимга пойабзал олиш, эгнимга кийим топишнинг чорасини излар эдим. Бироқ Иван Григорьевичнинг ажойиб, қандайдир оҳанрабоси билан ўзига тортгувчи дарслари кишини бир оз вақтга бўлса-да, тошдан қаттиқ тирикчиликнинг битмас камларини унутишга имкон берарди.

Иван Григорьевич табиатан шоир ҳам эди. Унинг йилқи боқишдан бошқа ҳунари бор, бу иқтидор унинг қалбида эди. У шеърлар, ҳикоялар ёзарди. Иван Григорьевич бизга отларнинг биологик хусусиятлари, насллари ва уларни боқиш йўлларини айтиб бериш билангина чекланмай, шу наслга боғлиқ турли эртак, воқеаларни ҳам ҳикоя қилиб берарди. Менга, айниқса, дарснинг мана шу қисми жуда ёқарди.

Бир куни дарс доимгидан ҳам қизиқроқ ўтди. Иван Григорьевич кейинги ҳафтада янги мавзу ўтишимизни эслатди:

— Кейинги дарсда эшакни ўтамиз. Бунинг учун сизлар мах-

сус амалиёт ўтаб келишларингиз керак, — деб қолди.

Бу топшириқ бизни жуда ҳайрон қолдирди.

Устоз бизга кулимсираб қараб:

— Ия, нега бунча ҳайронсизлар? Ҳа, жониворларнинг ана шундай тури ҳам бор-ку ахир. Эшакни ўрганишингиз, унга нимаики боғлиқ бўлса, барини билишларингиз керак-да. Сизлар охирги курсда ўқияпсизлар, ахир. Эрта ўқишни битириб, ишга тушасизлар. Сизлар учун эшакнинг куладиган жойи бўлмаслиги керак. Одамлар эшакни ақлсиз, бефаҳм, яна-тағин ўжар ҳайвон, деб биладилар. Уни масхара қилиб, турли-туман оғир ишларда фойдаланишади. Бироқ мен сизларга айтсам, агар эшак бўлмаганида, инсоният бу қадар тараққиётга эришолмасди. Қадимда поезд, кема, машина, самолёт, от-арава каби транспорт воситалари бўлмаган. Биз инсонлар ҳайвонлар орасидан, аввало, эшакни ўзимизга ўргатиб, хонакилаштириб олганмиз. Кейинчалик отни. Антик ва ўрта асрлардаги одамларнинг асосий транспорти, худди сизлар калака қилиб кулаётган эшак бўлган, — деди.

Биз Иван Григорьевич эшакнинг инсоният тарихида тутган муҳим ўрнини шунчалар теран тушунтиргани учун кулгидан тўхтадик.

— Одам эшак билан кўпйўлларни босиб ўтди. Эшак одамзотнинг оғир-оғир юкларини ташиди. Инсоният тараққиётидан эшакни айириб бўлмайди.

Шакардаги Қорақиз аммам менинг техникумда ўқиётганлигимдан фаҳрланар, бундан боши кўкка етиб қувонарди. Бу фахр шунчаликки, бир деҳқон йил бўйи тинмай ишлаб топадиган пулни аммам бирор тийинини ҳам сарфламай, мен учун йиғиб қўярди. Аммам мени ўксимасин, ўқиши ўрта йўлда қолиб кетмасин, деган мақсадда шундай қиларди. Бунинг устига, у киши ветеринарлик касбини жуда келажаги порлоқ, деб ҳисобларди. Қўшниларига оғзини тўлдириб, тинмай мақтанарди:

— Насиб бўлса, бизнинг Чингиз мол дўхтири бўлади. Шунга ўқияпти.

Ўша пайтлар, мавқеъ-эътиборли касблар адвокатлик, суд ходими, милиция бошлиғи, партия ташкилоти котиби, колхоз раиси ҳисобланарди. Мен аммамнинг кўнглини, ички кечинмаларини яхши ҳис қилардим. Аммам бир туғишган укасининг фожиали қисматига куйиб, ундан қолган тирноқ — мени кўз қорачиғидай асрарди. Тўрақул Айтматов, умуман, юртнинг бир томонини кўтарган, миллатнинг кўзга кўринган ўғлони эди. У халқ, зиёлиларнинг энг олди бўлиб, марказда — Москвада билим олган. Халқ душмани сифатида қатл қилинган укаси — отамнинг тўнғич ўғли эр етиб, айнан отасининг изидан борса, қани эди элга, халққа отасининг ҳақ эканлигини исботлаб берса эди, деган армон аммамнинг юрагини ўртар эди. У ўтирсатурса шу гапни оғзидан қўймасди. Аммам Жамбулда ўқиётганимда ҳам, қандай касбга ўқиётганимни тўлиқ тушунмаса-да, барибир, менинг тўғри йўлда эканимга ишонган бўлса керак.

У қачон бўлмасин, мен Жамбулдан юк вагонга тушиб, Маймоққа келишим, ундан Шакарга кириб боришимдан терисига сиғмай қувонарди. Аммам қўйган нарсасини топа олмай, шошганидан менга нима берарини билмай, майда тангаларигача, борингки, жами топган-тутганини олдимга тўкарди. Иложи бўлса, ўқишга қайтишимда темир йўл бекатигача менга ҳамроҳ бўлиб борадиган биронта кишини овулдан суриштириб топарди. Мен тонг саҳарда ўтадиган Маймоқ поездига улгуриш учун ярим тунда Шакардан чиқишим керак бўлар эди. Жамбулга борадиган поезд шундай бемаҳал жўнарди.

Шу ўринда аммам учун катта фожиага айланган бир кулгили воқеани айтиб бермасам бўлмас.

Иван Григорьевич техникумда назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш имкони бўлмаганлигидан, бизни ҳамиша отчопар-бозорга олиб борарди. Ахир, ўқиганларимизни амалда синаб кўришимиз керак эди-да. Дарсда ўтилган жониворни амалда даволаб кўришимиз керак эди. Шу маънода Жамбул четидаги йилқичилик заводи қулай тажриба майдони эди. Бу заводга бориш — биз учун эртакдек гап.

Биз борадиган ушбу отчопар-бозор жуда катта бўлиб, унда йилқи, қора ва ушоқ мол сотиларди. Бозорда эшак сотилармиди - йўқ, нимагадир, эсимда йўқ. Бироқ теварак-атрофдан келган одамларнинг кўпчилиги эшак миниб келиши ёдимда.

Биз учун бозорга бориш, синфдаги маърузалардан анча қизиқ эди. Чунки бунда кўчаларни айланар, бозорни беш-олти марта кезиб чиқардик. Вақтни шундай ўтказиш завқли-да.

Сўнг, биз молбозорнинг бирон бурчида боғлоғлик турган қўй, сигир ёки йилқига яқин борардик. Иван Григорьевич кетаётганимизда бизни тўхтатиб, орамиздан биттамизни ёнига чақирарди:

— Сен, ҳа сен, ёнимга кел! Мана бу ерга тур. Қани, манави йилқига таъриф бер-чи. Бунинг насли қандай? Ранги-чи? Ёши нечада? Туёғи, ёли қандай? — шу тариқа бизга ўтилган мавзуга оид саволларни берарди.

Талаба унинг саволларига жавоб бериши лозим. Талаба мол танасининг ҳар бир қисмини бизга кўрсатиб, тушунтириб берарди... Жамбул бозоридаги амалиёт дарсларимиз шундай тарзда ўтарди.

Ҳали айтган эшак мавзуига келсак. Галдаги амалиёт учун биз яна бозорга келдик. Биз гуруҳ-гуруҳ бўлиб, бозор айланишга тушдик. Бозорда, одамлар мисоли чумоли — гавжум. Сотувчининг ҳам, харидорнинг ҳам аксарияти бозорга от ёки эшак миниб келган.

Ўқитувчимиз бу сафар туриш-турбати росмана отга келбат берадиган, думи ҳам алоҳида ажралиб турган бўз рангли эшак ёнида турар эди. Назар солиб, фаҳм қилдик: эшакнинг айни кучга тўлиб, етилган пайти. Бу ҳайвонларнинг қаригани дарров сезилади. Қулоқлари шалпаяди, боши ачинарли тарзда эгилади, ўзи эса худо урган дангаса бўлиб қолади. Бу эшак эса, ер тепиниб турар, жуда бақувват кўринарди. Нима учундир бу эшак менга таниш туюлди. Ҳақиқатан ҳам, сезгим мени алдамаган экан. Шуларни ўйлаб турсам, домла:

— Студент Айтматов! Буёққа кел! Қаршингда бир ҳайвон, яъни, эшак турибди. Ке, унга яқинроқ кел! Қани, бизга бу жониворни бир таърифлаб бер-чи, — деди.

Бозорда тумонат одам. Бировнинг биров билан иши йўқ — ҳамма ўзи билан овора — бизга ҳеч ким эътибор бермаётган эди. Эшак ёнига келиб, диққат билан қарасам, эшак Шакардаги қўшнимизники экан. Эшак ёнида турган қўшним менга кўзи тушиб, севиниб кетди:

— Ҳой, сенмисан? Бозорда нима қилиб юрибсан?

— Менми?.. Ўқияпман...

— Қандай, яхшимисан? — қўшним мен билан сўраша кетди.

Бироқ ўқитувчимиз унинг сўзини бўлиб, гурунгга аралашди:

— Бўлди! Айтматов, ҳамма билан гаплашаверасанми? Сенга эшакни таърифлаб бер дедим-ку, — деди у овозини кўтариб.

Билганларим ҳам миямдан чиқди-кетди. Ўзимни жуда ноқулай ҳис қилдим, уялдим. Бир ёқдан қўшним мени ҳол-жонимга қўймасдан суриштирарди:

— Ҳой бола, сени нега бундай сўроққа тутишяпти? Нима бўляпти ўзи-а?

— Мен бу ерда сабоқ оляпман, — дедим. Баданимни совуқ тер босди.

— Қара-я! Бозорда ўқияпсанми?

— Ҳа, бу ерда тажриба ўтказяпмиз.

— Бу қанақа тажриба экан?

— Эшакни ўқияпмиз.

— Нима? Эшакни ўқияпсан? Қўйсанг-чи! Бошни оғритиб нима қиласан? Қани айт-чи, эшак ҳақида нималарни биласан? — дея қўшним мени мазах қила бошлади.

Бу сафар оғзимга келган сўзни қайтармай, ёмон баҳо олдим. Ҳамма устимдан кулгандай, орим келиб, бозордан жаҳл билан қайтдим. Орадан кўп ўтмай, бу воқеани унутиб ҳам юбордим. Аммо...

Мен бир ойдан сўнг, одатдагидек, поездга ўтириб, Шакарга жўнадим. Жамбул бозорида бўлиб ўтган воқеа паққос ёдимдан кўтарилган эди. Ҳеч нарсадан бехабар, Қорақиз аммамнинг уйига соғинчдан жўшиб кириб келдим. Негадир аммам менга бошқача кўринди. Аммамни ҳеч қачон бундай кайфиятда кўрмаган эдим — нимадандир норозилиги шундай юзидан кўриниб турарди.

— Сен бундан буён мен учун аҳмоқдан бошқа эмассан, билдингми! — деди у жаҳл билан. — Сен бола кимни алдаб юрибсан ўзи? Тағин бу кишим ўқир эмишлар! Нимага — эшакка!? Эшакчи бўласанми?!

Мен чўчиб, аста сўрадим:

— Ўзи нима бўлди, амма?

— Қани эди, нима бўлганини билмаёқ ўлиб қўя қолсам! Анави қўшни ҳаммасини айтиб берди. Шаҳарга бориб, ўқияпман

деб, ҳаммани алдаб бозорда дайдиб юриш шармандагарчилик-ку, ахир. Мана, энди мен ҳақиқатни билдим! Сен шаҳарга бориб, бозорда эшакчи бўлиб юрган экансан-ку! Шундайми?

— Ҳа! — дедим мен аччиғимдан.

— Ундай бўлса, шаҳарда нима бор? Овулдаги ўзимизнинг эшаклар сенга етмайдими? Кўчага чиқ, ана эшак қарайвер! Ана, қара, йўлнинг нариги бетида бир қўра эшак турибди! Бор ўшаларга! Мен сени... Бошимга битган бало экансан! —Қорақиз аммам жаҳл билан нима деса деди, бирдан ўпкаси тўлиб ҳўнграб йиғлаб юборди. — Мен азбаройи ўқиб, одам бўлсин, деб қийналиб охирги тийинимгача сенга берсаму, сен бўлсанг... Ахир, эшакдан бошқа ўқийдиган нарса қуриб кетибдими!

Ана шунақа...

Менинг Қорақиз аммам ана шундай кўнгли тоза, ажойиб инсон эди.

ТУЛКИ

Жамбулда ўқиб юрган кезларим умримда биринчи марта ўзимга янги пальто сотиб олганман. Пальтом ҳозиргиларга нисбатан олинса, беш тийинга қиммат — кигиздай нарса эди. Бироқ ўша пайтлар бу пальто мен учун бебаҳо эди. Шу пальтони олиш учун пул йиғдим. Қорақиз аммам, онам бисотларида бор нарсаларини бозорга олиб чиқишган, менга ёрдам беришган эди. Турмушимиз анча оғир бўлганидан, битта пальто сотиб олишнинг ўзи ҳам қандай машаққат эканлигини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Ахири пальто сотиб олган куним бизнинг уйда гўёки катта байрам бўлди. Ҳамма мени янги пальтом билан табриклади.

Мен этаклари узун, чўнтаклари бежирим, енглари кенг пальтом билан фахрланар эдим. Ўзи ҳам тўқ кўк эди-да. Ўшанда мен ҳали ёшман, қоним қизиб, жоним танамга сиғмай турган даврим. Яна ҳали бу атрофда ҳеч ким киймаган янги, ажойиб пальто. Агар пальтони кийиб олсам борми, ўзимни бошқача сезар, катта кўчага сиғмай қолардим. Мен бир неча кунлик қишки таътилда Шакарга ана шу янги пальтомни кийиб борганман.

Қорақиз аммамнинг эри, илоё жойлари жаннатда бўлсин, раҳматли поччам ов қилишни жуда яхши кўрадиган мерган одам эди. У киши овчилик ишқи билан узоқларга кетар, бундан хотин, бола-чақаси ҳавотирланиб, оила тинчи бузилар эди. Ўша вақтлар у тулки билан кийик овига чиқар эди. Поччам тулкини усталик билан отар, терисини бузмасдан шилиб олар, кейин уни район марказига олиб бориб, махсус жойга топшириб келарди. Чунки бундай териларни бозорда сотиш тақиқланган эди. Шунинг учун териларни ҳукуматнинг ўзи йиғиб олар, овчиларга эса, арзимаган маош тўлар эди. Бироқ мен айтиб бермоқчи бўлганим воқеалар бу ҳақда эмас.

Бошқа овулдошлар колхоз молини боқиб кун кўраётган бир вақтда, поччам овчилик билан рўзғор тебратарди. У кишининг оти, тўрт-бешта овчи ити, овчи бургути, хуллас, овчига нимаики зарур бўлса, бари тўкис бор эди. У, айниқса, итлари билан овга чиқишнинг ҳадисини олганди. Аммам поччамнинг ана шу итлари бўлмаса, рўзғорнинг "мазаси қочиши"ни яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам аммамникида итларга жуда яхши қарашарди. Шунга қарамай, итлар тинимсиз овга чиқиб турганлиги учун ҳам жуда ориқ эди. Қорақиз аммам итларни уйга яқинлаштирмасди. Ўзим ҳам итларнинг қозон-товоққа ўралашишларини ёқтирмасдим. Итларнинг жойи уй эмас — улар ҳовлида юргани дуруст.

Қиш кунлари аёз бўлади. Итларнинг жунлари қуюқ бўлса ҳам совқотишарди. Шундай совуқда итлар қалтираб, кечқурунлари қандай бўлмасин, уйга киришга уринарди. Биз ўзимиз кўрпа-тўшак етишмаслигидан иккита-уч киши бир кўрпада ухлар эдик. Баъзан алламаҳалда ит аста-секин ўрмалаб, кимнингдир кўрпасига кириб оларди.

Бир куни итлардан бири совуқда қотиб ўлиб қолди. Ит уйга амаллаб кириб, жияним Жапарбек иккаламизнинг қўйнимизга кирди, биз ҳам сир бой бермай, индамай ётавердик. Ит ҳам тушунгандай, дамини чиқармай ётарди. Ахир унинг ҳам иссиқ жойда ухлашга ҳаққи бор-да, шундай эмасми? Бироқ аммам тўсатдан уйғониб қолса бўладими. У бир маҳал қўйнимизда ётган итларни кўриб, қичқириб юборди. Қўлига таёқ олиб, итларни бош-кўзи демай савалади.

— Ҳув, бошингни егурлар! Яна уйга кирганларингни кўрай, мен сенларни нима қиларкинман!.. — дея вайсай-вайсай жониворларни қувиб чиқарди.

Эшикка қувилиб, отилиб чиққан итлар воввуллар, ғингширди. Шундай маҳаллар поччам ҳам уйғониб кетар, итларига раҳми келиб дерди:

— Ҳей, нега уларни ҳайдайсан? Ахир, ташқарида тўнғиб ўлади-ку!

— Ўлмаса, тўнғиз кўпсин! — аммам ҳам бўш келмасди.

Мана шу итлар важидан уйда кўпмарта жанжал бўлган. Бироқ кўпўтмай аммам билан поччам яна ярашиб кетаверишарди.

Ўша таътилда янги пальтомни кийиб олиб, Шакарга келдим. Поччам катта бўлиб қолганим учун мени овга таклиф қилди. Бу таклифга, албатта, бажонидил рози бўлдим. Биз итларни олиб, тулки овига чиқмоқчи бўлдик. Поччам менга тулки тутиш санъатини намойиш қилгиси келди, шекилли. Бундан ташқари, ўзим ҳам овга жуда қизиқар эдим.

Менга овулдан битта от топиб беришди. Азонда Қорақиз аммам нонушта тайёрлади. Менимча, феврал ойи эди-ёв. Биз поччам икковимиз иккита от, олғир итлар билан овга чиқдик. Мен овга бораётганимдан фахрланиб, бундай муҳим тадбирга, албатта, янги пальтомни кийиб олдим. Нима учун овга пальто кийиб борганимни ҳозир ҳам тушунмайман. Одатда овга кетаётганда пўстин кийилади. Поччам пўстинда, мен эса драппальтода узун-қисқа бўлиб овга жўнадик. Менимча, ўшанда овда ҳам ўзимнинг ким эканлигимни кўрсатиб, мақтангим келган бўлса керак.

Биз анча пайт қияликдан тоғ бўйлаб юргач, майда тепаликлар бошланди, чамаси, Қозоғистон далаларига ўтган бўлсак керак. Дала қамишзор эди. Овчи итларимиз баъзан булоқнинг олдидан чиқар, баъзан ортда қолиб, югуриб, ҳид олиб келарди. Тонг оқариб борарди.

Поччам из қувар, дам-бадам менга:

— Мана, мана, буларни қара! Излар манави томонга кетипти. Анови қорли дала томонга ўтамиз. Тулкилар ўша ёқдаги тепалик яқинида бўлса керак, — деб гапириб борарди.

Ҳақиқатан ҳам, тулкиларнинг ўша ёқда юргани уларнинг изларидан аниқ сезилиб турарди. Тулки узун, гажакдор думли, ўта маккор ҳайвон. Итлар ҳид олишлари билан ўша тулки томонга отилди. Биз ҳам итлар кетидан отларимизга қамчи босдик.

Поччам бирдан менга қичқирди:

— Сен ўша ерда тур! Анави рўпарангдаги туятиканларни кўряпсанми? Ҳозир итлар қувади. Тулки ўша томонга қочади. Сен нима қилиб бўлса ҳам, уни туятиканга киритма. Киритиб юборсанг, тамом, бошқа ушлай олмаймиз, — Поччам шундай дея, ўзи нариги томонга от чоптириб кетди.

Ҳақиқатан ҳам, поччамнинг айтгани тўғри чиқди. У итлар билан бирга тулкини қувди. Мен эсам поччам тур деган жойдан жилмай, кутиб турар эдим. Тулки кенг далада айланиб-айланиб, тобора мен томонга яқинлашмоқда эди. Атрофим бепоён дала. Бу ердан у ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди — бекинадиган пана жойнинг ўзи йўқ. Итлар уни чарчатиб, ахири обдон ҳолдан тойдириб, босгунга қадар мана шу кенг далада қувиб юравермоқчига ўхшарди.

Жон қайғуси — тулки яширинишга жой ахтарарди. Охири топди ҳам — у биз мўлжаллаган туятикан томон югурди. Итларнинг туятиканларни оралаб кириб боришга юраклари дов бермайди. Мен отда худди шу туятиканзорда тулкини кутиб турардим.

Бир маҳал тулки мен томонга отилади. Мен шундай ажойиб лаҳзалар гувоҳи бўлдим! Тулки оппоқ қор узра ҳеч нимага қарамай қочмоқда эди. Ажойиб гўзаллик! Тулки чўғдай кўзлари ёниб, митти қулоқлари, думини селкиллатганча, қорларни ёриб, тўғри мен томонга келмоқда эди. Мен нима қилиб бўлса ҳам, уни туятиканга киргизиб юбормаслигим шарт. Ахир, шунинг учун ҳам боядан бери шу ерда турибман...

Қисқаси, мен мана шу атиги бир неча лаҳзалик ажойиб гўзалликка маҳлиё бўлиб, ана шу кўринишга сукланиб, унга кўзларим тўймай тикилиб қараб турардим. Тулки мендан хавфсирамаслик мумкинлигини дарров пайқаган бўлса керак. Мен тулкини ёнидан, яқиндан бир кўриш ишқида отдан ирғиб тушдим. У шу пайтда шартта бурилди-да, кўз очиб-юмгунча бир оз наридан ўтиб, туятиканлар томон чопди — тулки зум ўтмай

кўздан ғойиб бўлди.

Итлар уни тутолмай қолганларига алам қилиб, туятикан атрофида ноилож ғингширди.

Шу вақт поччам отини чоптирганча етиб келди, ҳарсиллаганча нафасини боса олмай, ҳайрон бўлиб сўради:

— Тулки қани?

— Тулкими? Анови туятиканлар орасига кириб кетди... — Менинг зўрға товушим чиқди.

— Эҳ, каллаварам! Ахир нега сени бу ерга турғазиб қўйдим? Унинг йўлини пойла, дедим-ку? Тағин бу кишим ўқимишли эмиш! Шаҳарда ўқирмиш! Пальтоси бормиш!.. Битта тулкини ҳам эплаб тута олмайди! Анқов! Сенинг каллаварамлигингни тулки ҳам билган, ҳа! Сени деб итларим ўн чақиримлаб тулки қувди. Қани натижаси? Сенга ишониб ўтирибман-а! Йўқол, кўзимдан! Садқаи одам кет! Бир чақалик нафинг йўқ. Қўй-е! — поччам энсаси қотиб, қўл силтади. Мени оғзига келганини қайтармай роса уришди. Ахири мени койийдиган сўз ҳам қолмади шекилли, у отига миниб, итларини чақирди ва бошқа томонга чоптириб кетди.

Мен турган жойимда серрайиб қолавердим. Поччамнинг айтган аччиқ-тиззиқ гаплари азбаройи жон-жонимдан ўтиб кетган эди. Тулки эса яширинган жойидан қайтиб чиқмади, писиб ётаверди.

Поччам овини давом эттиргани итлари билан бошқа томонга жўнади. Мен томонга қиё ҳам боқмади. Мен эса кўксимда алам билан ўксиб, овулга равона бўлдим.

Ўшанда мен энди одам бўлмайман, мендан болтага соп ҳам чиқмайди, деган фикрга келган эдим. Қўлимдан бир иш келмайдиган ландавурлигимга ишониб қолган эдим. Аксига олгандай, бесамар овдан қайтишда ҳаво бузилаётган, осмонни қора булут қоплаб келаётган эди. Мен адашиб кетишдан қўрқиб, тонгда келган изимизга тушиб олдим. Қор бўралаб ёғаётгани билан ҳали изларимиз унча-мунча билиниб турарди.

Мен уйга қачон етаркинман, деб шошаман. Қор бирдан кучайди. Янги пальтомдан ёғаётган қорларни қанчалик қоққаним билан осмондан ёғиб, инаётган қор аста-секин эгнимга ҳам синга бошлади. Пальтонинг ўзи ҳам анча нам тортар экан...

Эртасига қарасам янги пальтом буришиб, оддий кигиз парчасига ўхшаб, тиришиб, киришиб қолибди.

ЧИН ИСМОИЛ

Чин Исмоил деган одам бундан бир неча йил илгари оламдан ўтди. У ҳаммадан ҳам ҳурликни, озодликни жуда қаттиқ севар, учқур от деса жонини берарди. Ҳаётдан лаззатланиш, маишат қилиш жону дили эди. Ўзи ҳам манаман деган бекдан, хондан хайиқмас — шерюрак эди. Шунинг учун ҳам кўринган одам билан талашиб қолар, кези келганда муштлашишдан ҳам тап тортмасди.

Кейин, у овулимиздаги биринчи дезертир эди. Исмоилнинг нима учун урушдан қочганини аниқ билмайман-у, лекин бир шериги билан урушга бормай яшириниб юргани рост эди. Исмоилнинг қочоқ бўлиб, тоғ-тошларда юрганини болалик пайтимда кўп эшитганман. Одамлар эркакларнинг ҳаммаси фронтга кетди-ю, Исмоил жонини омон сақлаб, қочиб юрипти, деб ошкора айтишарди.

Тўғриси, кейинчалик Исмоилдан сўнг бошқа қочоқлар ҳам пайдо бўла бошлади. Мен бундайлардан иккитасини Грозныйга чўчқа олиб кетаётиб, Кичик довондаги тегирмончининг уйида кўрганман.

Менинг бир нечта ҳикоялардан кейин ёзган дастлабки қиссам "Юзма-юз" деб аталди. Бу қисса мен Москвада ўқиб юрган кезларимда яратилди. Ўшанда мен Максим Горький номидаги Адабиёт институтида таҳсил олардим. Ижодимда дастлаб ярқираб кўзга ташланган "Жамила" ҳам талабалик йилларимда ёзилди.

Мен қирғиз адабиётшуноси, танқидчи Кенешбек Асаналиевни жуда ҳурмат қиламан. У менинг "Кассандра тамғаси" номли асаримни таҳлил қилиб, жуда яхши мақола эълон қилган эди. Мен Кенешбек билан дўстона муносабатдаман. Биз тез-тез учрашиб, ижод, адабиёт ҳақида фикрлашиб турамиз. Кенешбек билан бўлган шундай учрашувлар мени илҳомлантириб, ижодим самарали бўлади.

Мазкур "Юзма-юз" қиссаси битказилган пайт Кенешбек Асаналиев ҳам Москвада эди. Мен эндигина қўлдан чиққан, сиёҳи ҳали қуриб улгурмаган қиссамни бирон кишига ўқитишим, фикрини эшитгим келарди. Бироқ қисса қирғиз тилида ёзилган бўлса, Москвадагиларга қандай ўқиб берардим?

Мен Кенешбекка қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирдим. Биз "Москва" меҳмонхонаси олдида учрашишга келишдик. Биз учрашгач, холироқ жой излаб меҳмонхонага кирдик. Ҳашаматли, кенг меҳмонхонадан тинч, қулай жойни излаб топдик. Сўнг, ўтиришимиз билан, мен гапни-гапга уламай, қиссамни шатирлатиб ўқий кетдим.

Мен икки соат тинмай ўқидим. Кенешбек мени бирон марта ҳам тўхтатмади, кўз узмай, хаёлан воқеа ичига ғарқ бўлди. Ниҳоят, ўқиб тугатганимдан сўнг, қисса жуда яхши ёзилган, дея мақтай кетди. Сўнг тўсатдан:

— Менга қара, ўша Исмоил дегани ростдан ҳам борми? — деб қолди.

Шунда бир воқеа эсимга тушди. Колхоз клубида Исмоил тўғрисида спектакль қўйиларди. Томошанинг қоқ ўртасида икки тараф ўртасида катта жанжал кўтариларди. Исмоил ролини аъло даражада ижро этган актёр Арсен Умаралиев учун жанжал чиқиши жуда муҳим эди. У ўша жанжалда нима қиларини билмай, томоғи йиртилгудек қичқириб, саҳнадан залга сакраб тушар, жанжаллашаётганларни ажратишга ҳаракат қилар эди: "У — менман!", — дерди бор овози билан. "Исмоил — менман! Сизларнинг овулингизданман! Тўхтатинглар жанжални! Мени айблашга ҳам, ҳимоя қилишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Ҳаммасига уруш сабабчи! Фақат урушгина айбдор! Ҳозир мен сизларга ўзим ҳақимда гапириб бераман!" Шундай дея, у яна саҳнага сакраб чиқарди. У бақириб-чақириб, ўзининг Исмоил экани, фронтдан қочишига нима сабаб бўлганлигини тушунтира бошларди. Актёр гапираверар, гапираверар, ниҳоят, томошабинларга ўзининг ўнглангани, ўзгарганини айтарди: "Ҳа, мен Исмоилман! Ҳозир Сибирда турмада ётибман! Озодликка чиқиб, Ватанимга бориб, сизларни, яқинларимни, қариндошларимни, овулдошларимни бағримга босгим, қучоқлагим келади. Ўша кунни соат санаб кутаман. Эркинликка чиққим келади. Қилган бари қилмишларимга афсус-надоматлар чекиб, бу ерда ҳар куни қон йиғлаётирман!"

Ўшанда колхоз клубидагилар узоқ вақтгача тинмай қарсак чалишган эди. Исмоил ўз жазосини ўтаб, туғилган овулига қайтиб келганида, овулдошлари унга бу ердаги гапларни бўлганидай сўзлаб беришади.

Исмоилнинг Сибирдан қайтиб келганлиги ҳақидаги хабарни мен ҳам эшитган эдим.

Уруш йиллари овулда котиб, солиқ йиғувчи бўлиб ишлаб, кейинроқ уни ўз асарига бош қаҳрамон қилиб олган, атоқли ёзувчи бўлиб танилган овулдош — мен ҳақимда Исмоилнинг протопипига ҳам айтиб беришади. У бўлса, ўртоқларига: "Ёзувчидан розиман. Илгари Шакардагилардан бошқа ҳеч ким мени танимасди. Овулдош укамнинг ёзувчилиги туфайли мен ҳақимда ёзилган асар турли тилларга таржима қилиниб, дунёга танилди", деб мендан рози бўлибди.

Ҳатто бир марта менга хат ҳам ёзибди. Хатида: "Мен қочоқ тўғримда асар ёзибсан. Ҳозир икки ўғлим Армия сафида хизмат қиляпти. Биттаси ҳарбий денгиз флотида, иккинчиси ҳам ўша ёқда бўлса керак. Иккала ўғлим ҳам ҳарбий. Тушуняпсанми? Энди бари ўз йўлини топиб кетди", деб иккала ўғлининг расмини ҳам конвертга солиб юборибди.

Ҳақиқатан ҳам у мен кўрган ва билган чин Исмоил эди.

Қиссани ўқиганлар дезертирнинг хотини Саида аввал эрига ёрдам бергани, унга раҳми келганидан бор емишини қочоқ эрга ташигани, бироқ тўрт фарзандли қўшни аёлнинг ёлғиз молини ўғирлаганлиги учун уни ёмон кўриб қолиб, яширинган ғоридан тутиб берар чоғида эри — Исмоил билан юзма-юз келганини яхши биладилар. Китобхон бу сюжетни ўзимнинг машаққатли болалик давримда бошимдан ўтказган воқеаларни Саида ва Исмоил образлари орқали бадиий ифодалаганимни англаб етгандир.

ЖЕРСИ БУҚАСИ ВА ДОЛОНДАГИ МУҲАББАТ

Мен институтни тугатгач, Қирғизистон Чорвачилик илмий текшириш институтига қарашли наслчилик заводида зоотехник бўлиб ишлай бошладим.

Ўша пайтлар "Қизил дуррачали севгилим" ("Сарвқомат дилбарим"). номли қиссам асосида "Довон" деган фильм яратилган эди.

Институт ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориладиган фермамиз қарамоғида махсус боқиладиган, юздан зиёд серсут, наслдор сигирларимиз бор эди. Бу ферма илмий тадқиқотлар натижасида вужудга келган эди. Биз республикада сут етиштириш бўйича олдинги марраларни эгаллаган эдик. Ўша пайтлар мен ўзимча "меҳнат қаҳрамони" эдим. Мен касбимга оид қандайдир тажриба ўтказишни ўйлаб юрардим.

Англия жанубида жойлашган Катта Жерси номли оролда юзлаб йиллардан буён жерси сигири берадиган сутининг миқдори билан дунёга донғи кетганлигини яхши билар эдим. Бу сариқ-жигарранг ола сигир сутининг асосий хусусияти — ёғлилик даражасининг юқорилиги эди. Оддий сигир сути таркибидаги ёғлилик уч ярим фоиз бўлса, буники беш-олти фоизни ташкил этарди. Мен шу ердаги маҳаллий қўтослар билан денгиз ортидан келтирилган жерси қорамолини чатиштириб, иккаласидан янги насл олишни ўйлаб юрардим. Мен бу таклиф-ниятимни катталарга ҳам айтган эдим. Институт менинг таклифимни инобатга олиб, ўзларига тегишли бўлган асосий талабларни бажаришларини билдирди.

Мен жерси буқасини олиб келиш учун Ленинградга, ундан Гатчинага ўтдим. Гатчина Шўроларга қадар чор Россияси подшоларининг оилалари истиқомат қиладиган қароргоҳ саналар эди. Иккинчи жаҳон урушида асл, зотдор молларнинг бари шу ерга олиб келинган ва асралиб, бошқа томонларга тарқатилган эди. Мен кашф этмоқчи бўлган янги насл тоғ шароитига кўникувчан, совуққа чидамли бўлиши керак эди. Бизнинг қўтосларимиз оппоқ қор, абадий муздик билан қопланган тоғларда яшаб, кескин иқлим шароитига мослашган. Тажрибамдан мақсад эса ана шу шароитда сутни кўпайтириш ва ёғлилик даражасини ошириш эди.

Қўтослар Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистондагина мавжуд бўлиб, юқорида айтганимдай, бу жойларнинг кескин иқлим шароитида яшай оларди. Бироқ битта айби — сутни оз берарди.

Шундай қилиб, биз жерси буқасини мол ташишга мўлжалланган вагонга чиқариб, Қирғизистон томон йўл олдик.

Ўн кун йўл юриб, манзил — Жамбул бекатига етиб келдик. Бу ерда бизни тантана билан кутиб олишди. Иззат-икром билан институт фермасига ҳам етиб келдик. Энди олдимизда бир ташвиш турарди, у ҳам бўлса, биз олиб келган асл наслдор буқадан қочириш учун жуда бўлмаганда, ўн-ўн бешта урғочи қўтос керак эди. Мен улар олиб келингандан кейингина тажрибани бошлай олардим.

Биз яшайдиган ерларда қўтос бўлмас, шунинг учун иккита КамАЗ автомашинаси билан Тянь-Шань сари сафарга отландик. У пайтлар Тянь-Шань йўли, айниқса, Долон довони ҳозиргидай эмас, типпа-тик ва тор, бурилишлари қўплигидан, жуда хавфли саналарди. Бугунгидек шағал ётқизилган, асфальтланган йўл қайда... Мен шу йўлда биринчи марта кажава судраган КамАЗни кўрганман. Кейин билсак, машина Хитойга кетаётган экан.

Йўл олис бўлганлиги учун Долонда тунаб қолдик. Тунаган уйимиз хароб, йўл чеккасида атайин йўловчилар учун бир амаллаб қурилган кулба эди. Бу ерда бир жувон чироқни ёқиб, ётишга жой солиб берди.

Катта хона ичига бир нечта каравот қўйилган. Уларнинг аксарияти бўш турарди. Бир бурчакда икки ҳайдовчи оёғида тура олмайдиган даражада маст бўлиб ўтиришарди. Мен ётадиган каравот уларнинг ёнида эди. Улардан бири ҳалиги кажавали КамАЗнинг ҳайдовчиси экан. Улар мени назар-писанд қилмай ўзаро бақириб гаплашмоқда эдилар. Мен истасам-истамасам уларнинг гапларини тинглашга мажбур эдим.

— Мана шу довоннинг қоқ тепасида менинг севгилим яшайди. Бироқ у менга қиё ҳам боқмайди, — деб бири иккинчисига арзи ҳол қилмоқда ва ўз муҳаббат қиссасини ҳикоя қилмоқда эди.

Бу кажавали КамАЗ ҳайдовчиси эди. У ўз севгилисини сира унута олмаётганлиги, ҳар сафар мана шу довондан ўтганида ўша дилбарни кўришини, қизга қандай муҳаббат қўйганини, қалбидаги бу муҳаббат қандай аланга олганини бир бошдан гапириб бермоқда эди. Унинг бошидан кечирган ҳам ширин, ҳам изтиробли ва армон тўла ушбу муҳаббат тарихи менга жуда-жуда таъсир қилди.

Ҳа, мен ўшанда баланд тоғлар томон бошқа бир вазифа важидан отланган эдим. Бироқ айнан ўша йўлда "Сарвқомат дилбарим"ни топган ва бу асарга пойдевор бўлган бир тақдир билан учрашган эдим.

ЖАМИЛА БИЛАН ДОНИЁР

Мен Москвада Максим Горький номидаги Адабиёт институтида ўқиб юрган кезларим "Жамила"ни ёздим. Қисса дунёга келган макон ҳам яхши ёдимда. "Жамила" Тверь хиёбони яқинидаги ижарахонада оқ қоғозга туширилган. Мен ҳар гал шу уй ёнидан ўтар эканман, унинг дераза-ларига қарайман, беихтиёр 1956-58 йиллар — иккинчи талабалик даврим-нинг унутилмас, ажойиб кунлари ёдимга тушади.

Қисса дастлаб "Обон" деб аталган эди. Албатта, бу ном Жамила билан Дониёрнинг йўлда аравада бирга кетаётиб, кўнгилдаги туйғулардан тўлқинланиб, ўз-ўзидан пайдо бўлган муҳаббат қўшиғи оҳанги — шундан олинган эди.

Бугун мен радио, магнитофони бор машинага ўтириб қолганимда, беихтиёр мана шу ҳолатни ўша Жамилалар даврига солиштира бошлайман. Киши йўлда кетаётиб, истаган мусиқасини тинглай олиши қандай ажойиб! Бироқ ҳозир шаҳарда ғизиллаб юрган машиналардан эшитилаётган мусиқа қулоқ тутсанг, у ё рок, ё поп, ё эстрадага алоқадор чиқади. Мабодо, мен яхши кўрган Дониёрим ҳозирги даврда яшайдиган бўлиб қолса, рок-попга кўмилган автоуловлар ичида ўтирган севишганларга раҳми келиши аниқ, деб ўйлайман.

Техника тараққиётининг салбий томонлари кўп. Тайёр мусиқа, кассета, дисклар инсоннинг нозик ички кечинмаларидан пайдо бўладиган, ажойиб туйғуларидан дунёга келадиган оҳангларни сиртга чиқариш имкониятини чеклаб қўймоқда, дейярли йўқ қилмоқда. Манави беминнат радио куйлаб турса, йўловчи хиргойи қилармиди?.. Илгари йўлда кетаётган одамларнинг ўзлари куйларди. Висол соғинчи, муҳаббат қўшиқлари, фалсафий қўшиқлар кишиларнинг кўнгил кечинмаларидан, жунбушга келган дил туйғуларидан дунёга келарди. Бундай мутаассир кўнгилда қанча-қанча янги оҳанглар, қанча-қанча ҳислар туғёни жўш уришини энди ким изҳор қила олади? Кишиларнинг кўнгил кечинмаларидаги турли ўзгаришлар, янгиланишлар, завқ-лаззат ана шу хиргойида акс этади.

Ҳар бир нарсанинг ўз вақти, ўз манзили бўлади. Дониёр учун йўл — қўшиқ манбаи, тиниқ, тоза муҳаббатини туғёнга келтира оладиган мўъжизавор оҳанглар чашмаси...

Зеро, мен бу асаримни ҳам турмушдан андоза олиб ёзганман. Мен асар ёзаётганимда ҳамиша Иккинчи жаҳон уруши хотиримга келади. Бу уруш нафақат биз, балки бутун инсоният учун улкан фожиа, катта жудолик, унутилмас ҳодиса бўлди. Агар бу уруш инсонларни ўлимга маҳкум этди, очлик-яланғочликка мубтало қилди, десак, у келтирган балою кулфатлар сонини камайтирган бўламиз. Бу уруш айни ўша жамиятда яшаётган инсонлар маънавиятига ҳам тажовуз қилди, асрлардан буён шаклланиб келаётган эзгу қадриятлар, урф-одатларни топтаб ташлади.

Урушдан аввал турмушга чиққан келинчаклар куёвлари жанг майдонига жўнашлари билан эркин қуш бўла олмаган эдилар. Аввало, қиз бола турмушга чиққанидан кейин, борган жойида тиниб-тинчиб кетиши керак. Қолаверса, куёви фронтда қурбон бўлиб, ўзи бева қолса ҳам, уни қайнота-қайноналари қўйиб юбормаслик учун ҳаракат қиларди. Айниқса, жувон фарзандли бўлиб қолса, унинг ўзи ҳам ота уйига кетишни хаёлига келтира олмас эди.

Ўша пайтлар турмуш, жамиятнинг ёзилмаган қонунлари ана шуларни тақозо этарди. Бироқ касофат уруш мана шу қоидаларни ҳам бузиб юборган ҳоллар бўлди. Қариндошларимиз ҳаётида рўй берган бир воқеа "Жамила"ни ёзишимга туртки бўлди.

Узоқроқ қариндошимизнинг иккала ўғли ҳам фронтга кетган эди. Тўнғич ўғил ҳарбийга жўнашидан бир оз олдин уйланганди. Ўшанда уруш бошланишига яқин қолган экан. Қариндошимиз ёши етмаёқ армияга олинди. Асардаги Жамиланинг куёви образи ана шу йигитдан олинган. Шуниси ачинарлики, ака-уканинг бирови ҳам урушдан қайтмади.

Жамиланинг прототипи шоирабиат, шўх-шаддод, ёш келин-

чак бўлган. У шакарлик эмас, қўшни Кўксой овулидан келин бўлиб тушган эди. Бизга бунинг аҳамияти йўқ. Элимиз, ҳатто қўшни Қозоғистондан ҳам қиз олиб, қиз беришарди. Жамилани қайси оиладан мисол қилиб олганим ҳозир эсимда йўқ. Уруш йиллари келинчакларнинг ёмонотлиқ бўлмаслиги — унинг эри оиласидагиларга сидқидилдан хизмат қилиши, турмуш ўртоғига содиқлиги, барча урф-одатларни рисоладагидек адо этишига боғлиқ эди.

"Келин" деган сўзнинг ўзи билдирганидай, "кел", "бизга кел" деган маънони англатади. Оилага кейин келган, яъни янги қўшилган одам шундай аталади. Бир оиладан бошқа уйга тушган қиз ўша уй, овулга келин бўлади. Келин табиатини тушган жойининг урф-одатига мувофиқлаштиради, уларнинг одатларини ўрганади ва бора-бора шу овул одамлари ичига сингиб кетади.

Ўша пайтлар овулимизга фронтнинг дастлабки ярадорлари кела бошлаган эди. Бундан ташқари, немислар босиб олган ерлардаги халқ ҳам юртимизда эвакуация қилинган эди.

1942-43 йилларда биз томонга асосан Кавказ томонларда яшаганлар сургун қилинганди. Уларнинг орасида чеченлар, қорачойлар, черкеслар ва болқорлар кўпчиликни ташкил этарди. Бу халқнинг бир қисми Сибирга, бошқалари Ўрта Осиёга мажбуран кўчирилган эди. Шўронинг "адолатли" хукумати бу халқ тортган азобу машаққатларни "Тарихий Ватанига қайтиш" сифатида изоҳлаган эди.

Шакарга кетма-кет ярадорлар келар эди. Улар орасида болалар уйлари тарбияланувчилари ҳам бўлган.

Дониёрнинг прототипи ҳам ана шундай эвакуация қилинган аскарлардан бири эди. Янглишмасам, у Қозоғистонда туғилган, болалар уйида ўсиб, вояга етган йигит эди. У ёш бир ўспириннинг улар орқасидан пойлаб, ошиқ-маъшуқлар муҳаббатини кузатиб, уларнинг суҳбатларига қулоқ тутиб юрганини қайёқдан ҳам билсин? Бундан ташқари, мен ҳам ўшанда унча кўзга ташланмаган, биров назарига ҳам илмайдиган бир болакай эдимда... Бироқ мен ўзим истамаган ҳолда уларнинг муҳаббатлари гувоҳи бўлдим. Баъзан Дониёр Жамилани, баъзан эса Жамила Дониёрни кутар эди. Иккалови бирга юк аравага тушиб олиб, дала томон кетишарди. Кимсасиз далада иккиси доим бирга эдилар. Кунлардан бир кун шов-шув бўлди, тўполон кўтарилди. Эмишки, бизнинг келинимиз фронтга кетган эридан тонибди, қайнота юртини ташлаб, кечаси "оқсоқ Дониёр" билан қочиб кетибди...

Мен бу гапни Қорақиз аммамдан эшитдим. Аммам нафратланиб, ғазаб билан шундай деди:

— Улар анчадан буён эр-хотиндай яшаб юришган экан!

— Энди билибсизлар-да! Кўзингларни очибди-да! — дедим мен ҳам тилимни тиймай. Шунда аммам бақира кетди:

— Ё тавба, қандай шармандагарчилик, қандай иснод! Эри фронтда қон кечиб юрса-ю, хотини бу ерда уни кутмай, аллақандай тайини йўқ бир ялангоёқ билан қочиб кетса?! Юзимизни ерга қаратди! Шарманда! — у шундай дея менга яқинлашди. — Нима, сен буни билармидинг?! Уларнинг ёнига кириб юрган экансан-да!

Мен лом-мим дея олмай қолдим.

Жамила билан Дониёр даладан буғдой ташир эдилар. Баъзан учаламиз бирга ишлаб қолардик.

— Яқиндагина Дониёрни бозорда кўришибди! Балки ҳозир улар темир йўл станциясига қараб кетаётгандир. Тур, югур, бориб Жамилани топ! Уларга бу ишларининг оқибати ёмон бўлишини айт! Жамила қайтиб келсин! Биз уни кечирамиз! — деб тезлади аммам мени.

Мен улар изидан станциягача бордим. Дарҳақиқат, уларни шу ердан топдим. Улар қўл ушлашиб кетаётган экан. Орқаларидан боришга уялдим. Ҳижолатдан нима дейишимни ҳам билмай, серрайиб туриб қолдим.

Жамила мени кўрди, уялаётганимни дарров сезди:

— Нима бўлди? Сени орқамиздан юборишдими?

— Ҳа. Сени орқасига қайтсин, дейишяпти, — дедим мен ерга қараб.

— Овора бўлма. Сизларни ҳам тушунаман... Бироқ мен энди қайтмайман. Мен энди бу киши билан яшайман. У қаерга борса, мен ҳам бирга бораман...

Жамила менга шундай деб жавоб берди. Ҳа, шундай деди.

Мен уйга келиб, бу гапни аммамга айтдим. У аламидан чидай олмай Жамилани қарғай кетди...

Сўнг, навбат менга келди, аммам мени ҳам аямади...

"Жамила" қиссаси босмадан чиққанда, ўзимизнинг бир таниқли ёзувчимиз асарни қаттиқ танқид остига олди. Қиссамни партия йиғилишида, жамоатчилик олдида ер билан яксон қилди. У ўзининг қиссага қўйган талабида адабий асарлар ғояси ва моҳиятини коммунистик партия сиёсатига мослаштириш кераклигини уқтираркан, социалистик реализмдан узоқлашмасдан, ғоянинг асосий йўналиши қандай бўлиши кераклигини уқтирди. Пировардида, у оиланинг ажралишуви коммунистик партия томонидан муҳокама этиладиган жиддий нарса эканлигини тушунтирди. У партия оила мустаҳкамлигини сақлашдан манфаатдор эканлигини таъкидларкан, ниҳоят, менинг қиссамда ана шундай ғояларга мос келмаган сюжет мавжуд эканлигини гапирди.

Ўша пайтлар бирор-бир одам хотинини ташлаб кетса, ҳайфсан олар эди. Партиядан ўчирилиб, ишдан ҳайдаларди. Агар адабий асарларда жамиятдаги шу каби ҳолатлар фақат қора бўёқларда, салбий қаҳрамон сифатидагина акс эттирилиши шарт эди. Менинг қиссамда эса бунинг тамомила тескариси тасвирланган.

Қиссани ёзаётганимда бундай ҳолатлар тўғрисида ўйламаган эканман. "Жамила" босилиб чиқиши билан бизда ҳам, чет элларда ҳам асарга катта қизиқиш пайдо бўлди. Жойларда ана шу қиссам муҳокама этиларди. Дўст замондошларим менинг бундай кутилмаганда эришган муваффақиятимни кўра олмасдан, анчагача қийналиб юришди. Улар менга асарим тўғрисида ҳеч қандай фикрлар айтишмасди, фақат "классик" ёзувчиларимизгина...

Бир марта ана шундай "классик"лардан бирининг танқидий гапларини ўз қулоғим билан эшитганман.

Вақти-вақти Ёзувчилар союзи партия йиғилиши ўтказиб турарди. Партия рухсатисиз ҳеч ким Ёзувчилар союзига аъзо бўла олмасди. Шунинг учун ҳам ҳамма аввал партияга аъзо бўлар, сўнг партия йўлланмаси билан Ёзувчилар союзига қабул қилинарди. Ёзувчиларнинг партия йиғинларига масъул лавозимли давлат арбоблари ҳам келарди. Улар меҳнаткаш халқни қандай қилиб социалистик руҳда тарбиялаш, улар учун қандай асарлар яратиш керак, соцреализм руҳида ёзилган асарларга қандай баҳо бериш кераклиги каби масалаларни муҳокама қиларди.

Ўшанда тўсатдан "классик"ларимиздан бири минбарга чиқди. Мен ҳам ўша йиғилишда ўтирардим.

— Мана, биз, эрталабдан буён ёш ёзувчиларни меҳнат руҳида қандай тарбиялаш кераклиги тўғрисида фикр алмашяпмиз. Бироқ улар нотўғри йўлга тушиб олган, ўзларича янглиш пойдевор яратиб, адабиётни заҳарлаётган бўлса, ёшларни қандай тарбиялайлик? Яқинда мен Иссиққўлга сафар қилдим. Мен бирон колхозда меҳнаткаш халқнинг қандай ишлаётганини кўриб, улар билан фикр алмашиб, яқиндан танишмоқчи эдим. Шундай қилиб, йўлда кетаётсам, орқамдан от-аравали бир киши чиқиб қолди. Мен унга йўл бердим. Шундай бўлса-да, аравакаш отининг сўлиғини тортди. Аравага яхши отлар қўшилган экан. Мен унинг колхознинг бообрў одамларидан эканлигини дарров фаҳмладим. У менга: "Ҳой, бой ака, йўл бўлсин?" — деди. Мен: "Колхоз меҳнаткашларининг турмуши билан яқиндан танишиш учун шийпонга кетаётибман", — деб жавоб бердим. "Ҳа, мен энди сизни танидим. Сиз ўша фалончи деган атоқли ёзувчисиз-а?" Мен: "Ҳа, худди ўзиман", дедим. "Келинг, аравага ўтиринг! Қаерга десангиз, ўша ёққа олиб борай. Нимани хоҳласангиз, кўрсатаман", деганидан сўнг, мен аравакашнинг ёнига ўтирдим.

У бир маҳал менга тикилиб: "Сиз ёзувчисиз-а, унда Айтматовни танирсиз?" — деб қолди. "Албатта танийман", дедим мен. "Ундай бўлса, унга агар мен уни кўриб қолсам аямай савалашимни айтиб қўйинг", деди. "Нима учун?" —десам, у: "Жамила ҳақида бир нималар, деб валдирабди. Хотин эри фронтда юрса, бошқа эркак билан қочиб кетар эмиш. Қаранг-а! Шундай деб ҳам китоб ёзадими ахир?! Мана элнинг фикри!", — деб сўзида давом этди "классик" ёзувчимиз. "Мен сизларга одамлардан эшитган гапларни айтяпман. Мана, ўша ёзувчининг ўзи ҳозир биз билан шу ерда ўтирибди. Афсуски, ҳозир қўлимда қамчи йўқ. "Жамила"дан ейдиган калтагини ҳозир мендан оларди!" — деб сўзини тамомлади.

Мен жон-жонимдан ўтиб кетса ҳам, нима қиларимни билмай, ноилож шу сўзларни тинглаб ўтирардим. Одамларнинг

ҳаммаси менга ўгирилиб қарар, ҳаҳолаб кулишарди. Баъзилари мени туртиб, чимчилаб ҳам қўйди. Баъзилари эса:

— Тўғри! Бундайларга қамчи эмас, тўқмоқ керак. Элни бузган шулар-ку. Бу буржуазиянинг таъсири! Синфий душманлар ана шундай бош кўтаради-да! — деб ҳайқирди.

Уларга жавоб бермасдан, ноилож кулиб қутулдим. Лекин чинини айтсам, бу воқеа умрбод юрагимда ўчмас из қолдирди...

Шундай бўлса-да, "Жамила" эълон қилингач, тез суръатда халқаро майдонда бахти чопди. Қисса илк марта рус тилида Москвада "Новый мир" журналида босилиб чиқди. Ўша пайтда журналнинг бош муҳаррири шоир Александр Твардовский эди. XX аср рус адабиётининг улуғ вакили билан узоқ йиллар давом этган дўстлигим мана шу "Жамила"дан бошланганди. Твардовский ўша пайтлар жамоатчилик эътиборини қозонган ажойиб инсон эди. У зиёлилар орасида демократияни тарғиб қилган, собиқ СССР давлати якка ҳокимлигидан қутулиш керак, деган ғоя тарафдори бўлган атоқли шахс, ниҳоятда зукко инсон эди. У қайси йўналишда, қандай асар бўлмасин, аввал ўзи кўриб, кейинги тақдирини ҳал қилиб берарди.

Хуллас, ўша даврда шундай парадокс, яъни соғлом ақлга зид фикр мавжуд эди. Айтайлик, жамиятда қандайдир бирор-бир сиёсий ўзгариш бўлса, шахс ўз фикрини билдирмасдан, уни чурқ этмай маъқуллаши керак эди. Мабодо, асар яратдинг дейлик, энди, албатта, бирорта тўсиққа дуч келишинг тайин эди. Бироқ адибнинг юқорида қўллаб турадиган одами бўлса, нима ёзса, тўхтовсиз чиқаверарди. Ана шундай шароитда ижодкорларнинг тоталитар-буйруқбозлик тартиби қурбони бўлиб қолмаслигига Твардовский сингари дадил, жасур шахслар катта ёрдам берганлигини хотирадан чиқариб бўладими?!

Мен "Жамила"дан аввал бундай партиявий муҳокамаларга, танқидий фикрларга дуч келавериб, пишиб қолган, яхшигина тажриба орттирган эдим. Айтишларича, "Юзма-юз"имнинг қаршиликка учрамасдан кенг жамоатчилик томонидан яхши қабул қилиниши, аввало, асарнинг Москвада "Октябрь" журналида эълон қилиниши билан боғлиқ экан. Ўша пайтлар ушбу журналнинг бош муҳаррири Парфенов эди. Давр шундай эдики, агар бадиий асар Москвада эълон қилинса, жамоатчилик уни танқид қилмасдан, индамай қабул қилар, иш силлиқ кўчарди.

Ўшанда ҳам, дезертир Исмоил билан унинг хотини Саиданинг фожиали тақдирига турли танқидий фикрлар билдирган ўз ватандошларим, ҳамкасбларим "ўзимдан чиққан бало" бўлганлигини кўриб, энди "қайга борай даъвога" дегандай, ҳайратдан ёқа ушлаганман. Бироқ мен юрагимга таъсир қилган бўлса-да, буларнинг барини ҳам ўзимга жуда яқин олган эмасман.

Юқорида айтганимдек, "Юзма-юз" Қирғиз драма театрида саҳналаштирилди. Асар санъатнинг бошқа турига кўчганда ҳам қирғиз танқидчилари тинч ўтиришмади, уни тоза топташди. "Қани, бизнинг типик қаҳрамонларимиз, урушда ғалаба қозонган ғолиб ботирларимиз? Ҳақиқий қаҳрамонлар, мангулик жасоратини кўрсатганлар қани? У пайтлар қочоқлар дарров ушланиб, қатл этиларди. Айтматов бўлса, аллақандай бир дезертирни фожиавий шахс сифатида тасвирлаб ўтирибди. Янглишмасак, у бизга аслида тўғри иш қилди, деб қочоқни ижобий қаҳрамон қилиб кўрсатгиси келяпти. Агарда Айтматов ана шундай ғояларни олға сураверса, ўзининг антисовет ўй-фикрлари билан бизни қаёқларга етаклаб кетаётганлигини яхшилаб ўйлаб олганимиз маъқул!" — дейишди.

Шундай бўлса-да, қиссанинг тақдирида аввалги хавф-хатар йўқ эди. Чунки асарнинг омади чопди, қисса Москвада нашр қилинди. Бу ҳол бизнинг ёзувчиларимизга бошқача таъсир қилди.

"Жамила"м ҳам ўз йўлида кўплаб тўсиқларга, қийинчиликларга дуч келди... Боя айтганимдек, "Новый мир" журнали бош муҳаррири мени шахсан қабул қилди. Мен учун мазкур қабул — аввало сидқидилдан қилинган суҳбат, яқиндан танишув, фикрларнинг бир жойдан чиқиши билан умрбод хотирамда муҳрланиб қолди. Мана шу учрашувимизда Александр Твардовский менга қиссанинг "Обон" деган номини ўзгартириб, бош қаҳрамоним номига "Жамила" деб аташимни таклиф қилди. Унинг ўшанда нима учун бундай қилишим кераклигини айтган бўлса ҳам керак, ё буни айтмадими, униси эсимда йўғ-у, аммо мен асарнинг "Жамила" деб аталишига жон-дилим билан рози бўлдим.

Твардовский ўшанда компартияни ўзига паноҳ қилиб олиб, адабиёт оламида юрган мансабдор кишиларнинг қотиб қолган, тоталитар ўй-фикрларига қарши тура олиб, уларни четлаб ўтиб, муайян стратегияда туриб ёзиш кераклигини менга яхшилаб тушунтирган эди. У яна менга доимо асарларимни икки тилда: рус ва қирғиз тилларида ёзишни, аввал Москвада русчасини чиқариш, жамоатчиликка ҳам шу тилда тарқатиш маъқул бўлишини маслаҳат берди. У Москвадан бошқа жойлардаги партократлар дўппини ол деса, каллани қўшиб олишларини ҳам айтган эди.

"Алвидо, Гулсари" қиссамни ёзганимда, Твардовский ўша айтган гаплари башорат экани, бари тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Агар мен шундай оқилона стратегия билан иш кўрмаганимда эди, менинг "Гулсари"м туғилмай туриб, куни битар эди...

ИЧКИ ОЛАМДАН АКС-САДОЛАР

Биз баъзида кундалик турмуш паст-баланди билан овора бўлганимиз ҳолда, ўзимизга таниш сўзларнинг аслида қандай маъно англатаётганлигига эътибор бермаймиз. Сўнг орадан маълум вақтлар ўтиши билан тафаккуримиз ўша эски замонда қолган бўлади, натижада биз ҳозирги давр билан тафаккуримизнинг ўзгарганлигини, айни ўзгаришлар билан бирга қандай тажрибаларга эга бўлганимизни ҳам сезмай қоламиз.

Баъзан ўша даврга боғлиқ кўп нарсалар хотиримиздан фаромуш бўлади, унутилади. Ҳатто бу унутиқлар тарих саҳифаларига ҳам кирмай, оддий ўтмас матоҳ каби ғойиб бўлади. Эҳтимол, ўтган даврлардан қолган дилбар эсдаликларни умрбод хотирада сақлаш ёки уларни абадий асраш учун тинимсиз кураш олиб бориш керакдир? Ахир, ақл давр билан ўлчанмайдими?

Болалик ва ёшлик даврларим учун қирғиз халқ оғзаки адабиёти олдида жуда қарздорман. Мен турли аймоқнинг ўзигагина мансуб урф-одатларига мослаштирилган оғзаки адабиётнинг ашаддий мухлиси эдим. Оғзаки адабиёт ўз замонида кишиларга роҳат бахш этган, ҳаётларига завқ берган. Мен кейинчалик, халқ урф-одатлари, анъаналари, қўшиқларидаги фалсафани, ишонч, орзу-умидларни, табиат билан узвий боғлиқликни илғай олдим. Ана шу қўшиқлар замирида муайян даъват, бирон-бир вазифани етказиш, топшириш ҳислари яширинган бўлиб, бу инсониятни ҳеч қачон қониқтирмаган, абадийга, умрлик қарзлар саналади.

Мен учун "Экин экиш айтишуви" бир муқаддас дуо, замонавий қилиб айтганда, манифест бўлиб янграйди. Оталаримиз ўзларининг бу фоний дунёдаги қарзларини мазкур қўшиқ орқали туйганлар ва уни янада шакллантирган бўлсалар ажаб эмас. Мен учун мана шу оталаримиздан қолган мерosларнинг бари қутлуғ ва табаррукдир.

Ҳозир ғалланинг нон бўлгунига қадар сарфланган меҳнатни ким билади ва буни ким ҳис қила олади ёки нонга етишиш учун заҳмат чеккан, интилган халқлар заҳматини ким билиб, ким қадрлай олади?

Ҳа, нон — маълум миқдор пул билан доимо сенга бериб туриладиган жисм, уни дўконга бориб, пулингни санаб топширасан-да, оласан, тамом. Энди қадимий қирғиз деҳқонининг экин экаётган пайтдаги қўшиғига қулоқ тутинг. Шунда унинг ўз касбига оид шундай кўп билим, маълумотларни билганидан ёқа ушлайсан, киши. Деҳқоннинг шунчалик зукко, туғма билимдон эканлигига қулоқ тутинг, биродар...

Довон қаршисида, ёки шамолга қилинган мурожаат қўшиғида халқ ижодига хос қандай фалсафа мавжуд? Бугунги китобхонларимиз табиатнинг инсон руҳиятига кўрсатадиган таъсирини унчалик ҳам назарларига илмайдилар. Бу ҳаракатлари билан улар кундалик турмушдан ана шундай буюк хазинани нари суриб, узоқлаштираётганга ўхшайдилар. Балки улар ўтган ота-боболаримизнинг ақл-заковатлари, сезги-фаросатлари замирида қандай сирлар яширингани билан ишлари бўлмаётганлиги ана шундандир...

Қирғиз тилидан
***Тўланбой ҚУРБОНОВ** таржимаси*

ТУРСУН БОБОНИНГ БОҒИ

...Ер тошлоқ бўлгани учун кўчатларнинг авж олиши ҳам қийин кечмоқда. Чамамда, уларнинг илдизи эмин-эркин қулоч очолмаётир. Бунинг устига ўтган йилги совуқ қаттиқ таъсир қилди, сув қийнади, ёнгингарчилик кам бўлгач, қудуқдаги сув ҳам тортилиб қоларкан. Ёз чилласига бардош бера олишмади. Тепадан қуёш иссиғи уфуради, тошлоқ ер мисоли тандирдек қизиб кетади. Боғлар сарғайиб дув тўкила бошлади..." Турсун бобо ва шерикларининг тинчи бузилди.

Дарҳақиқат, бугунги ҳикоямиз қаҳрамони Нурота туман "Нуроний" жамоатчилик маркази раиси Турсун бобо Эргашев бошлиқ қариялар "Газғон" ширкат хўжалигидан шу 10 гектар ерни ҳамда яқин ўртада жойлашган ҳудудни 25 йилга ижарага олиб, савоб ишга қўл уришганда олдиларида турган синовларни дилдан ҳис этишганди.

Ривоят қилишларича, Анушервон бир кун шикорга чиқиб, саҳрони айланиб юрганида ёнғоқ кўчати экаётган бир чолни кўриб қолибди.

— Ҳой, мўйсафид, нима қилаяпсан? — деб сўрабди ундан.

— Худо подшоҳга узоқ умр берсин, ёнғоқ экаяпман, — дебди.

— Сен қари бир одам бўлсанг, бу дарахт қачон вояга етиб, қачон ҳосил қилади? — дебди шоҳ.

— Бошқалар экдилар биз едик, биз экамиз бошқалар ейишади, — дебди чол.

Анушервон бу сўзга таҳсин ўқиб, "Офарин" дебди. Агар Анушервонга бирор нарса ёқиб қолса: "Офарин!" деркан. Шунда ўша одамга тўрт юз дирҳам пул беришаркан.

— Ҳеч кимнинг дарахти мен экканчалик тез ҳосил бермаган, — дебди чол.

Анушервон яна "Офарин", дебди.

Мўйсафидга яна тўрт юз дирҳам беришибди.

— Подшоҳнинг назари тушгани учун ҳам бу дарахт бир йилда икки мартаба ҳосил берди, — деса, Анушервон яна "Офарин" деб юборибди...

...Қуёшнинг жазирамаси ва сувсизликка бардош беролмай дув тўкилиб, қовжираб қолаётган ёш кўчатларнинг баргига қараб Турсун бобонинг кўзига ёш келгандек бўлди. Аммо бу кўз ёшлари эмас, балки икки йиллик меҳнатнинг аламли изтироблари эди. Кўз олдига уруш йиллари келди.

Ҳар сонияда ажалга рўбару келишади. Аммо ҳеч қачон ўлим уларни ваҳимага сололмаган. Доим олға босишган. Ғалабани таъминлаган ҳам уларнинг букилмас иродаси, сабот ва матонати эди. Бугунги синов муаммолар олдида бош эгиш Турсун бобога сира тўғри келмайди.

— Чидаб туролмадим, — дея сўз бошлади биз билан суҳбатда Турсун бобо, шерикларим Ҳамро Иброҳимов, Остона Қурбонов, Кенжа Шукуровлар билан маслаҳатлашиб туман ҳокими ҳузурига ёрдам сўраб кирдик. Саксонни қоралаган нуронийларнинг ғайрат-шижоати ҳокимни руҳлантириб юборди. Телефонда вилоят "Оби-ҳаёт" ташкилоти раҳбари билан гаплашиб, уни бизга ёрдам кўрсатишга кўндирди. Мутахассислар келиб қудуқни яна 50 метрча чуқурлаштиришди. Сув кўринди. Насос ўрнатиб, сувни тортишди. Суғоришни кеча-кундуз давом эттирдик. Сентябрга келганда дарахтлар қайта барг чиқарди. Бу биз учун катта ғалаба эди.

Хуллас, Турсун бобонинг тошлокда боғ яратишдек савоб иши, кўплаб инсонларни саховатга ундади. Навоий кон-металлургия комбинати директори Николай Иванович Кучерский боғ атрофини сим тўсиқлар билан ўраб, қишлоқ отахонлари учун боғ ичидан "Нуроний" номли чойхона қурдириб берди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги раҳбарлари ташаббуси билан боғда томчилаб суғориш йўлга қўйилди. Бу эса келажакда уни янада кенгайтириш имконини яратди.

Биз юқорида қайд этиб ўтган ривоятимизда мўйсафид боғининг меваси сифатида тўрт юз дирҳам билан подшоҳ томонидан сийланди. Шу ўринда Турсун бобо яратган боғ ҳам муддатидан анча олдин ҳосил бера бошлади, десак асло муболаға бўлмас.

— Ишни бошлаган йилимиз Шредер номли боғдорчилик институтининг Самарқанддаги филиалидан 500 туп кўчат олиб келиб, экдик, — дея ҳикоясини давом эттирди Турсун бобо — Сиз кўриб турган бугунги боғ ўзўзидан бўлган эмас. Ҳар йили янгиянги навлар билан тўлдириб борилди. Иккинчи йили 100 туп ёнғоқ, 100 туп шотут, 50 туп гилос, шафтоли кўчатлари олиб экилди.

Эндиликда фақат олманинг ўзидан 850 туп бор. Ўтган йили Фарғонадан олма гилоси, Бухородан ток кўчатлари келтирилиб ўтказилди. Ҳозирда улар томчилаб суғориш йўли билан парваришланмоқда. Ҳаммамиз ҳам шу юрт куйида юрибмиз, яшаган жойимиз обод бўлса, озми-кўпми, эл дастурхонига ҳисса қўшсак, деган ўй бизни ундади бунга.

Саксон икки ёшни қаршилаган Турсун бобо ҳали бақувват. Режалаштирган ишлари кўп, ҳаммасига улгуриш керак. Отахоннинг ишларига ҳавас билан қараб, қиру адирларда боғ яратишга бел боғлаган шогирдлар ҳам пайдо бўлди. Ҳадемай, Ғазғон қўрғони бепоён боғ-роғлар қуршовида қолса, ажабмас...

Меҳр ва мурувват йилида Турсун бобонинг режалари улкан. Боғнинг асосий қисми мева бермоқда. Ҳаражатлар ўрнини аста-секин даромад эгалламоқда. Аввало, бармоқ билан санарли қуролдош дўстларни ҳолидан хабар олишни канда қилмайди. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб туради. Қўлидан иш келадиган тенгқурларини савоб ишга бош қўшишга ундайди. Боқувчисини йўқотган, муҳтож оилалар ҳолидан ҳамиша хабар олиб туради.

"Яхшидан боғ қолади...", дейди халқимиз. Зеро, Турсун бобо яратган боғидан ташқари, қобил фарзандлари билан ҳам фахрланса арзийди. Отахоннинг 6 ўғил, 1 қизи бўлиб, барчаси олий маълумотли, уйли-жойли. Бири ўқитувчи бўлса, бири қурувчи, яна бири тадбиркор. Энг асосийси, улар ҳам ўз оталари каби "Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилмоғи керак", деган нақлни ўзларига дастуруламал қилиб олишган.

Улаш НУРМОНОВ,
Бахтиёр ТЕМУР

ЧЎЛДАГИ ГИГАНТ КОРХОНА

Биз тушган машина Қизилқум саҳроси сарҳадлари бўйлаб елдек учиб бораркан, ана шу бепоён саҳро номи билан аталувчи цемент заводини кўз ўнгимга келтирдим. Уюм-уюм цемент қоришмалар, чанг-тўзонга беланиб ишлаётган ишчилар, тупроқ-тошлардан оёқ босгулик ернинг ўзи йўқ. Бирдан оёғимдаги янгигина туфлига қараб, бошқа пойабзал олсам бўларкан, деб қўяман ичимда.

Эртакларда тасвирлангандек қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу саҳро ўртасида узоқдан қадим минораларга ўхшаган қувурлар кўрина бошлади. Сал ўтмай, фаолияти ҳақида ёзишим лозим бўлган улкан корхона ёнига келиб тўхтадик. Бизни бу ерда меҳнат ва атроф муҳитни муҳофаза этиш бўйича бош муҳандис ўринбосари Олим Ражабов кутиб турган экан.

Завод остонасидан ичкарига қадам қўяр эканман, йўлда тасаввур этганимдан тамомила бошқача манзарага дуч келдим: асфалтланган кенг йўллар, турли рангда товланиб турган атиргуллар ўзини бозорга солиб тургандек, гўзал фавворалар нинг виқор билан сув пуркаб туриши мени бироз шошириб қўйди. Худди афсонадагидек. "Мен бу ерни сал бошқача тасаввур этган эдим", — деб юбордим ҳайратимни яшира олмай.

Ҳамроҳимнинг ҳикоя қилишича, завод қурилиши 1970 йилларга бориб тақалса-да, лойиҳа қуввати суткада 3000 тонна клинкер ишлаб чиқаришга эга бўлган биринчи навбати 1977 йилга келибгина ишга туширилган экан.

Бугун "Қизилқумцемент" Очиқ акциядорлик жамияти учта технологик тармоқдан иборат бўлиб, йилига 3 миллион 80 минг тонна қуруқ цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлибди. 1998 йили маҳаллий хом ашё ҳисобланган — туффитни қуйдириш йўли билан термоактив минерал қўшимчалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилибди. Корхона соатига 25 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шахтали печ ўрнатилгач, корхона қуввати янада ортди. Ички ва ташқи бозорни кенгайтириш мақсадида маҳсулотни шу ернинг ўзида қадоқлаш эҳтиёжи юзага келди. Бироқ бу муаммо ҳам тез кунда ўз ечимини топди. Тайёр маҳсулотларнинг бир қисми шу ернинг ўзида қадоқланадиган бўлди.

Корхона ҳудудини пиёда айланиб чиқиш учун бир кун камлик қилади. Бинолар оралиғига экилган ўриклар, олчалар пишиб ётибди. Янги экилган турли мева ниҳоллари эса бу йил ҳосилга кирибди.

Узумзору лимонзорларни айтмайсизми? Бу, албатта, Ражаб Жуманиёзовдек тажрибали, ишбилармон раҳбарнинг уқувлилигидан далолат бериб туради. Корхона жуда обод. Ҳар бир цех олдида фавворалар ўрнатилган. Экин экиш учун ер майдонлари ажратилган. Ишчилар худди ўз томорқаларидай ерга хоҳлаган экинларини экишлари мумкин экан.

2002 йили корхонанинг ўтга чидамли ғиштга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида маҳаллий ва иккиламчи хом ашёдан пишиқ ғишт ишлаб чиқариш бўлинмаси ишга туширилибди. Яна шу йили оҳактош конининг устки қатлам қобиғидан ҳосил бўлган қолдиқлардан аҳоли ва бошқа корхоналар эҳтиёжларини қондириш учун чиқиқ тош ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилибди.

Европа Халқаро саралаш Қўмитасининг нуфузли компанияси ва эксперт гуруҳи томонидан корхона фаолияти муфассал ўрганилиб, "Қизилқумцемент" маҳсулотлари Мадриддаги WOC Халқаро конвенцияси совринига тавсия этилди ва акциядорлик жамияти нуфузли мукофотга лойиқ, деб топилди. Бундай совринг "Қизилқумцемент"дан ташқари Буюк Британия ва Хитой давлатларидаги турли корхоналар ҳам сазовор бўлгандилар.

Ана шу ривожланган мамлакатлар корхоналари қаторида "Қизилқумцемент" корхонасининг ҳам борлиги ҳар қандай ўзбек фарзанди каби қалбимда ифтихор туйғуларини уйғотди.

Бугун ушбу улкан жамоада минглаб ишчи-хизматчилар меҳнат қилади. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар эса жаҳон андозаларига тўлиқ мос келади. Уларга тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи эса 205 минг сўмни ташкил этар экан.

Ишчилар учун яратилган шароитлар ҳам таҳсинга лойиқ. Кунига ҳар бир ишчига бир литрдан сут берилади. Ошхонада тайёрланган салатлар, биринчи, иккинчи





овқатларнинг бари бепул. Корхона автобуслари ишчиларни ишга олиб келиб-олиб бориб қўяди.

Куннинг жазирамасида иссиқ печлар ёнида меҳнат қилаётган ишчиларнинг нолиганларини эшитмадик. Аксинча, улар яратилган меҳнат шароитидан мамнунликларини айтиб, маъмуриятга миннатдорчиликларини билдирдилар.

Бу ерда ишчи ва хизматчиларнинг саломатлигига алоҳида эътибор берилаётгани 100 ўринга мўлжалланган завод сиҳатгоҳидаги шароитдан яққол кўзга ташланиб турибди.

Бундан ташқари мамлакатимиздаги қатор санаторийлар билан ўзаро шартномалар тузилган. Бу жамоа аъзолари навбат билан гоҳ Зомин, гоҳ Чортоқ оромгоҳларига бориб, саломатликларини тиклаб келишаяпти.

2003 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Меҳнат, экология ва саломатлик" илмий-амалий анжуманида "Қизилқумцемент" 1-даражали диплом билан тақдирлангани, бу йил "Экология ва саломатлик" кўрик-танлови ғолиби бўлгани, бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб республика корхоналари ўртасида ўтказилган "Экофестивал — 2004"да "Экосан" дипломи ва махсус қимматбаҳо совғалар билан тақдирлангани бежиз эмаслигини сезиш учун корхонани бир айланиб чиқишнинг ўзи кифоя қилади.

Замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозланган завод печларида ёқилаётган ёнилғининг тўлиқ ёнишини назорат қилиш учун газонализаторлар, намлагич ва совутгич миноралари учун юқори босимли сув насослари ўрнатилган. Мавжуд енгчали филтрлар ва электрофилтрлар ишлаб турибди. Тасмани конвейерларга ва бошқача ажралиб чиқадиган манбаларга сув пуркагичлар ўрнатилиши натижасида охирги уч йил ичида цемент ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортиб бораётганига қарамай, атмосферага чиқарилаётган чангнинг миқдори 3804 тоннага камайтирилди. Чиқинди газларни тозалаш даражаси 98,4 фоиздан 99,4 фоизга ошди.

Заводдан қайтар эканмиз, мамлакатимиз қурилишлари учун зарур ва сифатли маҳсулот етказиб бераётган заҳматкашларга мустаҳкам соғлиқ, улкан муваффақиятлар тиладик.

Ўктамхон ХОЛДОРОВА





СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, БОЛАЖОН

Муқаддас ҳадиси шарифда "Қалбинг мулойим, ҳожатинг раво бўлишини хоҳлайсанми, унда етимларга меҳрибон бўл, уларнинг бошини сила, ўз таомингдан уларга едир, шунда дилинг юмшаб ҳожатинг раво бўлади", ёки "Тангри наздида уйларнинг яхшироғи — етимлар иззат қилинадиган уйлар" — дейилган.

Тақдирнинг бешафқат ўйинлари туфайли чекига аччиқ қисмат битилган, ҳали ҳаёт нималигини билмаган норасида гўдак тарбияси билан шуғулланувчи Меҳрибонлик уйлари улуғлар назари тушган маконлардир.

Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Меҳрибонлик уйи 1995 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда бу ерда 115 нафар меҳрга муҳтож ўғилқиз тарбияланмоқда. Давлатимизнинг боқувчисини йўқотганлар бошини силаш, ўқитиш, тарбиялаш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ғамхўрликларига жавобан жамоамиз аъзолари тарбияланувчиларнинг билимдон ва соғлом бўлиб, камол топишлари учун бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Болалар тарбиясида уларнинг маънавий оламини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Шу боис "Маънавият ва маърифат" хонасини етарлича адабиёт билан таъминлаш, бу ерда ўтказилаётган машғулотларда мамлакатимизда, дунёда рўй бераётган янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан таништириб бориш, юртимиз тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур ўргатишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Бугунги кунда муассасамиз кутубхонасида 4500 дан зиёд турли адабиётлар мавжуд. Ўқилган китоблар юзасидан тарбияланувчилар билан турли-туман бадиий кечалар, давра суҳбатлари ўтказиб бориш яхши анъанага айланган.

Болалар психологиясини чуқурроқ ўрганиш мақсадида "Қувонч", "Мен ким бўламан?", "Ота-она кўнглини оғритмоқ — энг оғир гуноҳ" мавзуларида тестлар ўтказилди.

Педагогик жамоамизда айни пайтда 69 нафар ходим жамланган бўлиб, уларнинг 21 нафари ўқитувчилар, қолганлари эса тарбиячилар, энагалар ва тиббиёт ходимларидир.

Болаларнинг соғлиқларига эътиборни кучайтириш, айниқса, уларни жисмоний чиниқтиришга кўмаклашиш ходимларимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Маскан да ҳар ой "Қувноқ стартлар" мусобақаси, футбол, воллейбол, теннис, югуриш бўйича гуруҳлараро беллашувлар ўтказиб турилади.

Тарбияланувчиларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларини ошириш учун яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Равил Хаитов билан ўтказилган давра суҳбати кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши ва ҳукуматимиз томонидан махсус дастур ишлаб чиқилгани жойларда ушбу йўналиш бўйича катта ишлар амалга оширилаётгани каби бизнинг жамоамизга ҳам улкан масъулият юклаши табиий. Шу боис бизнинг ҳам дастурларимиз одатдагидан бой ва сермазмун бўлиши учун ҳаракат қилаяпмиз. Яқинда

"Меҳр боғининг бўлажак ворислари" мавзуида оилавий тадбир ўтказдик. Унда тарбияланувчилар ўзларининг қўшиқ, рақс ва шеърлари билан иштирок этдилар. Шунингдек, Конимех туман маданият бошқармаси томонидан ташкил этилган кеча ҳам тарбияланувчиларимиз хотирасида унутилмас из қолдирди. Кечага Навоий давлат Педагогика институти, шаҳар кутубхонаси ходимлари, ҳарбий қисм хизматчилари, "Ишонч" маҳалласи фаоллари ташриф буюриб, болаларга турли совғалар улашдилар. "Наврўз" маданият уйи хонандалари ўзларининг куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Ҳомий ташкилотлар ҳам бизлардан ўз ёрдамларини аямайдилар. Жорий йилнинг июнигача махсус ҳисоб рақамимизга хайрия сифатида 3 миллион 600 минг сўм маблағ келиб тушди.

Бундан ташқари, тарбияланувчиларимизни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларнинг ҳар бирига банкда алоҳида-алоҳида рақамлар очилиб уларга муайян миқдорда маблағ қўйилди. 17 нафар тарбияланувчига ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан нафақа пуллари бериб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, болакайларимиз ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит муҳайё.

Людмила ЮРИНОВА,
Навоий шаҳар
"Меҳрибонлик уйи" директори

Навоий шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли "Мунаввар" Оилавий мехрибонлик уйи

Ушбу рукн билан номланадиган навбатдаги мушоирамиз меҳмони — Навоий вилояти ижодкорлари.

МУҲАММАД ЮСУФЖА

Бир меҳр кўнгилга йўл олар бешак —
Қуёшнинг тафтида унади телак,
Ёлғон бўлсада шарпидир эртак,
Шу шарпи ёлғонга кўнган Муҳаммад.
Эй, ёлғонғи дунё, вафолар қани,
Бешикдек тебранган далалар қани,
Шонг-шуҳрат аталган аллалар қани,
Сенинг ёлғонингдан тонган Муҳаммад.
Инсон туплади яшамоқ учун,
Кимдир боғ яшайди, ким эса тошдан,
Яна кимлар ишқ ишлар Мажнабдек бутун,
Ишқ бўлиб, ишқ учун ёнган Муҳаммад.
Ким учун ҳар бир сўз бир
фарзанд демак,
Кимларнидир жисмлари шуҳрат-ғам керак
Кимларнидир жон у, ким учун юрак
Муқаддас сўз бўлиб қолган Муҳаммад.
Энди сўзлар ёнар юракда абад,
Бу ўтни оташга кўлмам сарҳад,
Ҳар дилда, ҳар қалбда абадул-абад,
Шоир бўлиб, сўз бўлиб,
қолар Муҳаммад.

Дилдора КАТТАЕВА

Бобоқанд МИРЗО

КЎНГЛИНГИЗНИ ТОПСАМ...

Наҳот бардошимнинг сўқилди тоқи,
Кор қаби эстанар жафонинг зоқи,
Кўзингизда севги мудраёди тоқи,
Кўнглингизни топсам кўнглим сизники.

Лекин муҳаббатнинг савдоси оғир,
Қаён бахт ёмғир ёғади, ахир,
Сизни ўйламовдим бунга тошбағир,
Кўнглингизни топсам кўнглим сизники.

Сиз кўкдаги оҳсиз, мен эса тупроқ,
Кушдек талпинаман сиз томон кўпроқ,
Билмам, кўнглингиз кўнглимдан шўхроқ,
Кўнглингизни топсам кўнглим сизники.

Дилимдаги ёздек кўнган ноласиз,
Нетгуп юрагимга ҳадик солдингиз,
Ҳаёл зовурингиздан тушиб қолдингиз,
Кўнглингизни топсам кўнглим сизники.

Нафратнинг соғинч олиб келади,
Йиғласам йиғлайди, кулсам кулади,
Сизни тушларимда кўрим келади,
Кўнглингизни топсам кўнглим сизники.

Кўнглингизни топсам кўнглим сизники.

БАХТ

Ўйдакдан толгага азалий тилак,
Диллар тубидаги муқаддас орзу.
Бахт — излаб яшаркан ҳатто капалак,
Бахтлилик биландир ҳаётнинг тарзи.

Бахт тошлоқлардан яралган дарахт,
Кўзларга суртгулик ҳар бир япроғи.
Ардоқлай олмаган бир умр қарахт,
Эгизлай олгани зардир тупроғи.

Бу дарахт ўсувчан, илдизи маҳкам,
Хосилин олли эл кўради баҳам.
Имон ва Садоқат бир умр ҳамкам,
Бахтдан сароб кўрган бўлмайди мубҳам.

Бахт ёхуд ноз-неъмат бобида шошма,
Панд бермас бу йўлда ҳушёрлик сира.
Аваллаб-асрамоқ керак ҳамиша,
Қаровсиз ғамоқлар тортади ҳира.

Дарахтга тушмасин ёвузлик қўрқуви,
Лоқайдлик — бахт учун ғанима буркалди.
Бахтлилар, ҳушёр бўл, бахтни асрай бил,
Ёмонлар пайт топса, қора сурқалади.

Эришган бахтингни ҳар неда асра,
Мин-мин ва тухматдан, ёмон кўзлардан,
Бало қазолардан офатдан асра,
Ва ҳам асрай олгин ёмон сўзлардан.

Ўкинмай ҳаётдан ўтмоқ бўлсанг гар,
Курашиб бахтингни ол кунинг етгунча.
Бахт эса қалбингни мангуга безар,
Дунёни тарк этиб, жонинг кетгунча.

Менглибой МУРОДОВ

Маруса Ҳосилова

НАВОИЙ ШАРАФИ ЯШАР МУҚАДДАС...

Қадим юрт не ухуш даҳолар кўрди,
Кўрди халқ бетакрор алломаларин.
Кўнгилларга не-не фармонлар берди,
Олис-олислардан келар қушлуқ сас:
"Навоий шарафи яшар муқаддас!"

Дунёни тинратиб Султонлар ўтди,
Қиличи қон сўраб зоҳонлар ўтди.
Изидан зор йиғлаб армонлар кетди,
Асрлар дардидан эзилган нафас:
"Навоий шарафи яшар муқаддас!"

Фарҳоду Ширинлар меҳри жондадур,
Сиз ёққан ғироқлар миллион тандадур.
Ҳар бир сўзингизга жоним бандадур...
Ишқининг озорлари солинган қафас:
"Навоий шарафи яшар муқаддас!"

Беш аср меҳрига йўғрилган китоб,
Наволар миллион йил жаранглар-ҳитоб.
Руҳингиз юртимдан қутлуғ тўй сўраб,
Дунё бўйлаб кезар илоҳий завқ:
"Навоий шарафи яшар муқаддас!"

* * *

Не керак шоҳга, де сўз демоқ тузёғи ила,
Баҳс этиш гуҳлар бўйин шом-саҳар бойбон ила.

Зеву давлатка завасманд бўлмадин Ҳайём, Ҳофиз,
Чун Навоий мулки сўзин тенглади осмон ила.

Магни не келмоқ, кетишдан акс этиб мозийда бир,
Менга таъсим тенглашувин борму жон инсон ила.

Бир илик сўз, меҳр тилабмен одамидан, лек пари
Кунди кўксимни талотўм ишқ деган пайкон ила.

Канга кунсам дўсти ёрдин, бўлмади жавр дизадин,
Ул не дўстидур кунса сендин дуй келар подон ила.

Ҳар сўзи кўксимга тўну, ой юзи ташимга тик,
Хеч унут ўлмас нетай, ушбу ўтар армон ила.

Бахтиёр, дард йўқми дизда ишқ, фано,
узлат дема,
Сен ту куининг ушшоки бир ох нафас
даврон ила.

Бахтиёр ТЕМУР

Марям АЪЗАМОВА

УЗЛИГИМНИ УЗЛАБ

Мен ўзимдан ўзим изланаверaман.
Юрагимга тушуп тўлиб борадн.
Бежавоб саволлар қийнайди мени
Мавҳумот домига тортаверади.

Мен ўзимдан ўзим изланаверaман,
Тушда кўрганларим бўлади рўё.
Агарда энёга интилмай қўйсанг,
Зулматларга ғўмиб борадн дунё.

Мен ўзимдан ўзим сўраверaман,
Худди зулматлардан сўрагандек нур.
Енган шам мисоли ёнаверaман,
Эҳ, бевафо дунё бунёдлар ўйқур.

Мен ўзимдан ўзим изланаверaман,
Юрагимни тутуп кўкак ўрлайди.
Мен ўзимдан ўзим тонганим ёғи,
Ўзлигим ўзимни мендан сўрайди...

ҚУЁШ БИЛАН ХАЙРЛАШИБ БЎЛАДИМИ?



Яна сизни эсладим, яна хаёлларим билан ёлғиз қолдим. Шамол ўнгу сўлимдан чопқиллаб ўтаётганда, яна сиз ёдимга тушдингиз. Ўша шамоллар — менинг хотираларим. Қанчалар бахтлиман, қандайдир эпкинларга тўлиб кетди юрагим. Яна сизни эсладим... эсладиму... "Мени ҳам эслармикан..." деган ўйлар вужудимни қамраб олди.

Бугун қуёшни учратмадим, бугун қуёш билан учрашмадим. Менинг мовий осмонимнинг юзига қоп-қора булутлар чанг солди. Мусаффо осмоним қаёққадир йўқолиб қолди, йўқолиб қолди... Ғамлар — қора булутлар мендан сизни тўсиб қўйди. Осмонга қўшилиб, индамай йиғладим. Ич-ичимдан "Яшагим келаяпти... яшагим келаяпти..." деган ингроқ овоз келди. Мана, яна ўзимга келдим. Ўзимни ўзим таний бошладим. Фақат... сиз келмадингиз.. Келолмасдингиз.. Биламан, келолмаслигингизни... Келолмаслигингизнинг сабабини ҳам биламан. Бугун менга нима бўлаётганлигини худо билади.

Худонинг куни бу, худонинг куни,
Бедорликда дилни ларзага солар.
Мен хаёл мафтуни, олам жунуни,
Жонимдан тўйдириб қўйди ғавғолар.
Ким у, дардларимга даво истаган,
Яшамоқ ҳақида сўзлаган менга?
Руҳим ўртанади буюк фожеа —
Вужудимга сингган азобни енга.
Юрагим зардобга тўлиб кетгандек,
Ачишиб оғрийди аллақаери.
Ёруғ кун кўрмади кўзларим, эй воҳ,
Кунимиз ҳижронга қолгандан бери...

Худонинг куни бу, худонинг куни... Осмонга қўшилиб йиғлаяпман, йиғлаяпману қорачиқларимдан тўкилаётган армонлар тугаб бораётганини ҳис қилаяпман. Киприкларимдан оққан ёмғирлар тинди. Узоқ-узоқларда ботиб кетмоқчи бўлиб турган қуёшдек илинж кўринди. Юрагим ҳапқириб кетди. Яна шамол эса бошлади. Эсликкина эски шамоллар — хотиралар, сочларимни силаб ўтди. Улар "Болам, ташвишсиз одам бўлмайди. Умрингдан барака топ..." деб бошимни силаётган отамнинг қўлларига ўхшайди. Жонбахш бир овоз мени тинмай дуо қилади. Ўша овоз руҳимни уйғотиб юборди, уйғониб кетдим.

Сиз қуёшга ўхшар эдингиз.. Сизнинг меҳрингиз офтоб эди... Сиз қуёшсиз! Шамол мен айтган сўзларни узоқ-узоқларга учириб кетди. Кўнглим илиди... Кўнглим нимадир деди. Сиз.. Сиз.. Мен билан хайрлашмай кетган эдингиз. Мен ҳам бир сўз демагандим ўшанда. Ахир... ахир... ҚУЁШ БИЛАН ХАЙРЛАШИБ БЎЛАДИМИ?

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА

Туялар сут эмизувчиларнинг жуфт туёқлилар оиласига мансубдир. Бу турлар қарийиб йўқолиб кетган туёқлилар синфига кириб, Австралиядан бошқа қитъаларда унчалик кенг тарқалмаган. Жанубий Американинг туясимонлар оиласига кирувчи сут эмизувчилар уларнинг энг яқин уруғдошлари. Ҳозирда бу насл икки хил хонаки турни: бир ўркачли — нортуя ва икки ўркачли (бактрианларни) ташкил этади. Туялардан ўтмишда транспорт сифатида фойдаланилган. Икки ўркачли туяларнинг оёқлари калта ҳамда салмокдор бўлиб, ўрта ҳисобда 180 килограммга яқин юкни кўтара олади. Туялар карвони бир кунда 50 километр йўлни соатига 5 километр тезликда босиб ўтиши мумкин. Нортуялар икки ўркачли туялардан эпчилроқдир. Улар юк билан бир кунда соатига 16 километр масофани босиб ўтади. Рекорд натижа эса 11 соатда 240 километрни ташкил қилиши мумкин.

Туянинг ўркачлари қалин ёғ қатламларидан ташкил топган. Ўркачларнинг тиклиги жониворнинг соғлом ва тўқлигини англатади. Касал ёки толиққан туянинг ўркачлари бўшашиб, умуман кўринмай қолиши ҳам мумкин. Ўркачлардаги ёғ захираси тугаганини уларнинг ҳаракатидан англашилади.

Туя бўйин қисми узунлиги унинг энг майда майсаларни ҳам тановвул қила олишига ёрдам беради. Танаси момиқ жун билан қопланган бўлиб, қиш кунлари янада қалинлашиб, қаттиқ совуқлардан асрайди. Бурун катаклари шундай жойлашганки, бу уларни қум бўронларида ҳам бемалол нафас олишини таъминлайди. Қалин қошлари эса кўзларини асрайди. Қулоқлари кичик, деярли кўзга ташланмайди.

Туялар чанқоққа чидамлиликда бошқа ҳайвонлардан ажралиб туради. Бу ҳолат уларнинг ўркачларида сув заҳирасини кўп сақлай олишини эмас, балки учта мослашув хусусиятига эгалигини англатади. Биринчидан, туялар танасида узоқ вақт намлик сақлай олади. Иккинчидан, улар иқлимга қараб танасининг ҳароратини ўзгартира олади. Учинчидан, қон босимини муайян даражада ушлаб тура олгани сабабли сув тақчиллигида ҳам ишлаш қобилиятини йўқотмайди. Маълумки, туялар ўттиз кундан ортиқроқ сувсизликка чидайди. Сув сероб жойларда кунига 19-27 литр сув ичади.

Туяларда муайян кўпайиш мавсуми йўқ. Икки ўркачли туя 380 кунда, нортуялар эса 315 кунда болалайди. Бўталоқ туғилган даврида 14 килограммгача бўлиб, дарров оёққа туриб кета олади. Туялар ўртача 40 йил умр кўрадилар. Бу қизиқ, ноёб жониворнинг бор сирли томони шунда.

Комил ЖЎНГОЕВ тайёрлади



Туялар

ЗАМОН

Иқтисодиётга хориж инвестицияларини жалб этиш — давр талаби. Бугунги кунда республикамизнинг барча шаҳар, қишлоқларида қўшма корхоналар ташкил этиш, бу муҳим ишда хорижий сармоядорлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Конимех туманида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда туманда давлат рўйхатидан ўтказилиб фаолият олиб бораётган корхоналар сони 478 тани ташкил этади. Жумладан, "Конимех-обод" МЧЖ полипропилин қопларини ишлаб чиқаради. Корхона тўлиқ қувват билан фаолият кўрсатганида йилига 10 миллион дона қоп тайёрлайди. "Сарибел-Диамат-Қоракўл" Россия — Ўзбекистон қўшма корхонаси эса қоракўл терисини ошлашга мўлжалланган.

Маҳаллий хом-ашё ҳисобига ишлайдиган ушбу қўшма корхонада йилига 15 миллион дона қоракўл териси қайта ишланаяпти. "Сарибел" ўтган йили 17 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулотни экспорт қилишга эришди. Жорий йилда эса қоракўл терисидан тайёрланган 300 дона аёллар пальтоси ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришди. 5000 дона ошланган терини хорижга экспорт қилиш мўлжалланган. Агар ушбу режа амалга ошса, олинадиган даромад миқдори 100 минг АҚШ долларидан ортиб кетади.

Булардан ташқари Ловилкон туз кони қайта инвентаризация қилиниб, тузни қайта ишлаш ва йодлаш ишлари бошлаб юборилади. Апрел ойида "Орентир-Туз" қўшма корхонаси ташкил этилиб, унга 60 гектар ер ажратилди. Асосий эътибор тузни йодлаш, қадоқлаш ишларига қаратилган.

Ушоқ ва қора моллар терисини ошлаш бўйича Сарибел ширкат хўжалиги "Учбас" қўшма корхонаси базасида йиллик қуввати 30 минг дона терини ошлайдиган ҳамда тайёр маҳсулот (жакет, куртка, этик ва пойабзал) ишлаб чиқарадиган цехлар ишга туширилиб, маҳсулотлар чиқарилмоқда.

Туманда ишлаб чиқариш, экспортбоп маҳсулотларни сотиш асосан 2003 йил ташкил этилган Новосибирск шаҳридаги "Конимех" савдо уйи орқали амалга оширилаяпти.

Ўтган 2003 йил ишга тушган Тожикистон билан ҳамкорликдаги "Конимех-Руно" қўшма корхонаси йиллик қуввати минг тонна жунни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашган. Ушбу корхона 50 фоиз маҳаллий хом-ашё ҳисобланган жун, қолган 50 фоизи "Навоийазот"нинг нитрат толаси ҳисобига фаолият кўрсатади. Бу ерда ҳозирча тайёрлов ва йигирув цехлари фаолият юритаяпти. Уларда жун даставвал махсус дастгоҳлар ёрдамида титилиб аралаштирилади, сўнг у мойланиб, сақлаш хонасида бир кеча-кундуз сақланади, сўнгра тола чиқариш учун йигирув бўлмасига ўтказилади. Ўраш бўлмасида эса охирги ишлов берилиб, тайёр маҳсулот чиқарилади. Ишлатишга тайёр ҳолдаги маҳсулотнинг 30-35 фоизини Тожикистон олади. Қолгани Қозоғистон Республикаси, шунингдек, Наманган, Хоразм вилоятларига гилам тўқиш учун

юборилади. Корхонада келгусида бўёқ цехи очиш мўлжалланмоқда. Яна маҳаллий кадрларни иш билан таъминлаш мақсадида жаҳон андозаларига мос келадиган гилам цехини ишга тушириш режалаштирилган.

Мавжуд имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб, келажакда маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга йўналтирилган корхоналар сонини яна кўпайтириш, аҳолига муқим иш жойлари ташкил этиш, туман инфратузилмасини ривожлантириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Зеро, иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш ва аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш туман ҳокимлиги олдида турган энг биринчи вазифадир.

Қодирбек САЛИМОВ,
Конимех тумани ҳокими ўринбосари

БИЛАН ҲАМНАФАС



Хосият БОБОМУРОДОВА

...Чингизхоннинг лашкарлари ниҳоятда яқин келиб, огоҳ этиб осмонлардан чақин келиб турган чоқ.

Жалолиддин Мангубердининг аҳли аёли зор йиғлашиб, шоҳга бош эгишди, ёш тўкишди: — Шоҳим, бизни душманнинг қўлига берманг. Ёвники бўлганимизни кўрманг. Ўзингиз ўлимга ҳукм этинг. Сизники бўлиб ўлайлик — , дейишди. Жалолиддин Мангуберди рози бўлди. Аҳли аёлини чўктирмоққа фармон берди.

Жон-жигарлари билан видолашиб шундай деди:

Онангни таништир, дарёга ёлворди...

Дарёжон, сенинг ҳам онанг бормиди?
Аллалар эшитган хонанг бормиди?
Тенги йўқ, гавҳари донанг бормиди?
Жон дарё, онамни топширдим сенга.

Умидсиз дилимга умид нақш этгин,
Қаноти қайрилди, қанот бахш этгин,
Нарги қирғоққа елкалаб ўтгин,
Дарёжон, онамни топширдим, сенга!

Йўқотма сочидан бирор толани,
Она оқмоқда, деб бузгин оламни,
Гуноҳин сўраб ол, мендек болани,
Дарёжон, онамни топширдим сенга!

Йиғламайман, она, кўзимда йўқ нам,
Дарёларга сиғмас бағримдаги ғам,
Онамга ўгил бўл, менинг учун ҳам,
Дарёжон, онамни топширдим сенга!

Қизини таништир, шундай деди:

Ҳеч чорам йўқ, ватанимни ёв босди,
Ололмайин ёнадирман ўч қасдим.
Менга қолса, тирноғин ҳам бермасдим,
Эй дарё, қизимни топширдим сенга!

Жамалак сочларин ўпгил, силагил,
Қўшиқлар айтиб бер, эртак сўйлагил,
Тортқилама, силкилама куйлагин,
Эй дарё, қизимни топширдим сенга!

Тўлқинларинг жоҳилланиб ирғитмагин,
Балиқларинг тўрт тарфдан қўрқитмасин,
Довулларинг ёлғизимни ўкситмасин,
Эй дарё, қизимни топширдим сенга!

Марварид, дурларинг сеп қил қизимга,
Қасрларинг кўрсат кўрар кўзимга,
Зулмингни кўрсатма, паноҳсизимга,
Эй, дарё, қизимни топширдим сенга!

Ота! — деб йигласа қамчилар солгин,
Ҳовучига кумуш томчилар солгин,
Жонимнинг жонини авайлаб олгин!
Эй дарё, қизимни топширдим сенга!

Ёрини дарёга отар олдидан шундай деди:

Мансиз кетиб, озорлари кўп бўлар,
Чиройининг бозорлари кўп бўлар,
Очиқ бошин эзарлари кўп бўлар,
Эй дарё, ёримни топширдим сенга!

Сочини силама, қўлларингни торт,
Меҳрини тилама, тилларингни торт,
Кўзим тўла олов, дилим тўла дард,
Эй дарё, ёримни топширдим сенга!

Бир ўқ кўксимизни тешмасми эди,
Бир ўқ иккимизни қўшмасми эди,
Бир оҳ икки дилдан тушмасми эди,
Эй дарё, ёримни топширдим сенга.

Ёри бўлма, ёви бўлгин ёримнинг,
Синдириб от кўнгил деган торимни,
Оқизиб кет ғуруримни, оримни,
Эй дарё ёримни топширдим сенга!

Қуёшга бермагил, юлдузга берма,
Гулларга бермагил, илдизга берма,
Ўлимдан ўзгасин унга тенг кўрма,
Эй дарё, ёримни топширдим сенга!

Чирпирак қил, қалқонини ёд этсин,
Ишқ ҳақида достонини ёд этсин,
Жон чиқарда Жалолим, деб дод этсин.
Ол, дарё, ёримни топширдим сенга!..


Ширинлик
Баҳор гули
Экинзор
Довруқ
Ўгит
Азалий қўшиқ
Лавозим
Мактуб
Мусаффо пайт
Лойиҳа
Монанд
Газмол
Ошхона анжоми
Мақом
Чирой
Ёзма иш
Газ модда
... Ўтар
Фурсат
Мусиқали санъат
Чақириқ
... ариқ (туман)
Сўзда туриш
Кимё модда си
Кўриниш, чеҳра
Авто марка
Ширинлик
Покиза
Тиғли асбоб
Йирик ҳайвон
Аёл исми
Бўёқ
Пардоз ашёси
Эрон валютаси
Баҳо бирлиги
Фозилжон ОРИПОВ тузди

Тавлат — шоабвир











Nurli tong
Bahodir Jalolov

Guliston

Rahimboy Jumaniyozov

"Qizilqumsement" OAJ badiiy jamoasi rahbari

Guliston

340

Indeks: yakka obunachilar uchun — 820
tashkilotlar uchun — 806
Bahosi: kelishilgan narxda.